

R 496



Guliston
2006/3



2006 йил - 2006 йилнинг 2006 йил

Китиларнинг қадрлиги сазоватли китидир.

Ҳусеф Хосе Хожиб

Балқини етуш сазий китидир, сазийлик шараф келтиради.

Ахнаф Юнакий

Қилпатеуз кити эр сониди эмас
Ва руҳеуз кити тирик денас.

Навоий

Мард шундай китики, гапирнасан туриб,
қилмоқчи бўлган итини адо қилади. Ҳолард кити
гапириб туриб ҳам адо қилолмайдۇ.

Мекангар Сулкарнайн

Илконини кўтаришга қараб сазийлик қил,
бироларга тақлид қилган ҳолда сазийлик қилма!
Қарз олиб бунини эвазига қилинган сазийлик қандай
сазийлик бўлади, бошқаларнинг молидан олиб,
бироларга едиришдан нима фойда?!

Абдубек Шерозий

Китилар бор қилпате ила эртиқод,
Оқибат ул-аир топар ул нурад.

Дурбек

Сазий китинини таомли шифодир.

Ҳасие

Қилда сар сазийлик одати йўқдур,
Джинлик кутмоқнинг ҳожати йўқдур.

Абдулбаракот Ходирий

Озирмай жони на билеун ул жон қадрини,
Дарди йўқ бедард на билеун дори-дармон қадрини.

Қубайдо





ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Бахтиёр ГАНЖАМУРОД
Хуршид ДАВРОН
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Абдусайд КҮЧИМОВ
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Абдулла ОРИПОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД
(масъул котиб)

Комилжон ҚИЁМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Раҳмон ҚЎЧҚОР
Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:
Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
Манзура ШАМС

Зумрад ВАҲОБОВА
Фотомухбир

Шавкат ҚАҲҲОРОВ

Саҳифалаш ва дизайн
Дилшодбек АБДУСАТТОРОВ

Навбатчи муҳаррир
З. ВАҲОБОВА

Ушбу сонда:



ҲАҚИҚАТ

ШИРОҚ АҲСОАСИ

Босишга 15.05.06 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8,
Ҳажми 6,0 босма табақ.

Биורתма № 77

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: Қўбухона: 136-56-01, Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90
Масъул котиб: 133-07-94, Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди.

Манзили: Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Журнал Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида
091 — рақам билан рўйхатга олинган.

МУҚОВАЛАРИМИЗДА:

1-бетда — 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

2-бетда — Хотира ҳузурида

3-бетда — Хонанда Севарабону

Ўзбекистон Бадий кўргазмалар залида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига кирувчи Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон рангтасвир ва халқ амалий санъати усталарининг кўргазмаси очилди. Кўргазмадан "Россия кўроқ мозайкаси" экспозицияси, Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир, сопол буюмлари ва ёғоч ўймакорлиги, Г.Айтиев номидаги Қирғизистон тасвирий санъат миллий музейи тўпلامларидаги асарлар жой олди, айни дамда Хитой қадимий Фуцзян ўлкаси халқларининг рангтасвир усталари, Тожикистон замонавий ва анъанавий рассомлари ўз ижоди билан

қилинган. Гавдалар хатти-ҳаракатида илғаб бўлмайдиган даражадаги сеҳр, юз ва қўлларда роҳат, чексиз-чегарасиз руҳий парвоз, висол оламининг тотли, назокатли туйғулари намоён бўлади.

Лекин Ибрагимов турк оламида неча минг йиллар давомида инсоннинг оғирини енгил қилган, даҳшатли ва қувончли дамларда инсонга дўст, ҳамроҳ, сирдош бўлган, жанг майдонларида уни ўлимдан қутқарган, инсоннинг қадрдон ҳамроҳи отлар тимсолида бутун бир чегарасиз руҳий макон ва замон тафсилоти ни сиқик воситада жонлантиради. Юксак техник имконият устаси

ТАСВИРЛАРДА НОЁБ ТУЙҒУЛАР



иштирок этди.

Кўргазманинг Қирғизистон бўлими Г.Айтиев номидаги тасвирий санъат миллий музейи экспозициялари ва ҳозирги замон дастгоҳли тасвирий санъат асарларидан ташкил топган. Унда республикада кўзга кўринган кекса авлод Г.Айтиев, Е.Чуйковлардан то шу куннинг характерли изланишлари ҳисобланмиш Ж.Абралиеванинг абстракт-реал, сюрреалистик кигиз, наमत техникасида ишланган асарлари намойиш этилган. "Оқ кема", "Асил тош", "Қуй", "Махфий", "Ойдин кеча", "Яшил олам", "Тоғ манзараси" ва бошқа 2000-2003 йилларда яратилган изланишларда ўлканинг қадимий материалдан келиб чиқиб, соф колористик нюанслар воситасида қайтарилмас манзаралар, воқеий тасвирлар кўлами ифода этилади. Ута маҳорат талаб қиладиган материалдаги тасвирлар, шундай фантастик олам, ифода эркинлиги воситасида руҳий кенгликлар, ўзига хос таассуротлар йиғиндисини берадики, бу сезги фантазиясининг бой, чексизлигидан далолат беради. Оддийгина кигиз материалдан эмин-эркин ифода услуби орқали қалбга яқин, қайтарилмас руҳий дунё яратилиши табиий талант кўламининг булоқ каби қайнаб чиқётганини кўрсатади.

Л.Ибрагимовнинг "Тун ва кун", Акмал Нурнинг "Булоқ" асарлари Ўзбекистон рангтасвирларидаги юксак асарлар бўлиб, уни шу пайтгача бу рассомларнинг олиб борган изланишлари яқини, этапли полотноси деса бўлади. Бу асарлар рассомларнинг тимсоллар, рамзий белгилар орқали бутун бир руҳий бўшлиқларни, инсоният тақдир, қисматига хос умуминсоний, самовий кучлар эпкинини қамраб олиш даражасининг чексизлигини кўрсатади. Акмал Нурнинг "Булоқ" композициясини йигит-қиз ўртасидаги муҳаббатга қасида дейиш мумкин. Зар сингари доналарнинг балиқ озига тўкилиши, қизнинг тангани булоқ сувига ташлаши каби ирим-сирим, тимсолий белгилар асосида балиқ севи ифодаси сифатида кўрсатилган. Атроф текис озанинг дурга тўла тобланишида, қиз ва йигитнинг нафис, нозик, нафосатли хатти-ҳаракати, илтижо, имо-ишоралар кўламида бутун бир қайтарилмас руҳий ва ифодавий гўзаллик талқин

юритган жозибатор чизиклар мажмуасида чексиз, чегарасиз ифодавий имкониятлар, маҳорат даражасининг юксак нуқтасига элган ижодкор намоён бўлади. Қора ва оқ ранг тасвирчан пластик ечини толган композицион кўлам даражасининг бир ҳамла билан ҳал қилингандай таассурот туғдириши рассомнинг ифодавий қамрови қай даражага эришгандан далолат беради. Узоқ йиллар давомида олиб борилган изланишларнинг яқинини кўрамиз бу асарда. Тимсолий, Шарқ руҳий кучлари талқини рассомнинг барча асарларида сиқик воситапар асосида берилади. "Уч фаришта" композициясида бу хусусият янада янгича талқин топади. Аёл, қиш, от тасвиринда шу илоҳий, самовий хусусиятлар оқ фонда, нафис, эркин ва шиддатли, бехато юритилган чизиклар ёрдамида янада яхлит, тасвирчан, ифодали, ёрқин намоён бўлади.

Қозоғистон рассомлари ижодида илк ҳаётий манбалар, эртаксимон ва афсонавийлик, шунингдек, коинот ва ер воқеалари талқини қадимий авлодлар руҳи ва келажак ҳақида қарама-қарши, зид қутблар тўқнашувидан ҳосил бўлган туйғулар мажмуини кўрамиз.

Кўп асрлик маданиятдан мадад олган рассомларнинг изланишларида қадимийлик, анъанавийлик ва янги санъат турлари аён кўзга ташланади. Бу жиҳат кўргазманинг Хитой бўлимида яққол кўринади. Ушбу асарларда қадимий Хитой маданияти, унинг қайтарилмас руҳи кўринади. Ёрқин кизгиш ранглар, оқиш, яшил, сарғиш, зарҳал тусланишлар, колористик соф, беғубор, қалбларни нурафшон этувчи тароват, чизиклар ўйинидаги сеҳрли товланишлар, тасвирдаги эмин-эркин ифода йўли фантастик фикрлар тўлқинини ифода этади, юзага олиб чиқади. Тасвирлардаги болаларча соддадизлик ва гўзал воқелик очик ёрқин чизиклар, рангларда гавдаланади. Ақл бовар қилмас ранг ва чизилар талқини афсонавий руҳий оламини бунёд этади. Бу изланишлар руҳига кўнра санъат анъаналари сингган. Шунинг учун ҳам бу тасвирлар қайтарилмасдир. Чунки унда аждодлар руҳи, улар қалбига жўшиб келган туйғулар акси композицион қурилмаларнинг ўзига хос талқинида намоён бўлади.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Ў, Дўрмон тонглари...
сарин-сарин эсар шаббода,
Руҳни қитиқлайди

ҳаволар.
Бошқача бўлиб кетгунг
дунёда —
Паллайн баҳорлар, баҳорлар.
Булбул “чаҳ-чаҳ”ига тўлар боғ,
гул эмас, яшиллик шайдоси улар.
Бугун ям-яшилдир нафақат Дўрмон,
Ям-яшил Ўзбекиюрт!
Нурота тоғлари,

қир-адирлари
кўғаллади.
Кўзиқоқлар тамшанар.
Сурхон томонларда бодом гуллади
пушти, оқ, қизил, рангпар.

Қиш аргумоқлари
чекинди —
Қорақалпоқ, Хоразм
кумликларида.
Чечаклар очилди бу кенгликларда.
Соғиниб кетдим
Водийни

Қамчиқ довонидан
тезда ошгум, бас,
ахир, Кўли Қуббонга
Ойбек каби
қўйганман ихлос!

ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

Якшанба эди.
Ўридан қувнаб турди Замонбек.
Онасига деди у: “Бир иш қилайми?
Бувимни “Мустақиллик майдони”га
олиб борсам...
У ерга лайлақлар келибди!”
“Қўйсанг-чи, — деди Ойгулхон она, —
...тушунаман,
лекин Бувинг боролмайди”.
“Боради! — деди Замонбек, —
Уйда ётаверган одам

хаста бўлар кўп,

Бувимни
бир айлантириб келаман...
Хўп, денг, хўп!”

БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Эҳ,
бу ёшлар,
бу ёшлар...
Кўп ўжар чиқди.
Билганидан қолмайди.
Бош майдонда, мана, Замонбек,
Ёнида Бувиси, Мамлакат Бош дарвозаси —
Эзгулик аркасига боқиб турар тик.

Буви, ишонмайди кўзларига.
Остонага қўниб турар лайлақлар,
лайлақлар қайтибди.

Юртага барака келибди!
Ў, лайлақлар,
кетиб қолган эди Юртдан,
кетиб қолган эди ҳатто Бухороий шарифдан!
Хўб донишманд-да бу қуш:
Қайда осойиш,
тинчлик —
ўша ерда улар,

ахир,
хотиржам, тинч яшашни
хуш кўрар донишмандлар.
“Болам, — деди Буви, — Арка пенштоқи устида,
Хўв, қанотларида
Қуёш нурлари ўйнаётган қушлар
лайлакка ўхшамайди-ку?”

“Ха, — дейди Замонбек,
Улар турналар,
турналар,
Бизнинг тимсолимиз!
Гўё турнага айланиб
Ўзи кўкка учаетганде-е-е-к...
“Биласизми, — дейди Замонбек, —
Бир пайтлар бобомиз Амир Темур ҳам
Арки Олий курган Самарқандда!”
Тийрак неварасин бу сўзларидан
беихтиёр кўкси тоғдай кўтарилар Норбиби Аянинг.

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Бош майдон.
 Мустақиллик майдони.
 Мустақиллик сўзин
 олгунича то
 нималарни
 бошидан
 кечирмади у?!
 Ҳар инсон тақдири каби
 тақдири бор ҳар нарсанинг.
 Хусусан, бу майдоннинг.
 Кўп узоққа бормайлик.
 Бундан юз йил нарида
 “Собор майдони” деб
 аталарди бу ер.
 Чор армияси зобитлари
 ва онлалари
 ибодат қилишарди бу майдонда.
 Тўда-тўда,
 гала-гала,
 Итлари ҳам бўларди:
 тўда-тўда,
 гала-гала,
 жуда кўрқинчли эди улар!
 Узо-о-оқлардан
 жавдираб қарашарди
 қорақўз болалар.
 О, сўнг Шўро келди!
 Ва “Собор майдони”
 “Қизил майдон” деб ном олди бирдан.
 Ростдан,
 қизил майдон эди бу майдон.
 Қип-қизил қон... қон... қон...
 Гурсиллатиб,
 зирқиратиб,
 чилпиллатиб,
 сачратиб
 ўтарди оғир нағалли этиклар,
 этиклар,
 этиклар...
 сўнг танклар,
 танклар,
 танклар!
 Уларга йўл кўрсатиб турди кейин
 баҳайбат ҳайкал.

Пушкин ҳайкали эмас,
 Достоевский ҳайкали эмас,
 Волга-Дондан келган
 74 тоннали,
 ўн саккиз метрли кал ҳайкал.
 Ва майдон аталди:
 “Ленин майдони”.

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Замонбек
 Бувисин бошлади
 оқ поёндоз йўлақдан,
 икки ёни яшиноқ арчазор йўлдан,
 Ҳаёт йўлинг ойдин бўлсин деяётган йўлдан —
 Озодлик обидаси томон.
 Норбиби Ая кўрди дафъатан —
 Қурраи арз бағрида —
 Ўзбекистон!
 Ўзбек Давлати!
 Ўзбекистон Давлати!
 Ўзига Бек Давлат!
 Ватан
 жилоланиб турар
 Ер шари сиймосида!
 Норбиби Ая
 меҳри тошиб қаради унга,
 “Хўп ярашибди
 Ер шарига!”
 Олтин ранглар
 товланар,
 жилваланар,
 ўйнар,
 куйлар...
 “Болам, — деди Норбиби Ая,
 “Ўзбекистон” пойида
 тўй бўлаяптими?
 Бунча одам кўп,
 бари ёш-яланг...”
 “Ҳа-а, тўй бўлаяпти, тўй!.. —
 қаҳ-қаҳ урар Замонбек.
 Ва ногоҳ:
 “Гул эсимдан чиқибди... Ҳозир”, —
 дея бурлиб орқага чопди.
 Гул келтирди!

“Ана, энди, гул қўямиз Она пойига!

Бахтли Онага қаранг,
келинингизга ўхшайдими,

тарихчи келинингизга...
онамга-да...”

Донг қотиб қолди Норбиби Ая.

Бахтли Аёл,
Бахтиёр Аёл,
Ўзбек Аёли!

Очиқ чехра,
маъсума,

мунис,

тиниқ нигоҳ

Бир дунё муҳр-муҳаббат-ла боқар

гўдагига!

Оҳ!

Бунчалар юлдузи иссиқ,

бунча ярашиқ

қўкракбурма кўйлак эгнига!

Нимагадир лоп этиб

бир ривоят тушди Ая эсига,

шууридан сизиб ўтди бамисоли нур.

Хуллас:

Бир подшо бўлган экан

ўша қадим-қадим замонларда

мамлакатни маҳобатли,

сиёсати адолатли,

эл-улусига марҳаматли, доноларга, уламоларга

эътиборли, ҳурматли,

гадоларга ҳимматли, яқин-узоқ

юртларга ҳеш-ақрабо қимматли, дили-

тили бирдек зийнатли

Подшоҳ.

Подшоҳ онласида бир Аёл хизматда эди.

У тикувчи. Кеча-ю кундуз Подшоҳга-ю

Маликага, уларнинг ўғил-қизларига,

невара-чевараларига-ю суюб, ардоқлаган

оға-ини қариндошларига, тўю

тўёналарга-ю... нима лозим бўлса

тикиб-бичарди

қўли гул

Аёл!

Қўли гул Аёлнинг тенги йўқ эди оламда,

оламда тенги йўқ эди тикканларининг!

Либосларининг! Бичиб-тиккан зийнатларининг!

Аёлнинг ўзига муносиб Ёри бор эди — Тошкесар

уста.

У тоғлардан тош кесиб келтирарди

Саройга! Саройни тошу мармарлар билан

безарди. Унинг қўлида ҳар бир тош

мўъжизага

айланарди.

Камалакка

айланарди

ҳар бир парча тош!

Қўли гул

Тикувчи

Аёлнинг

ота-онаси ҳаёт эди, ака-ука, опа-сингил ва

бир ўғил, бир қизи бор эди, барчаси

бахтиёр

эди

Ҳаётда!

Кўз тегди Аёл бахтига! Қуллардан бир кун

суюкли Ёри — Тошкесар меъмори тоғларга кетиб

қайтмади.

Қайтмади биринчи кун.

Қайтмади иккинчи кун.

Қайтмади учинчи кун,

қайтмади...

Кўз тегди Подшоҳ юртига. Бир тўда бузғунчи

пайдо бўлди. Даъвогарлик қилди подшоҳ тахтига!

Нима эмиш:

Ўзга Давлат,

Ўзга сиёсат,

Ўзга ҳақиқат,

Ўзга адолат,

Ўзга жамият қураб эмиш.

Шундай демиш эски китобларда уларга.

Подшоҳдан амр бўлди.

Бузғунчиларни тутинг!

Қатъият сақлағай мамлакатни! Қатъиятсиз

подшоҳ — бўш қоп!

Бўш қоп, шалвираган қоп нима берар деҳқонга!

Подшоҳ амри вожиб,

тутдилар бузғунчиларни!

Подшоҳ

фармон

берди:

Барча бузғунчиларнинг барча бола-чақа, оға-ини,

қариндош, уруғ-аймоқларин ҳам

тутинг!

Ва барчасиң бирдек дорга осинг!
 Ахир уларнинг қон-қариндошлари ҳам
 битта қондан! Бузғунчилик қонидан!
 Ит — қутурмайди,
 қони қутуради!
 Итни
 қони билан кўминг!..
 О, Дунё!
 Бузғунчилар ичида эди Тикувчи Аёлниң эри!
 Улар билан бирга эди Ташкесар Ёр!
 Тикувчи Аёлни — қўли гул Аёлни ҳам
 эри билан бирга олиб келдилар дор остига!
 Подшоҳ Маликаси хабар топди бундан —
 кўзларига ишонмай.
 Наҳот Тикувчи — шундай қўли гул Тикувчи
 осилса дорга.
 — Йўқ, унинг айби йўқ,
 гуноҳи йўқ, — деб ёлворди подшоҳга,
 — бир қошиқ қонидан ўтинг,
 У муносиб эмас дорга!
 Бутун аҳли мамлакат билгай Уни,
 Подшоҳ хонадонига берган имонини,
 жонини!
 Оилада — подшоҳ эмас эр,
 Аёл — подшоҳ оилада!
 Бир сўз билан озод
 Тикувчи Аёл —
 қўли гул Аёл!
 Озод Аёл — Тикувчи Аёл деди Подшоҳга:
 — Ота-онамининг, бола-чақамнинг, опа-сингил,
 ака-укамнинг, қариндошларимнинг айби не?
 Уларни османг дорга!
 Сиз — Ҳақиқат,
 Адолат султони ахир!
 Мен эса бир ожиза...
 яланғочларни кийинтиргувчи Аёл.
 Менинг гуноҳимдан ўтдингиз,
 Уларнинг ҳам гуноҳидан ўтинг, Подшоҳим!
 Тикувчи Аёл ёнини олди Малика ҳам.
 Подшоҳ деди: — Барча яқинларингдан
 биттасининг гуноҳини сўраб ол, **ФАҚАТ**
БИТТАсининг,
 сен **ЁЛФИЗ** қолмаслигинг учун
 биттасининг
 бошини
 олиб қолгум

дордан!
 Бошқасига изн йўқ! Тамом-вассалом!
 Уфқ ёнар.
 Тикувчи Аёл Уфққа қаради. Уфқ ёнар —
 қуёш ботмоқда.
 — Эримнинг гуноҳидан кечинг! Ташкесар
 ёримни османг дорга!
 Тақдирда бор экан, чидайман бошқасига!
 Подшоҳ донг қотиб қолди!
 Ҳайратда қаради Маликага.
 Малика ҳам лол!
 Подшоҳ деди Тикувчига:
 — Аҳмоқ экансан, эй Аёл!
 Эринг бегона қон...
 Отанг ё онаниннинг,
 ўғил ё қизинингнинг,
 ҳеч бўлмаса
 бир қариндош-
 қондошинингнинг
 гуноҳини
 сўрамайсанми?
 Тикувчи Аёл жавоб берди
 қатъий:
 — Аҳмоқдирман... аммо
 Ёшини яшади ота-онам. Уларни менга
 боғлаб бермаган бир умр! Ака-укамнинг
 ўз оиласи бор, бирдир улар қисмати!
 Опа-синглимининг ҳам, улар менинг
 ёлғизлигимни икки қилолмас!
 Ўғлим кетар бир ўпқонга, қизим тушар
 бир қопқонга, оға-ини, қариндош
 бир топқонга, мен қолурман
 ҳар чопқонга...
 Эримни беринг.
 Эримнинг ўтинг гуноҳидан!
 Подшоҳ баттар лол!
 Деди у ниҳоят: — Эрталаб олурсан жавоб!
 Тонг отди
 бир гулгун
 тонг.
 Подшоҳ фармони қилинди эълон:
 — Тикувчи Аёлниң, донишманд-оқила Аёлниң,
 садақатда танҳо, адолатда бебаҳо, вафода
 ёлғиз Аёлниң нафақат Ёри, ота-она,
 ака-ука, опа-сингил, барча яқинлари озод этилсин...
 Малика баёлари ҳам тарқалди элга:

Аёл бошида эр бўлса: У ота-оналик қилар Аёлга,
ака-укалик ишин қилар, болалик-чақалик
қилар, Аёлга қанот, қариндошлар,
яқинлар ўрнини босар... Ҳаёт бардавом!

Ҳаёт бардавом!

Ҳаёт бардавом!

Подшоҳим

шу хулосага

келди

тун бўйи!

Кунлардан бир кун...

адашиб — бузгунчилар
қутқусига учиб, кўрқиб уларга
кўшилиб қолган Тошкесар йигит
бир ҳайкал бунёд этмиш Ҳисор тоғларида!

У

улкан

Тоғ

чўққисини

айлантирмиш

Аёл сиймосига!

Бир

Сиймоки:

ВАФО,

САДОҚАТ,

БАХТ,

МЕҲР-МУҲАББАТ тимсоли!..

Норбиби Ая шуридан бу ривоят
сизиб ўтди бир лаҳзада бамисоли нур!

САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Қанча мамлакат бор

дунёи дунда,

уларнинг бормикан аниқ саноги?

Саногин билмайман

ва лекин-аммо

Барчасининг пойтахти бор,

Бош майдони бор.

Унча-бунчасида бўлганман

мен ҳам,

томоша қилганман,

ҳавас қилганман...

Анқара,

Лондон,

Деҳли,

Токио,

Сеул,

Масков

ва собиқ республикалар

бош майдонларин кўрганман.

Бўғзимга тиқилар ҳаяжон:

Ўзбек Давлатин янги Бош майдони каби

Ҳаёт тимсоли —

яшил-яшил

майдонни, йўқ,

кўрмаганман!

Фусункор боғ аро

кезаман тез-тез,

арчаларга, қарағайларга

тўймайман қараб.

Хуш келибсиз, арчалар,

сарвқад қарағайлар —

яшил салтанат.

Нақадар севаман сизни,

сизни кўрмоқ учун

олис тоғларни кезганман кўп бор!

О, мана, бу фавворалар,

маржонлар сочади

теваракка,

фалакка,

салқин-намхуш хилқатда яйрайди жон-тан.

Бир ҳайкириқ юракда:

“Фусункорсан Ватан!!!”

Муаззам қоша —

Майдон гултожи —

Сенат биноси!

Ўзбек пахтасидай оппоқ!

Ўзбек юрагидай оқ!

Хов-в, тоғ зирваларида жилоланар

жилоси,

Осиё офтобидан пештоқлари ярқироқ!

Сенда,

қонунлар пайдодир устувор,

Мумтоз тузуқлар яратилажак!

Ҳукумат биноси — кўзинг ўнгида,

Сенда тош-тарози — пойдор.

Сен — ўтмиш,

сен — бутун,

сен — Келажак!

Норбиби Аяни кўпдан биламан,

Унинг ўғли билан

қадрдонман мен.
 Ўша куни
 Сенат биносига
 қараб турганда мафтункор
 кўриб қолдим.

Замонбек кўлларини
 силкитиб,
 менинг ўйларимни уққандек
 нималарнидир таъкидлар Аяга.

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАНЗАРА

О, Ақл-заковат,
 сенга ташаккур,
 яшасин оламда
 эзгу тафаккур!

Эй, Дунё ҳайкалтарошлари,
 сиз уларга ҳайкал кўйинг,
 муаззам ҳайкаллар,
 улар юксалиб борсин Ойгача!
 Юлдузларгача!
 Бани башар
 гулчамбарлар кўйсин
 ижодга!
 ижодга!
 ижодга!

Қандай кўрк бу,
 қандай маҳобат,
 қандай мақом,
 олий ҳашамат!
 Нафосат,
 латофат,
 малоҳат!

Мустақиллик ва Эзгулик монументи.
 Мустақиллик,
 Эзгулик...

уларни айро-айро,
 айри-айри
 бўлмайдиган тасаввур этиб!
 Шарқ,
 Фарб

заковатин ранглари
 уларда уйғун, мужассам!
 Бир нуқтада — Анҳор соҳилида —
 Илоҳий масканда
 кўзим ўнгида
 Хаёл ва Ҳақиқат!

Ҳайрат!
 Улуғ меъморий санъат!

ЎНИНЧИ МАНЗАРА

Ўша куни...
 насимлар қанотида
 олиб учдилар гул бўйларини.
 Димоғлар яйради,
 яйради жонлар,
 яшнаб кетди имонлар,
 қонлар.

Болалар чуғурлашар,
 ҳеч бири қилмас хархаша.

Бунда ёшлар,
 бунда талабалар,
 булар талабаларми ё...
 ошиқ-маъшуклар
 чақнашар...
 чақнаб кетар юрагим.

Норбиби Аяга қарайман:
 бардам,
 тетик,
 яшариб кетгандек
 бир нигоҳ.

Замонбекнинг нигоҳи эса...
 тез-тез
 кумуш жарангларда...

“Юринглар, — дедим уларга,
 — бир кўринглар “Хотира майдони”ни ҳам.”
 Мотамсаро Она.

Норбиби Ая
 танийди бу Онани.

Бир умр йўлга қараб
 кўзларида ёш,
 юрагида армон ва ҳасрат,
 мунис ва меҳрибон,
 заҳматқаш,
 мушфиқ бу Онани!

Мана, бу Шарқ руҳи,
 Ўзбекона руҳ
 муҳрланган

айвонлардан,
 Эл-юртнинг уй-айвонларидан
 лаънати урушга қузагган
 оқ ювиб, оқ тараган
 ўз жигарбандларин У!

Замонбенинг бурро овози:
“Сен доимо қалбимдасан, жигарим!”
“Шундай ёзибдими?” — дейди Норбиби Ая.
“Ҳа, — дейди Замонбек, — ана, ўқинг.
Кўзингиз ўтмаяптими?”
“Ҳа, илгари бошқача ёзув бўларди”, — дейди Ая.
“Қандай?” — дейди Замонбек.

Мен қўшиламан улар гапига: — “Сенинг
исминг
номаълум, жасоратинг барҳаёт”.
“Исми номаълум ҳам одам бўладими?” — дейди
Замонбек.

— Ҳамманинг исми бўлган-ку!
Ана, уларнинг номлари
олтин ҳарфлар ила битилган лавҳаларга”.
“Исмиларни исмсиз қилган-да”, — дейман мен
Замонбекка.

Нималарни ўйлаб қолди Ая,
узоқ қолди жим.

Сўнг деди дафъатан:

“Болаларим, огоҳ бўлинг!
Болаларим, шукур қилинглар!
Шукур, денг, шукур!
Ношукурлик бандасига ножоиз!”
“Огоҳ бўлинг!”

Юрагимга урилар зарб!
“Ношукурлик... ножоиз!”
титрар қалб!

Огоҳлик...
Шукроналик...

Бугун фарз!
Бугун қарз!
Фарз, Қарз

Инсонга!
Инсониятга!
Қуёш борар кексайиб,
Кичрайиб борар Замин!

Она Сайёра!
Жанг борар Эзгулик ва Ёвузлик орасида!

Азалий,
Абадий
жанг!
Ҳаёт,
Мамот жанги!
Йўқсизлик,
йўлсизлик
бош устида!

Ҳалокат, Фалокат оёқ остида!
Оналар омонлик тилайди.

Гўдаклар омонлик тилар!
Асалари гул тилар,
бол йиғиб берар инсонга,

Капалак
боғ аро ўйнар,
қувонч берар инсонга.

Тоғдаги кийикнинг айби нима,
қора кўзими
қора кўзларни қувнатган?

Дарёдаги балиқнинг айби нима,
эркинликни ўргатган?

Даштўрғайнинг айби не,
юракларни яйратган?

Гулбоғларнинг айби не,
шу гўзаллигимиз?

Инсон — асл бунёдкор!

Бунёдкордир АСЛ СИЙРАТ ва СУВРАТ!
Бизга нафақат она Тошкент

гулласин,
нафақат гулласин она Ўзбекистон,
Гулласин Африка,
очликдан кўзлари киртайган, қоринлари шишган
болалар бир Инсон боласи каби

боқсин дунёга!
Америка осмони бўлсин тиниқ, мусаффо,
уларда учмасин ажал уругин

сепгувчи
аждар самолётлар!

Яшнаб-туркирасин Чин-Мочин
далалари!

Фаластин, Исроил
туپроғи гуллаб-яшнасин!

Юракларни яйратсин Дунё обидалари!
Дунёга боқмасин
ганимлик назари ила

бир-бирига
Европа, Осиё!
Шарқу Шимол йўқ, Фарбу Жануб йўқ,

бор
бир
Дунё —
Она-
Сайёра!
Яшил,
бунёдкор Сайёра!

Бор
Инсон,
юракни юрак билан, кўнгилни кўнгил билан
кўприк каби
боғлагувчи
Инсон!

Она Сайёрани боғу бўстон этиб яширатувчи,
Одамни ўз ТУРидан авайлаб-асрагувчи Олам,
қўлида автомат тутган кимса эмас,
қўлида Гул тутган Олам — Инсон бор!!!
Дин динга душман эмас,
Мазҳаб ганим эмас мазҳабга,
Тил тилга душман эмас,
Душман — Эзгулик ва Ёвузлик

орасидаги қора
ХУЖАЙРА!

Қора хужайра —
Қора Мия, қора Юрак!
Инсон — АСЛ БУЊЁДҚОР!
Бунёдкор — АСЛ СИЙРАТ ВА СУВРАТ!
Нажот бер, Тангрим!

Огоҳ эт ношукурларни,
Тинчлигин асра Инсониятнинг!
Бунёдкорлигин асра Инсоннинг!
Оҳ!..

Нима етмайди Инсонга ўзи?

Бир парча ерми?

Топилади
ҳар вақт
ҳар қачон
ҳар дамда,
ҳар ерда
ҳар лаҳза
ҳар Мақонда
ҳар Замонда

бир парча, бир газ ер...

Инсонга!

ЎН БИРИНЧИ МАНЗАРА

Ўша кунни...

дўстим ҳурмати

Норбиби Ая ва Замонбек билан
“Туркистон” саройи майдонлари-ю
Санъат обидаси, Миллий боғни
чиқдик айланиб.

Миллий боғда Норбиби Ая
қизиқ гап айтди ҳайкалга қараб:
— Ҳазрат Навоий бобо Ҳирот осмонидан
Хумоқушидек
Давлат бўлиб келибди
Ўз, Ўзбек Давлатига!

Ўша кунни...
Қалбимда ўзгача шуқуқ,
ғурур, ифтихор — хайрлашдим
Ая ва Замонбек билан.

ЎН ИККИНЧИ МАНЗАРА


Улуғлар йўл бошида!
Улуғлар йўл бошлайди!
Йўл бошлайди АСЛ СИЙРАТ ва СУВРАТ!
Улуғлари бўлсин Ватаннинг,
Давлатнинг,
Миллатнинг!

Улуғларсиз харобадиюр Юрт!
Хонавайрон Замин!
Бошсиз ҳайкал!
Озод ва Обод Юрт қолур улуғлардан!
Авлод қолур,
Шажара қолур,
Мумтоз обидалар,
Қўшиқлар,
Байрамлар қолур.
Жасорат,
Савоб қолур улардан!
Юртбошим —
Бош меъмор!
Озодлик — меъмор!
Қурилмоқда янги мамлакат!
Рўйи заминда — тарихий ўрин,
Давлат!
Ўзбек Давлати!

Бу йил

қишда ҳам кетмади Юртимдан лайлақлар.
Мен ким, Азим Суюн, бир саргашта шоир
Оппоқ-оппоқ,
қор каби оппоқ
бир оёқда хотиржам турган
лайлақларни кўрдим
Ота Мақон кенгликлариди!

Айтишларича, марҳумларнинг руҳлари ҳамisha ўзларини эслашга интиқ тураркан. Ўтганларнинг яхши сифатларини ёдга олиб, қўли дуога очсак, уларнинг руҳи биздан бениҳоя шод бўларкан. Эҳтимол, бу гаплар моддionчилик таълимотига берилган кишиларга чўпчакдек туюлар. Бироқ ҳар қанақасига ўйлаб кўрмайлик, руҳнинг боқийлиги рост бўлиб чиқаверади...



Кейинги бир йил ичида адабиётимиз оламини безаб турган Рауф Парфи, Шукӯр Холмиразев, Матёқуб Қўшжонов, Ҳамид Гулом, Озод Шарафидинов, Незмат Аминов, Нормурод Нарзуллаевдек устозлардан жудо бўлдик. Уларнинг донишмандона қиёфалари, пурмаъно сўзлари, ҳазил-мутойибалари кечагидай ёдимизда. Ёшлари, мартабалари қандай бўлишдан қатъий назар улар ўз ҳаётларини тўлатқис адабиётга бағишлаган эдилар. Сўз санъати равнақиға беқийёс ҳисса қўшган эдилар...

Устоз Рауф Парфи дарवेशона ҳаёт кечирди. Сўнгги йилларда вақтининг кўп қисмини қаҳвахонада ўтказарди. Теварағига йиғилган мухлислари унинг ҳар сўзига интиқ эди. Ҳазил-хузул гаплар билан суҳбатларга, базмларга кўрк бағишлар эди.

Шукӯр Холмиразев “Мен Дўрмоннинг Робинзониман”, дейишни хуш кўргувчи эди. Бир гал дала ҳовлисига борганимизда табиат, ов ҳақида соатлаб гаширган. Қаламкаш дўстларини ёдга олиб, хоразмлик ёзувчи Рўзимат Отаевни алоҳида эслаган. “Қўшжонов ҳақида бир нима ёзаёлман”, — деган эди ўшанда гурурланди.

Ўша “бир нима” “Маърифат” газетасида пешма-пеш босилиб чиққанида Қўшжонов домланинг болалардек кувонгани ёдимда. Газетани олдимга ёзиб қўйиб: “Қани, бир ўқиб бер!” — дегани, ўқиганларимни ҳузур қилиб тинглагани ёдимдан сира чиқмайди.

Қўшжонов домла иссиққа ҳеч чидамасди. Қишда музни ёриб ювинишни “мен моржман”, деб айтиб берган. Кейин: “Ёзаверинлар, ёзганларинг қолади”, — деб бизни маҳзун кузатиб қўйган. Афсус, бу охириг учрашув экан, бу домладан эшитган энг охириг сўз экан.

Домла Озод Шарафидинов... Зоҳиран ёпроқ ижодкорлар билан тўкилиб-сочилиб чақ-қақлашмасди, лекин бошимизга бирор иш тушса, ўзини қўйрага жой топа олмасди. Муаммоларимиз ҳал бўлиб, ёдимиздан чиқиб кетганидан кейин

ҳам домла телефон қилиб: “Фалон ишинг жойидами?” — деб сўрарди. Меҳрибон ва қаттиққўл отага ўхшарди. Суянчимиз, таянчимиз эди домла. Ҳамон телефон қилиб қоладиғандек, залворли овозда ҳол-аҳвол сўрайдиғандек туюлаверди... Афсус...

Яқингинада модернчилар баёсини чиқаришга бош-қош

ХОТИРАЛАШ САВОБИ

бўлиб юрган Нормурод Нарзуллаев бутун орамида йўқ. Бу одами самимий кулгулари билан эслагим келади. Ҳар қандай шаронгта, ҳар қандай кайфиятда ҳузурига келган одамиға табассум улашар, яйраб кулиб, бегубор ҳазиллари билан кузатиб қолар эди.

Дарवेशтабиат шоир Муҳаммад Юсуф, жўшқин дўстимиз Муҳаммад Ражаб, тенгқурларимиз Равшан Файз, Чори Аваз, Аъзам Ўқтам, боладек бегубор қалб соҳиби Ҳамза Имонбердиев... Замонавий ўзбек адабиётининг устунлари Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмон... Дийдор ғанимат экан. Бугун эса олинган инсонлар орамида йўқ, лекин руҳан биз билан бирга. Гўёки бизни олис-олислардан киприк қоқмай кузатиб туришгандек.

Аллоҳ инсонға хотиралаш, хотираларини келажакка қолдириш салоҳиятини ато этган. Акс бўлса, улуғларнинг номини қандай биардик?! Хотира ҳақида гапирилганда ҳазрат Навоийнинг куйидаги сатрлари ёдга тушади:

*Авал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интизо пайдо.
Ироданг бирла тақдирингдан йлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир ва гар бўлса баҳо пайдо.
Фалак ҳам ожиз, аxtар ҳам забун, сайру сукун ичра,
Ки, сендандир не бўлса анжум афлок аро пайдо.*

Бу Аллоҳ иродаси қошида руҳнинг гўзал сувратда таслим бўлишидир. Бинобарин, Яратгани сезган бандагина унинг иродасига шак келтирмайди. Эотан, бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Яратганининг ўзидир. Бандадан эса саховат ва савоб жоиз. Инчунун, хотиралаш ҳам савоб. Меҳр-оқибат ҳам савоб. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин. Тириклардан меҳр-оқибат кўтарилмасин.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Жиззах вилоятида халқ оғзаки ижодиётига оид хилма-хил айтим жанрлари, оҳанг турлари борки, уларнинг ҳар бири ўзининг юксак бадиий қиймати билан маънавий хазинамизни янада бойитади. Жиззах аҳолиси оғзаки ижодиётдаги ўзига хослик улардаги алоҳидалик ёки ўзгачалик тушунчалари тарзида эмас, балки кўпроқ умумийлик жиҳатларининг етакчилиги билан белгиланади. Лекин айрим этник оҳанг тараннумида чанқовуз, хуштак киргойи қилишлар билан бир қаторда, айтимга бадиий-миллий колорит бахш этиб, қўллар

аҳамият касб этади. Хусусан, банд давомида келувчи қарсак кўпроқ жўровоз бўлган оддий усул тарзида қўлланилади ҳамда ижрода иштирок этаётган кўпчиликнинг бир тартибда уюшиб, мусиқий ҳаракат қилишларига кўмак бериб туради. Нақоратга келиб эса қарсак хусусияти етакчилик қила бошлайди. Энди қарсак уришлар ўзгариб, янги ўлчов ва ритм тузилмаларини юзага келтиради. Айтим оҳанглари ҳам бу ўзгаришларга “бўйсунди”. Қарсакнинг бошқа кўринишига келсак, у асосан айтимларга жўр бўлиб турувчи усул вазифасини бажаради, холос.

“қарсоқ”, яъни бўрига қиёсланган одам давра ўртасига чиқиб, ўзини бўри қиёфасида намойиш этган. Давра атрофидагилар эса бунга қарсак орқали жўр бўлишиб, “бўри оғайнилари” ролини бажаришган ва бу ҳолат секин-асталик билан байрам, турли хил тадбирлар ва ҳатто қўшиқ намуналарига жўрнавозлик қилиш ҳолатларига мослаштириб борилган. Минг йиллар давомида мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган қарсак жанри ўзининг дастлабки маросим сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, маданиялланган ҳамда базмларда ва кенг жамоа

Қ А Р С А К Х А Қ И Д А Г А П Ш Р С А К

билан ритмик товуш чиқарувчи қарсак жанридан фойдаланиш алоҳида сезилиб туради.

Бу ўлкада қадимда ота-боболаримиз қарсак жанрининг “якка қарсак”, “қўшқарсак”, “бешқарсак” каби турларини кўп ишлатишган. Зомин, Бахмал, Фориш каби тоғли туманларнинг чолғу асбоблари етмаган чекка қишлоқларида қарсак билан ҳам давраларни “ғуллатишган”. Бу ибтидоий ўйин авлодларга ўтиб, замонавий оҳангларга қўшилиб, ўзига хос кўриниш касб этмоқда.

Замонавий қарсак оҳанглари моҳиятан икки кўринишда намоён бўлади. Шунга кўра қарсак айтимларининг бири мустақил жанр сифатида келса, яна бошқа бир тури айтимларга жўрсоз ўрнида қўлланилади. Кўп ҳолларда қарсак эркаклар томонидан шижоат билан жадал сурьатларда ижро этилади. Бунда қарсак уриш ҳолати айтимнинг банд-нақоратига қараб турлича



Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, қўшиқ-қуйлов намуналарида қарсак жанрининг қўлланиш моҳияти ва умуман, унинг тарихан ривожланиш босқичлари хусусида турлича фикрлар мавжуд. Жумладан, айрим манбаларда қарсак жанри ибтидоий жамоа тузуми даврида шаклланганлиги хусусида айтилади, яъни аждодларимиз ов олдидан, овга тайёргарлик жараёнида ва овдан сўнг эришилган муваффақиятни нишонлаш учун турли давра ўйинларини қарсак жўрлигида ташкил этишган. Айрим манбаларда эса “қарсоқ” сўзи бўри маъносига келиши ва “қарсак ўйинлари”нинг кўп ташкил этилиши натижасида “қарсоқ” атамасининг оҳангдошлигидан қарсак ибораси келиб чиққан, дейилади. Бундай ўйинларда

атчиликнинг байрам тадбирларида ижро этиладиган оддий қарсак усулига айланиб қолган.

Жиззах халқ қўшиқчилигида деярли бутун республикамиз бўйлаб кенг ёйилган турли аъёнларнинг ўзига хос инъикосини кўришимиз мумкин. Бинобарин, халқ қўшиқчилиги услубида кўпроқ Самарқанд ва Фарғона-Тошкент, қисман Бухоро-Хоразм ва Қашқадарё-Сурхондарё маҳаллий услубларининг ўрни бор. Вилоятда бу услубларнинг фаол оқими сўнгги 60-70 йиллар ичида яққол кузатишган бўлиб, бунинг асосий сабаби сунъий “миграция” жараёнига бориб тақалади. Ўз вақтининг юртилиши натижасида, бу ерларга аҳолиси зич жойлашган вилоятлардан турли маҳаллий гуруҳлар кўчириб келтирила бошланди ва табиийки, бу гуруҳлар орқали ҳар хил ва ўзига хос услубларнинг татбиқ этилишига шароит яради. Эндиликда бу услубларнинг республика

миқёсидаги ўзаро таъсирланиш жараёнлари вилоят миқёсига ҳам “кўчгач”, бу таъсирланишлар янада жадаллашгани кузатишмоқда.

Аҳолимиграцияси жараёни билан боғлиқ ҳолда аввалдан мавжуд бўлган Жиззах, Галлаорол, Фориш, Зомин, Бахмал, Зарбдор, Янгиобод туманлари билан бир қаторда, яна янгитдан бешта — Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, Зафаробод ва Мирзачўл туманлари ташкил этилди. Ўз ўзидан аёнки, сунъий “миграция”га жалб қилинган аҳолининг ақсарият қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис, кейинги йилларда ташкил этилган туманларнинг музикаий маданиятида асосан “исталган вазият ва шароитда куйланувчи” ижод намуналари куйланишининг шохиди бўламыз. “Тагжой” туманларда эса халқ оғзаки музика ижодиётининг қарсақ туридан ташқари, меҳнат ва маусумий-маросим айтимларининг ҳам кенг тарқалганини кўришимиз мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, мавжуд туманларнинг ақсарият қисмида фолклор-этнографик ансамбллар мунтазам равишда фаолият кўрсатишади. Жумладан, Жиззах туманининг “Зебомхон”, Зафаробод туманининг “Тўғизкўз”, Мирзачўл туманининг “Камажай”, Зомин туманининг “Зомин сайқали”, Зарбдор туманининг “Ойпар”, Галлаорол туманининг “Гаштак”, Фориш туманининг “Боғдонгуллари” фолклор-этнографик ансамблларини нафақат Жиззах вилоятида, балки республикаимиз миқёсида ҳам яхши билишоди. Албатта, улар дастурларини қарсақнинг бирон бир турига боғлиқ саҳна чиқишлари безоб туради.

Нарзулла ТОШТЕМИРОВ,
доцент,
Раҳматулла САРИМСОҚОВ,
Жиззах вилоят халқ
ижодиёти ва маданий-
маърифий ишлар маркази
раҳбари



Зумрад — тўқ яшил тиниқ рангли нодир тош бўлиб, у оналар ва денгиз саёхатчилари тоши ҳисобланган. Ҳомиладор аёллар уни тумор сифатида тақиб юришган ва кўзи ёригач, уни чақалоқ беланчагига осиб қўйишган.

Зумрад — хурсандчилик, қувноқлик, сўзамоллик, руҳий мутаносиблик тимсоли. У ўз эгасига бағрикенглик, умид, ғалаба ва ҳатто омад келтиради. Одамлар уни сувли идишга солиб ёки ўртага қўйиб, баюрат қилишга интилишган.

Зумрад севги тоши ҳисобланиб, юракда муҳаббат тугён урганда у янада жилоланади. Севги “дарз” кетган жойда у ҳам “хафа” кўринади. Муҳими, соҳибининг салбий ҳис-туйғуларини жиловлай олади ва доимо юқори кайфият бахш этади. Унинг яна бир жиҳати — хотирани мустаҳкамлайди. Ёстиқ остига қўйиб ухлаганда, хира ўй-хаёллардан ва ёмон тушлардан асрайди.

Зумрад инсон саломатлигига, хусусан, ички аъзоларга ижобий таъсир кўрсатади. Юрак буйрак ўпка, жигар ва асаб тизимига оид касалликларни бартараф қилади. Иш қобилиятини оширади. Айниқса, қўз касалликларида, кўзнинг толиқишида зумраддан фойдаланиш самарали. Бунинг учун оғриган ёки толиққан кўзни юмиб, 15 дақиқача қовоқча тош қўйилади. Ёки зумрад солинган сувда компресс қилинади. Ўша сувни ичиб юриш ҳам фойдали. Зумраднинг ижобий таъсирини ошириш учун бир мuddат қизил винога солиб қўйиш тавсия этилади.

Зумрад ўзини руҳан тоза ёки мукамалликка интилувчи кишилардагина намоен қилади. Ёлғончи ва ёмон фикрли одамларга кулфат келтиради. Ойни, ёруғликни севувчи одамларни зумрад ҳам “яхши кўради”. Чунки унинг таъсири ой тулини бўлганида, айниқса, юқори бўлади.

Табилар яшил зумрад терини ҳимояловчи таъсирга эга, деб ҳисоблашган. Бунинг учун уни ёруғ, лекин кўёш нури тик тушмайдиغان жойда тик турган ҳолда юз ва қўллар бўйлаб юргизилади. Бунда тери соғлом ва ташқи таъсирларга чидамли бўлади.

Зумрадни оддий сабаблар — тунгилган кун, юбилей муносабати билан совға қилиб бўлмайди. Уни ўзаро муҳаббат рамзи, соғайиб кетиш учун ёки рағбатлантириш учун тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Хонимой тайёрлади



Ёш авлоднинг тарбияси учун барчамиз масъулмиз. Келажагиниз эгалари бўлиш ёшлар жамиятининг бойлиги, ишончидир. Ҳар бир боланинг билим олиши, ҳунар урганиши учун гамҳурлик кундан-кунга кучайиб, равнақ топиб бормоқда. Бу борада матбуотнинг ўрни алоҳида эътиборга молиқдир. Бугунги суҳбатдошимиз — **“Тонг юлдузи”** газетасининг бош муҳаррири ўринбосари, таниқли журналист **Феруза Жалилова**.

— Ферузахон, **“Тонг юлдузи”** газетасида фаолият кўрсатаётганингизга ҳам чорак аср бўлибди. Шу давр мобайнида минглаб болалар билан мулоқот қилдингиз. Айтинг-чи, бундан йилгиринга йил олдинги ёш қаламкашлар билан ҳозирги ёшлар орасида қандай фарқ бор?

— Саволингизга жавоб ўйлашману кўз унтиндан бундан 25 йил аввал мана шу таҳририятда иш бошлаган дамларим уятпти. Биз ҳам ушанда ёш қаламкашлар эдик. Тан олишим керак, биз анча журъатсиз бўлганимиз. Бирор мақола ёзишдан аввал “Бу мавзуну еритсам, ҳеч



яқинда ташкил қилингани йўқ, Унга ажойиб устозларимиздан марҳум Сафар Барноев, Наримон Орифжонов, Ҳамза Эгамбердиевлар, шунингдек, Абдусанд Кўчинов, Султон Жаббор каби сеvimли шоир ва ёзувчиларимиз ҳам бошчилиқ қилишган. Мана, бир неча йилдирки,

бозори йўқ, харидори мўл хислатга қалблардаги ноёб дурга қийсллашади. У қанчалар мўл бўлса, ички ва ташқи оламимизни шунчалар кўп безайди. Меҳр-мурувват ҳиссини болалар қалбига кичик ёшда ноқ уйғота бориш мақсадида газетамиз саҳифаларида **“Меҳр қолур”** номли руҳн ташкил қилинган. Ёлетган бир бурда нонини дўсти билан бирга баҳам кўриш ҳам мўъжазгина меҳр эканлигини болаларга тушунтиришга интиламиз. Бас шундай экан, ногирон, меҳрға ташна инсонларга мурувват кўрсатишнинг савобига не етсин!

— **“Тонг юлдузи”**, фикримча, болалар учун йўлни юлдуздир. Айтинг-чи, газета савилсини ошириш учун сизнингча, яна нималарга эътибор бериш керак?

— **“Тонг юлдузи”** нафақат болалар ва ўсирилларнинг, балки ота-оналар ва устозларимизнинг ҳам наشري деб ўйлайман. Чунки болаларнинг қувончу ташвишлари, ютуқ ва муаммолари

ПОРЛАЙВЕРСИН “ТОНГ ЮЛДУЗИ”

кимга оғир ботмасикан?” — деган мушоҳадаларга борардик. Гоҳо нима ҳақида ёзишни билмай, бўлим мудирларимиздан топшириқ кутиб ўтирардик...

Ҳозирги қаламкашлар эса анча дадил, ўз мустақил фикрига эга ёшлар. Улар топшириқ ҳам кутиб ўтирмайдилар. Мавзуну ўзлари танлаб, атрофлича еритишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, муаммолар ноҳақликлар қаршида жим туролмайдилар. Уларни баён этибгина қолмай, ечимлари ҳақида ҳам мушоҳада юритадилар. Менимча, ёшлардаги бу сифатларни қўллаб-қувватлаш лозим.

— Муомала маданияти бола қалбига яқинлашувинг энг қўлай усули, менимча. Лекин болалар ичда ҳам қайсар, инжиқлари бор. Улар билан қандай усулда иш юритасиз?

— Ақллини, эркамни, инжиқни, қайсарми — қандай бўлишдан қатъий назар, болаларга ўта мулоимлик, самимият билан керак бўлса, бироз эркатлиброқ муомала қилишга ҳаракат қиламан. Шу тариха улар қалбига йўл топаман.

— Ёш қаламкашлар, яъни **“Истиқлол умидлари”** тўғриси қандай мақсадларда ташкил этилган?

— Шунин алоҳида таъкидлашим лозимки, таҳририятимиз қошидаги бу тўғарак

устозларимдан олган ўғитларим асосида уни мен бошқариб келяпман. Тўғарак машғулотларини олиб боришдан асосий мақсадимиз фақат — эзгулик, ёш қаламкашларга йўналиш бериш, ижоддаги ютуқлари билан бирга камчиликларини ҳам кўрсатиш. Бир сўз билан айтганда, уларнинг мураккаб қалбларида адабиётга шеърликта ҳавас уйғотиш. Zero, шеърликта ошно қалбларда ёмонликларга, ёвузликларга ўрин бўлмади. Шунингдек, ўзинизга ўринбосарлар тайёрлаш. Мен ҳар бир тўғарак аъзоси тимсолида **“Тонг юлдузи”**нинг келажагини кўраман...

— Ферузахон, ижодингиз намуналарини мунтазам кузатиб бораман. Улар самимий, болалар кўнглини кўтарадиган, мисолларингиз содда, тушунарли. Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз?

— Узоқ йиллардан буён болалар таҳририятда ишлаганим, улар дарасида кўп бўлганим учунми, болаларнинг беу-бор олами менга жуда яқин. Уларга нималар ёқиши-ю, ёқмаслигини суҳбатларим чоғида “кашр этаверанч”. Шеър ва ҳикояларимнинг асосий қаҳрамонлари ҳам болаларнинг ўзлари.

— Болаларни кичик ёшдан меҳр-мурувватли қилиб тарбиялаш учун газеталар қандай мақолалар бериб бормоқда?

— Меҳрини чамандаги энг ифори қулга,

ўларни ҳамдир, шундай эмасми? Улар ҳам фаол мухбирларимизга айланишса ҳаёт тажрибалари билан ўртоқлашишса, фарзандларидан маънаватларини айлмас, ўқувчини фикрлашга баҳс ва мунозараларга чорловчи мақолалари билан қатнашиб туришса, газетанинг савияси янада яхшиланарди, деб ўйлайман. Газетамизда ўз мақолалари билан шитроқ эътиётан азиз устоз-мураббийларимизга жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирмаман.

— Ферузахон, оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам гапириб беринг.

— Икки ўғил, икки қизнинг онасиман. Турмуш ўртоғим ички ишларда хизмат қилади. Мени тушунадиган, қадрлайдиган, фикрларини хурмат қиладиган ажойиб инсон, ишончли дўст. Ўғилларим ота касбини танлашган. Қизларим ҳали ёш. Фарзандларини келажақда халқимиз қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш учун астойдил ҳаракат қиламан.

— Яхши ниятларингиз қиламиз ҳамроҳингиз бўлсин. Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор




Инсон ҳаётининг қувончи, ташвишлари, умуман, мазмуни фарзандлар билан боғлиқ. Уларнинг қувончи жон ипларига туташ. Ташвишлари ўзлари қадар ширин. Дунёдаги жамики одамзод ўзининг эртаси, келажакнинг давомчиси сифатида болаларни ардоқлайди.

Олам бола кўзи билан қаралганда гўзал. Дунё болалар туфайли мунаввар. Болаликни эслagan одам ёруғ хотираларга берилади. Унинг мунавварлиги шунда. Беғуборлиги шунда.

Кўпинча «Биз — болажон халқмиз», — деб айтамыз. Менимча, болажонлик ҳаммага хос хислат. Бироқ бугунги тезкор матбуот орқали дунёнинг турли бурчакларида болалардан ишчи кучи сифатида фойдаланаётганларини, кўчаларда, вокзал ва одам гавжум жойларда тиланчилик билан кун кечириб юрган болаларни кузатамиз. Ҳатто аллақайси футбол клуби аъзолари болалар ясаган коптокда тўп ўйнамаймиз, деб норозилик билан чиқишганини кўрсатишган. Демак, болалар катталарнинг эътиборига, ҳимоясига муҳтож.

ҚУВОНЧУЛАРНИ ОЛАМНИ ТУТТИРА!

Бизда “Боланинг бегонаси йўқ”, деган гап бор. Қаерда бўлмасин, бир бола азоб чекар экан, ҳаловатимиз бекор, тинчимиз татимайди. Яна телевизорга қарайман. “Даврнинг боласи” бўлаяпти. Болалар катталардай кўрсатув олиб боришаяпти. Бийрон-бийрон сўзлаб тенгдошларини аъло ўқишга, одобли бўлишга чорлашаяпти. Кайфиятим кўтарилди. Яқинда бўлиб ўтган байрам тантаналарида болаларнинг чиқишларини кузатиб, юртимиз эртасининг муносиб эгаларини кўргандай бўлдим. Уларнинг кулгүлари, ўйинлари, ўзларига хос чиқишлари ҳаммининг димоғини



чоғ қилди.

Сакраб, югуриб, қувнашларинг бор бўлсин! Доимо оламни кулгүларинг тутсин! Қувончларинг пойига жонимни тутай, болажон!



ҲАЙКАЛ

ЭХТИРОМ РАМЗИ

У тоғлар, дов-дарахтларни Ернинг ҳайкаллари сифатида тасаввур қилади. Дарё, сой, ирмоқ ўзанларини эса замин сатҳига ўйилган барельефлар деб билади. «Кўёш, шамол, сув, олов одамлар учун гўзаллик яратади. Тоғларнинг пурвиқор чўққилари, дов-дарахтларнинг ажабтовур шоҳ-бутоқлари кўнгилда аллақандай ҳиссиётлар кўзгайди. Шамоллар шиддати, кўёшнинг нури, сувнинг зарра-зарра томчилари тоғтошларни оҳисталик билан ўйиб, ҳайратомуз манзаралар ҳосил қилади. Тоғларга узоқдан қараганда худди одамларга, от, қўйларга ўхшаб кетадиган шакллар кўринади. Қор, ёмғир сувлари ҳам тошларни ўйиб ғаройиб «сурат»лар чизади», — дейди у. Болалигидан табиатнинг ана шундай ғаройиб «ўйин»ларини мароқланиб кузатиш унда тоштарош усталар ишига қизиқиш уйғотди. Тоштарошларнинг худди гади-будур метин тошлардан ажойиб шакллар ясагини завқланиб томоша қилди. Тенгдошлари турли ўйинлар ўйнаганда, у тоштарошларнинг болгани тиқ-тиқ уриб, тошлар сиртида аста-секин «ўзгариш»лар яратишига боғланиб қолди. Ўша пайтларда унинг кўнгилга ўйин-кулги кўп-да сиғмасди.



Отаси урушдан қайтмаганда, фаррош бўлиб ишлайдиган онаси рўзгор тебратишга қийналганида тез-тез кўзига ёш оларди. Айрим тенгқурлари сингари ўзини ўтгачўққа уриб пул топишга эса унинг уқуви йўқ эди.

Тоштарош усталар ҳам бора-бора унга эътибор қила бошлашди. Улар кўзлари жавдираб туралиган бу камсуқум болада сангтарошликка ички бир қизиқиш борлигини пайқашди. Унга тошлар билан «тиллашиш» сирларини аста-секин ўргата бошлашди. Урушдан кейинги оғир йилларда бир бурда нон топиш машаққат, азоб бўлган даврда тоштарошлар ёнида уймалашиб юрган бу бола Аҳмад Шоймуродов эди. Унга бу ҳунарни ўргатганлар

эса машҳур тоштарошлар уста Болта ва уста Жамол Жураев эди. Ўз касбининг фидойиси бўлган бу тоштарошлар Навоий номидаги театр-ни безашда иштироки этишиб, бажарган ишлари учун ўша пайтда Давлат мукофоти билан тақдирланишди.

Самараси тезда кўринмайдиган, оғир иш эканлигига қарамай, Аҳмаднинг тоштарошликка астойдил меҳр кўйгани устозларини ҳам ҳайратлантирди. Аҳмад тез фурсат ичида тошлардан ажойиб шакллар ясай бошлади. Метиндай қаттиқ тошларни бирор бир шаклга солиш, айниқса, ундан одамлар қиёфасини «чиқариш» унинг сеvimли машғулотига айланди. Юрганида ҳам, турганида ҳам шу хусусда ўйларди. Тушларида ҳам тошларга одам сувратини чизаётган бўларди. Ўша пайтда у тошларни худди юмшоқ лойдай ҳар хил шаклга солаётганини кўрар, аммо бу туш эди. Амалда эса харсанг тошларнинг заррадай ушогини ушатгунча бармоқларини болга билан неча бор сийларди-ю, оғриқлардан қанча азоб чекарди, буни фақат ўзи биларди. Лекин у тошларнинг ичига ўйиб киришдан роҳатланарди. У тошларнинг танасидаги бир-бирига ўхшамаган

гаройиб чизиқлардан иборат «хужайра»лар манзарасига қараганча соатлаб туриб қоларди. Болга зарбидан бармоқлари, тирноқлари тағида қон қотиб қорайгани, қафтларини тошларнинг қирралари тилганига у унчалик эътибор бермасди. Икки-уч кун уриниб тошни одамга ўхшашроқ бир шаклга келтирган чоғларида ўзини дунёдаги энг бахтиёр одам деб ҳис эгарди. Ўзи ясаган «тош одам»нинг боши, юз-кўзи, елкасини авайлабгина силлаганида юраги қувончдан ҳапқираб кетарди.

Аҳмаднинг лой, тош, гипсдан йишларнидир ясагга беҳад ишқибозлиги унинг ақинларини ҳам ажаблантирарди, ҳам хавотирга соларди. Тирикчилик тошдан қаттиқ бир пайтда унинг бу ҳунарда ишқибозлиги кўпчиликка тўғриси, унча ёқмасди. Лекин қариндошлари орасида «бу ҳам бир ҳунар-да, ўрганаверсин, нонини топар», дейилганлари ҳам бор эди. Аҳмад учун эса тошлар билан «тиллашиш» болаларга хос ўткннчи ишқибозлик эмас, эҳтиёж эди. Шу ички хоҳиш-истак уни Москва бадий билим юртига етақлаб келди. Бу жойда ҳам тақдир уни санъатни ҳаётининг мазмуни деб биллаган одамларга дуч қилди. Уларга шогирд тушди. Ихлос билан ўқиб-ўрганди. Устозлари эътиборини қозонди. Тош, мрамар йўнишга қўли анча келишиб қолган тиришқоқ йиғитчанинг яратган ишлари аста-секин мутахассисларга ҳам маъқул кела бошладди. Аҳмаднинг айрим ишлари кўрғазмаларда ҳам намойиш этилди. 1959-йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадасида ҳам унинг тўрт асари кўрғазмага қўйилган эди. Бу ишларни кўрган машҳур рассом ўрол Тансиқбоев Аҳмадни излаб топди. Ўша пайтда у Ўзбекистон Рассомлари уюшмаси раиси эди. «Аҳмад, яратган ҳайкалларинг академик Томскийни ҳам қойил қолдирди. Сен бу йил билим юртини тутагач, албатта, институтда ўқиниши давом эттиришинг шарт. Биласан, бизда ҳайкалтарошлар йўқ. Ўзбекистонга сента ўхшаган ҳайкалтарошлар керак», — деди. Аҳмад эса: «Бу ерда яна қоладиган бўлсам, қандай ишайман? Отам урушда ўлиб кетган. Онам — фаррош. Тезроқ уйга қайтиб, бирор ишнинг бошини тутиб, онамга

ёрдан беришим керак», — деди. Ўрол Тансиқбоев эса: «Кўрғазмадаги ишларингни сотиб оламиз. Яна кўмаклашамиз. Сен эса албатта ўқининг керак», — деди қатъий. Унинг ёнида турган, кўрғазмага «Олтин юлдуз» тақиб олган қаҳрамон рассом Самиг Абдуллаев ҳам эътироз билдириш мумкин бўлмаган мулозим овозда Аҳмадга институтга кириб ўқини кераклиги ҳақида гапирди.

Аҳмад гарчи қийнаётган бўлса-да, бу икки катта санъаткорнинг маслаҳати билан яна Москвада қолди. Институтга кириш учун уч ой мутасил тайёрланди. У турли нарса-буюмларнинг ҳар хил ҳолатдаги шакли, кўриниши, нур, соя тушишини чизиш, гавдалантириш устида тинимсиз изланди... Институтга киришга талабгорлар жуда кўп эди. Ижодий имтиҳонлар чоғида улардан фақат икки юз киши саралаб олинди. Уч босқичдан иборат имтиҳон-синовдан эса шунча кишидан бор-йўғи саккиз киши ўтди. Талаба сифатида институтга қабул қилинганлар рўйхатининг охирида ўзининг ҳам исм-фамилиясини кўрган, Аҳмад эълон осилган тахтача ёнида йиқилиб, ҳушидан кетди. Ёнидаги ўртоқлари уни кўтариб, ётоқхонага келтиришди. Дўхтир қақришди. муолажа қилишди. Аҳмад буларни мутлақо сезмаган. Ўшанда кутилмаган қувонч таъсирида тугилган ҳаяжондан Аҳмаднинг таъсиридан қалби ғоят тўлқинланган эди. Ўша йили Суриков номидаги бадий санъат институтига Ўрта Осиёдан фақат Аҳмад Шоймуродов ўқинишга кирди. Бундай муваффиқиятга Аҳмад қобилиятга, қолаверса, бадий билим юртида иштиёқ билан таҳсил олганлиги сабабли эришди. Аҳмад институтда ҳам тоштарошлик сирларини ўрганишдан эринмади. Ғадир-будир мрамар, тошлар «бағри»ни кум зарраларидай ушатиб очиш учун соатлаб, кунлаб тоқат қилиб ишлади. У ясаган турли ҳайкалчалар нуфузли кўрғазмалардан ўрин олди. Меҳнат қилишдан эринмайдиган, фикру хаёли доимо ижодий иш билан банд, камсуқум Аҳмадга турли буюртмалар бера бошладди. Аммо Аҳмад пул топишга қизиқмади. У янада яхшироқ, чиройлироқ асар яратишни кўпроқ ўйларди. Аҳмаднинг ижода бундай муноса-

бати устозларининг ҳам унга меҳрини оширди.

Аҳмад Матвей Генрихович Манизерни ўзининг устози деб биледи. Зил-замбил тош, мрамар бўлақларини санъат асарига айлантириш сир-синаотларини Аҳмад ана шу машҳур ҳайкалтарошдан ўрганди. Ўз касбининг фидойисин бўлган Матвей Генрихович Аҳмадга қандай қилиб мўлжал олиш, бурчак ҳосил қилиш, материал танлаш, улардан фойдаланиш кабиларни эринмасдан бирма-бир кўрсатди. Унинг ишлашини кузатиб, камчиликларини тузатишга кўмаклашди. Ижодий ишнинг қийинчиликлари га кўниктириб, чиниктирди. Санъатшунос мутахассислар билан яқиндан таништирди. Уларнинг даврасига олиб кирди.

Аҳмад ўзбекистонлик ижодкорларнинг дастлабки қалдирғочларидан бири бўлиб, Бадий санъат институтини муваффиқиятли тамомлади. У билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ Навоийнинг ҳайкалини ясашни ва бу ҳайкал Москванинг энг тавжум жойларидан бирида ўрнатилишини орзу қиларди. Бу ҳатто, унинг тушларига кириб чиқарди. Аммо шаҳар кўчаларини кезганида, Москва Давлат университети атрофидан ўтиб кетаётган пайтларида бу ерларда Навоий ҳайкали бўлишини ҳеч тасаввур қилолмасди. Айрим санъатшунослар уни салла ўраб, тўн кийган кишилар қиёфасини акс эттирган ҳайкаллар ясагани учун шундай деб танқид қилишарди: «Аҳмад Шоймуродов доим



шарқидкларнинг ҳайкалини ясади. Баъзан уни Навоий, Улугбек, Жомий, Ибн Сино, Беруний сингари ажлодлари ҳайкалини иштиёқ билан ясади-ю, Лениннинг ҳайкалига унча ҳафсала қилмайди», деб камситишарди.



Аҳмад Шоймуродов йўқсулар дохийсининг ҳайкалини ясамади эмас, ясади. Ясаганда ҳам анча-мунчасини ясади. Чунки бу иш ўша пайтда барча ҳайкалтарошлар учун асосий мавзу, тирикчилик манбаи эди. Лекин «дохий» нинг буюртма ҳайкаллари ҳажми, материали, шакли демаса, моҳияти жиҳатидан худди завод қолибидан чиққандай бир-бирига ўхшарди. Дохийнинг ҳайкаллариغا буюртмалардан ҳайкалтарошларнинг қўли бўшамасди. Аҳмад ясаган дохий ҳайкаллари ҳам кўпгина колхоз-совхозларнинг идораси рўпарасида қаққайиб турарди. Раислар, директорлар Аҳмад таътилга келганда фақат дохий ҳайкалини ясашга буюртма беришарди. Аҳмад ул-бул ишлаб олиш учун кўнгли тусаманган юмушни тез фурсатда «юмалоқ ёстиқ» қилиб ташларди. Унинг ишни бир зумда битказиши раҳбарларга ҳам маъқул келарди. Улар даладаги иш-юмушлар сал санжоб бўлган қиш кезларида Москвага боришар, Аҳмадни излаб топиларди. Аҳмад ўша кезларда номи мамлакатга машхур бўлган механизматор, чорвадор, пахтакор, раислардан қанчасининг ҳайкалини устaxonасида, уларнинг ҳузуринда икки-уч соатда қойилмақом қилиб ясаб қўярди.

Албатта моҳир мусаввирлар ҳам уч-тўрт дақиқа ичида қалам, туш билан қозғозда киши қиёфасини

айни ўзидай қилиб чизиб беришарди. Аҳмад эса бир зумда лойдан ҳар қандай кишининг юз-кўзини худди ўзига ўхшатиб ясаб кўрсатади. Бундай шитоблик билан ишлаш ҳамма ҳайкалтарошнинг ҳам қўлидан келавермайди. Хорижий мамлакатларда ҳам унинг бу тезкорлигидан ҳайратланишган эди. Америкага борганида у кўп кишиларнинг ҳайкалини ўзининг олдига ясаб берди. Бунинг учун пул ҳам сўрамади. Чунки Аҳмад акага лойдан бир пасла одам қиёфасини ясашнинг ўзи завқ бағишлайди.

Шуниг учун уйи, устaxonаси ҳаминша гавжум бўлади. Москвада яшаган кезларида ҳам шундай эди. Шаҳар марказида ораста, шинам уй-жойи, кенгу мўл, ёруғ устaxonаси бор эди. Чингиз Аҳмаров Москвага борди-да, Тошкент метроси бекатларидан бири Навоий асарлари асосида безатилиши мўлжаллангани ҳақида гапирди, бу ишни бажаришга уч-тўрт ой вақт кифоя эканлигини айтиб, Аҳмадни ўзи билан бирга ишлашга кўндирди. Чунки машхур мусаввир унинг Навоийга илхосмандлигини; бу улуг шоирнинг турли ўлчамдаги қўплаб ҳайкаллари ясаганидан яхши хабардор эди. Аҳмад Шоймуродовнинг буюк шоир образи галлантирилган асарлари мусаввирга ёқарди. Шуниг учун у метро бекатини безатиш билан боғлиқ ижодий ишга айнан Аҳмадни жалб этишга ҳаракат қилган ва шу ниятда Москвага борган эди. «Чингиз ака санъатнинг чинакам филойиси эди. У ҳар бир асарининг жуда қўплаб эскиз-нусхаларини яратарди. Метро бекатидаги тасвирларни яратиш учун қадимий қўлёзма китоблардаги миниатюраларни соатлаб кузатарди. Шаҳар кўчаларида, бозорларда юриб, асарлари учун қиёфа изларди. Раққосалар машқ ўтказаятган залларга борарди. Навоий асарларида тасвирланган қаҳрамонлар сиймосини узоқ изланиш, кузатишлар асосида яратган эди. Устоз Чингиз Аҳмар билан ҳамкорликда ишлаган пайтларим ҳаётимнинг энг ажойиб даври бўлиб қолди. Ҳозир метро бекатини безаб турган нафис тасвирлар эскизини Чингиз ака қозғозга туширарди. Узоқ мулоҳазалардан сўнг кўп нусхалар орасида баъзиларини танлаб олардик. Мен уларни Кўкча даҳасидаги кулол-

чилик заводига элтиб, сополга кўчирардим. Бир-икки ойда битиши мўлжалланган иш оз эмас, кўп эмас, нақ уч йилдан кўпга чўзилди. Ишга берилиб кетганимиздан шунча вақт ўтганини сезмай қолибмиз. Навоий асарларини мутолаа қилиш ва уларга сувратлар ишлаш чиндан-да мароқли эди. Улуг шоир қаҳрамонлари қиёфасиди мунг, меҳр ва беқиёс гўзаллик кўз ўнгимда тургандай эди. Ҳар кун ишни аллақандай соғинч, завқ билан бошлардик. Ярим тунгача ишласак-да, чарчоқ, толиқиш сезмасдик. Улуг шоир шахсига, бебаҳо асарларига илхос-мандлик ва унинг ўлмас руҳи олдда бурчли эканлигимиз бизга илҳом, куч-ғайрат берди», — дейди ўша пайтларни ширин орзиқиш билан эслаб Аҳмад ака.

Навоий сиймосини, унинг қаҳрамонлари қиёфасини галлантириш иштиёқи уни доимо руҳлантириб келди. Улуг шоир сиймосини акс эттиришга уриниб, авваллари ҳам анча-мунча ишлар қилган, улар кўргазмаларга қўйилган, кўпчилик эътиборини жалб этган эди. Чуночин у иккинчи курсда ўқиётган пайтида академик Вохид Абдуллаевнинг тавсияси билан Навоий ҳайкалини ишлаган эди. Бу ҳайкал университет мажлислар залининг тўридан жўи олди. Аммо Аҳмад Навоийнинг ўзи орзу қилгандай маҳобатли ҳайкалини яратишга ўттиз йил ўтгач, эришди. Навоий ҳаминша унга Самарқанднинг муҳташам обидаларига қараб, ҳаёлга ботганча тургандай кўринаверди. Аҳмад улуг шоир шу кўча, хиёбонлардан ўтган бўлса керак, деб туғилиб ўсган шаҳрининг боғ, майдонларини кезишдан чарчамасди. Ҳаёлида Навоий устози Абулхай Самарқандий билан ёнма-ён кетаятгандай туюларди. Ана шу тасаввур асосида у Навоий ва унинг устози ҳайкалини яратди.

Аҳмад Шоймуродов машхур мусаввир Камолиддин Бехзодининг истеъдодли шоғирди Маҳмуд Музаҳҳиб чизиб қолдирган сурат асосида ҳам Навоий ҳайкалини ишлади. Беш аср аввал чизилган бу ноёб суратни унга Ҳамид Сулаймон кўрсатган ва ундан шоир ҳайкалини ясашини сўраган эди. Аҳмад ака Ҳамид Сулаймон сўраган ҳайкални ҳам яратди. Ҳайкал кўпчиликка маъқул бўлди. У ҳатто, Москвадаги

нуфузли кўргазмада кумуш медал билан тақдирланди. Аҳмад ака яратган Навоийнинг мазкур ҳайкали ҳозир музейга шуқуҳ бериб турибди. Навоий номидаги Адабиёт музейи деворларида шоир асарлари асосида ишланган сопол тасвирлар ҳам Аҳмад Шоймуродовнинг мўъжизабор қўли билан яратилган.

Навоий сиймоси, унинг асарлари кўпгина шоир-ёзувчилар, драматурглар, режиссёрлар, расомлар, адабиётшунослар, ҳофизлар ҳаёт йўлини бамисоли қуёш бўлиб нурлантириб туради. «Навоий» романи адиб Ойбек ижодининг муҳташам чўққиси бўлиб кўринади. Уйғун, Иззат Султоннинг номи, Раззоқ Ҳамроев, Олим Ҳужаев каби актёрларнинг довруги «Алишер Навоий» драмаси туфайли тарихда қолди. Чингиз Аҳмаров ижодининг энг ёрқин шаҳифалари ҳам унинг Навоий асарлари мавзуси асосида яратган сурватларидир. Машҳур мусаввир «Шарқнинг етти гўзали» асарини улғу шоир достонлари тасвирида яратган. Навоий ўзига ихлос билан интилган ижодкорни ҳам иша юксакликка кўтариши айна ҳақиқатки, ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов ҳаёт йўли ҳам шундан далолат беради. Аҳмад Шоймуродовнинг ижодкор сифатидаги камолоти бевосита шу улғу мутафаккир номи билан боғлиқ. Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғи майдонида ўрнатилган Навоийнинг муҳташам ҳайкали ижодининг чўққиси бўлди. Маҳобатли бу ҳайкалнинг бўйи 6 метр. Ушбу ҳайкални бунёд этиш учун олти тонна бронза ишлатилган. Улғувор ҳайкалда Навоийнинг мутафаккирларга хос салобатли сиймоси ёрқин гавдалантирилган. Буюк шоир қўлида китоб ушлаган ҳолда туради. Ҳайкалтарош шоир шахси ва асарларига хос улғуворликнинг рамзий кўринишини шу тарзда таъсирчан акс эттирган.

Аҳмад Шоймуродов Улғубек, Жомий, Абулайс Самарқандий, С.Айний, Э.Жуманбулбул, Исом шоир каби кўплаб тарихий шахсларнинг турли ҳажмдаги ҳайкаллари яратган. Ҳайкалтарош уларни китоб ушлаган ҳолатда гавдалантирган. Чунки у китобни илму маърифатга эришиш қалити деб ҳис облайди. «Ибсоният айнан китоблар туфайли тараққийга эришган. Номи тарихда қолган

сиймолар ҳам шон-шухратта, аввало, китобларга меҳри ва китоблар яратгани туфайли эришган», — дейди у.

Ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов яратган асарларни тарихий шахслар сиймоси, замондош ижодкорлар тасвири ва турли касбкор кишилари образи, деб шартли уч гуруҳга бўлиш мумкин. Албатта, Алишер Навоий унинг энг сеvimли қаҳрамони. У бу буюк мутафаккир сиймосини акс эттириб қанча асар яратгани ҳақида гапиришдан тортинади. «Бу қилган меҳнатни миннат қилиш бўлади. Мен Навоий сиймосини ҳеч қандай буюртма бўлмаган пайтларда ҳам ишлай-верганман. Бу — меннинг энг сеvimли машғулоти», — дейди.

Уни айрим ҳамкасблари «фақат ўзининг муеулмонларини тасвирлайди», деб миллатчиликда айблаган пайтлар ҳам бўлди. Чунки унинг устaxonасида узун тўн кийган, салла ўраган, соқол қўйган, китоб ушлаган кишиларнинг ҳайкаллари саф тортиб турарди. Аҳмад Шоймуродов яратган Улғубек, Жомий сингари кўплаб тарихий шахслар сиймоси гавдалантирилган ҳайкаллар шаҳар майдонлари, музей залларига кўрк бериб турибди. Самарқанд Давлат университетиде у яратган тўрт ҳайкал бор. Уларда Навоий сиймоси тасвирланган. Самарқанд шаҳри ичиде Аҳмад ака яратган йнгирмата (!) ҳайкал мавжуд. Турли мавзудаги бу ҳайкаллар самарқандликларнинг маънавий мулкига айланган. Аҳмад аканинг жонажон шаҳрига фарзандлик меҳри сифатида бунёд этилган. Навоий ҳайкали, «Илҳом париси» асарини кўрганда ҳар қандай киши улар олдида узоқ туриб қолади. Москва Давлат университетиде турган Навоий ҳайкали ҳам ватандошларимизда фахр ва гурур ҳиссини уйғотди. Бу ҳайкал муаллифи ҳам Аҳмад Шоймуродовдир.

Самарқанд Давлат музейи залиде «Она» ҳайкали турибди. Мазкур ҳайкал — Аҳмад аканинг машаққатлар билан уни вояга етказиб улғайтирган онасига ҳурмат-эҳтиром рамзи. Бу ҳайкал оналарнинг мунис ва улғуворлиги, уларнинг меҳри беқиёслиги, дуолари ижобат бўлиши ҳақида таассурот уйғотди. Аҳмад Шоймуродов оналар сиймосини ҳам иша меҳр билан гавдалан-

тиради. Унинг бу мавзудаги асарлари ҳам кўплаб музейларда, шахсий коллекцияларда сақланади. Унинг айрим ишларини кўриб тўқиланганлар, ҳатто «Худди Вишвакарманнинг устaxonасида ясалгандай», дейишди. Вишвакарма эса Будда динигадаги ҳайкалтарошлик тангрисининг номи.

Ҳитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг кўпгина давлатларида, АҚШ ва Европада ҳайкалтарошлик санъати гоят раvнақ топган. Бу албатта ўша мамлакатлардаги мавжуд диний ақидалар билан ҳам боғлиқ. Ҳайкаллар аслада одамларнинг ўз юрти, халқи учун фидоийлик қилган қаҳрамонларга, арбобларга, мутафаккирларга эҳтиром, ҳурмати рамзини ифодалайди. Канадада топонимбур — ернокка, Африканинг қайсидир мамлакатиде эса картошкага ҳайкал ўрнатилган. Чунки очарчилик даврларида одамлар шу нарсаларни еб, жон сақлаган. Шунинг учун улар ернок, картошкани шу тарзда эъзошлаган. Ер юзининг ақсарият шаҳарлари кўча ва майдонларида, сарой, қароргоҳларнинг дарвозаси олдида қалмидан от, бургут, шер сингари жонзоғларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Бу шу халқнинг кучқудрати, шижоати, ҳар қандай душманга зарба беришга қодирлигини билдирган. Металл, тош, мәрмар каби турли хомашёлардан яратилган ҳайкаллар гарчи жонсиз бўлса-де, улар ўтмишда бўлгани каби ҳозир ҳам кишиларни шубҳасиз рундантиради. Одамларнинг қалбиде шижоат уйғотди.

Аҳмад Шоймуродов дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлди. У Чингиз Аҳмаров билан бирга Японияга ҳам борди. АҚШда, Афғонистонда, Европанинг турли мамлакатларида ҳам кун бўйи музейлар, галереяларни томоша қиларди. Кўча, майдон, боғлардан ўтаётганида ҳам унинг фикру хаёлини ҳайкаллар тортарди. Ибодатхоналарга ҳам у фақат ҳайкаллари кўриш учун кирарди. Чунки ҳайкаллар ҳамма жойда уни худди оҳанрабодай ўзига тортади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмад Шоймуродов яратган ҳайкалларда ҳам айна хусусият ярқ этиб туради.

Абдулла УЛУҒОВ



социологияси" кафедрасига мудир, университетнинг Халқаро алоқалар бўйича ректор муовини вазифаларида ишлаган.

1995 йилдан ҳозиргача "Меҳнат иқтисоди ва социологияси" кафедраси-нинг мудир вазифасида ишлаб кел-моқда. Айни вақтда ТДИУ қошидаги Г.В.Плекханов номи Россия иқтисодиёт Академиясининг Ўқув Илмий Маркази директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси "Менежмент ва маркетинг" кафедрасининг профессори ва шу академияда Илмий Кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Қаландар Абдурахмоновга 1992 йил 8 январда

ИЛМГА ОШУФТА ДИЛ

Инсон онги, тафаккури, ундаги ҳаяжонли қалб ва теран руҳ фан ва ижод дунёсиде оламшумул мўъжизалар яратишга қодир. Ўз ҳаётини зиё йўлига бағишлаган иқтисод фанлари доктори, профессор, Россия Федерацияси гуманитар фанлар академияси академги Қаландар Абдурахмоновни ҳам ана шундай улғу инсонлар қаторида тилга олиш мумкин.

Қашқадарё вилоятининг Чирочки туманидаги Тўлақўл қишлоғида, қосиб оиласида дунёга келган олимнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти атрофдагилар, айниқса, ёшларга ибрат бўлишга арзийди. Умрининг энг гуллаган даврини таълим соҳасига бахшида этган Қаландар ака кўплаб ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг катта ютуқларни қўлга киритишларига устозлик қилди.

1963 йили Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети)га ўқишга кириши-даноқ машаққатли ва изланишларга тўла илмий фаолияти бошланган эди. Ўқув юртини битиргач, Г.В.Плекханов номидаги Москва Халқ хўжалиги институтида ўқишни давом эттириб, 1968 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлади ва меҳнат фаолиятини Тошкент Халқ хўжалиги институтининг "Меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш" кафедрасида ассистентликдан бошлади. Икки йил ишлаганидан сўнг Москва шаҳридаги Г.В.Плекханов номи Академияга "мақсадли" аспирантурага таклиф қилинди ва 1973 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1974 йилнинг январ ойидан бошлаб 1989 йилгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари, кафедра мудир вазифаларида ишлади. 1989-1990 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда Г.В.Плекханов номи Россия иқтисодиёт Академияси докторантурасида ўқиб, "Минтақаларда меҳнат потенциалини бошқариш муаммолари" мавзусида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1991 йилдан 1994 йилгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг "Меҳнат иқтисоди ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони берилди.

Олим бугунги кунга қадар йигир-мадан зиёд фан номзоди, ўнга яқин фан доктори тайёрлади. Айни вақтда унинг раҳбарлигида ўндан ортқ аспирантлар ва илмий ходимлар иқтисодиётнинг долзарб масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. Унинг илмий ишлари 300 босма табоқдан ортқ бўлиб, 200 номда Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Женева, Хельсинки, Нью-Йорк ва бошқа илмий марказларда оч тилган. Шу жумладан, у 20дан зиёд ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва монографиялар муаллифи ҳамдир.

Қаландар Абдурахмонов Халқаро "ЮНЕСКО" жамиятининг Ўзе-кистон Республикаси бўйича миллий координациялаш кўмитасининг аъзоси сифатида ижтимоий фаолият кўрсат-моқда. 1997 йилда Россия Федерацияси-си гуманитар фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига, 1998 йилдан Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоллигига, 1999 йилдан бошлаб Минтақалараро меҳнат ва аҳоли бандлиги академияси ҳақиқий аъзоллигига сайланган.

Ўтган йиллар Қаландар Абдурахмонов учун тинимсиз изланишлар, тадқиқотлар ва узлуксиз меҳнат даври бўлди. Қаландар Абдурахмонов олим ва педагог сифатида умр бўйи "Меҳнат иқтисодиёти" фани билан шуғулланиб, шу соҳада малакали ходимлар тайёрлаб келмоқда. Айнан меҳнат иқтисодиёти ва бу жаҳадаги ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бўлган масала ва муаммоларни ҳал қилиш — мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши анлаган олим бу йўналишни тадқиқотларининг асосий мавзуси сифатида танлаган. Аслида аввал ҳеч ким томонидан ўрганилмаган бу йўналишдаги изла-нишлари натижалари эса Қ.Абдурахмоновга ўз концепциясини яратиш ва уни ўқув жараёнида синовдан ўтказиш имконини берди.

Кейинчалик унинг раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Мехнат Вазирлиги қошидаги меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ўрганиш Республика илмий марказида бандлик масалалари юзасидан турли тадқиқотлар ўтказила бошланди. Қаландар ака бу борадаги ғоялари, ўзига хос илмий ёндашуви, услуби амалий жиҳатдан ғоят аҳамиятли бўлиб чиқди.

Хар бир инсон яратувчи томонидан битилган тақдир ва муайян соҳага иқтидор билан ҳаётга келади ва у ўзига ажратилган умри даврида олий мақсадларга эришиш иштиёқи билан яшайди. Қаландар ака умрининг бебаҳо йилларини ўткинчи ҳою ҳавасларга сарфлаши, эл қатори яшаб ўтиши мумкин эди. Лекин у йўлчи юлдуздай ёниб, маърифат йўлини машъааладек ёритиб яшади. Заҳматқаш олим ва меҳрибон устоз Қаландар ака умр йўлдоши Бибиойша опа билан бирга беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказди, ўқитиб, элга қўшди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Қ. Абдураҳмонов фақат илмий ишлар билан чекланмай, ижодий иш — “Илмга ошuftа дил” хотиралар китобини ҳам ёзди. Китобда умри давомида тўплаган тажриба, қузатув, хулоса ҳамда фалсафий мушоҳадаларини баён этди. “Мен ўз тақдиримдан рози одамман, шу бахтга жўмлайд мўмин муяссар бўлсин!” — дейди самимият билан ўз асарига.

Дарҳақиқат, кўч йил давомида илм-фан соҳасида бу қадар салмоқли ютуқларга эришиш, мураббийлик, раҳбарлик ишларида ишлаш, шогирдлари ва ҳамкасбларининг эҳтиромига сазовор бўлиб, кексалikka эришиш чин бахт.

Қаландар ака анча ёш кўринади. Сабоби ҳаётга муҳаббат, ишга масъулият, муҳими, ўз ишидан қониқиб бўлса керак. Домлага изланишлар, мақсадлари йўлида яна ҳам узоқ умр тилаймиз.

Суннатулла РИЗАЕВ,
ТДИУ профессори

СЎЗАНА

Андижон вилоят адабиёт ва санъат музейининг санъат бўлимида тасвирий санъат ҳамда халқ амалий санъати кўرғазмалари ишлаб турибди. Бу кўрғазмаларда хунармандларнинг турли-туман асарлари намойиш этилмоқда. Айниқса, каштачилик санъати намуналарига чет элдан келган сайёҳларнинг қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда.

Момоларимиз томонидан тикилган кўплаб зардевор, палак, девор, чойшаб, чимилдик, зарпеч, сўзана, жойнамоз, кўшқийёқ ва турли чорси ҳамда белбоғлар одатларимизга кўра уйларнинг ичини безашда кўпроқ кўлланилган. Айтишларича, каштанинг тикилган чокларига қараб, ана шу хонадон бекасининг қай даражада дид ва назокатли экани аниқланган.



Музей кўрғазмаларидан жой олган мафтункор кашталар ичида XIX аср охири-XX аср бошларида тикилган, Фарғона водийси мактаби намуналарига мансуб бўлган гўзал сўзана кўп йиллардан буюн кўз қорачиғидек сақланиб келмоқда. Музей ҳазинасининг энг ноёб дурдоналари қаторидан ўрин олган бу сўзана кўп йиллик кашта тикиш сирлари тарихини ўз ичига олади. Сўзананга кўпроқ буюм сифатида эмас, балки санъат асари каби қаралади, ўрганилади ва намойиш этилади. Бу асар водий каштачиликнинг қондаларига асосланиб, ўзига хос Андижон мактаби чокининг йирик, камёб топилмаларидан ҳисобланади.

Тўқ яшил тусдаги шохи мато асосига ўсимлик ва мева гулларида тузилган гулдаста тўпламлари эркин жойлаштирилган бўлиб, гулли, кунгурали, бутасимон тасвирларнинг қайтарилши Андижон каштачилик мактаби учун ўзига хос белгилардандир. Кашта гуллари энг ёрқин ипақлар билан тикилган қизил, пуштиранг, оқ ва сариқ буталарнинг галма-гал қайтарилши натижасида рангдор ритм ҳосил қилинади. Нақшу ниғорларнинг ёрқин сояси тўқ фонда жуда чиройли кўринади. Тўқ зангори тусда саккизтадан олма ва бутасимон қалта боғлам гулдас-талари ташки хошияга тўртбурчак, ички қисмга эса тўртта анор тасвири бўлган буталар жойлашган. Занжирсимон айлана - ҳаёт рамзи. Айлананинг ички қисмида чиннигул, қалампир гуллари бир-бирига туташ тасвирланган.

Чархпалаксимон кичик айлана қуёш рамзидир. Бунда бутун борлиқ қуёш нурисиз яшай олмаслиги, шу билан бирга у биздан узоқда жойлашганлиги моҳирона кўрсатилган. Чекка хошиядаги тўлқинсимон сув эса инсон учун сувсиз ҳаёт йўқлигини билдиради. Водом - бахт, севги, қувонч тимсоли, олча гули - серфарзандлик, чиннигул - садақот рамзи. Қалампиргул эса ана шу кашта қайси хонадонга кирмасин, уни ёмон кўзлардан асрашини билдиради. Қуёш атрофида тикилган ғажақсимон ниғоралар эса оилавий ҳаётнинг рамзий белгисидир. Кашталар яхши йиғирилган, табиий бўёқларда бўйланган ипақларда “босма” чокнинг ўзига хос турида тикилган.


Бу сўзана музей ҳазинасининг бебаҳо дурдонаси сифатида алоҳида эъзозланади.

Манзура ЮСУПОВА,
санъатшунос



Гулнора ОРИПОВА бошчилигидаги камондан отиш
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА КОМАНДАСИ





ШАРҚ ОЛАМЛАРИ САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

Шарқнинг улуғ алломалари баҳор бошланишини ҳаётнинг қайта уйғонишига қиёс қиладилар. Маълумки, Туркистон ўлкаси қадимдан бебаҳо ўсимлик дунёсига бой бўлган. Шарқ олимларининг бизгача етиб келган маълумотларида жамики табиат ато этган ўсимликларнинг хусусиятлари баён этилган. Улардан қолган мерос ҳам бугунги кунда дунёни ҳайратга солмоқда.

Беморни даволовчи шифокор фақат дори дармонлар билан эмас, балки табиат ато этган ўсимликлар билан ҳам даволайди. Урик шарбати, кашнич, райхон, кўкпиез истеъмол қилиб юрган одамларнинг “зуваласи пишиқ” бўлган. Биз алломаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, улар қолдирган табобат ҳақидаги битиклар ханузгача ўз қадр-қимматини йўқотмаганига амин бўламиз. Юсуфий ўзининг «Илож аламроз» («Касалликлар давоси») рисоласида бош оғринининг бир неча даволари ҳақида маслаҳатлар беради:

Эи, бош оғригадан чеқувчи алам.
Ҳарақат қилмагин, дам олгин ҳар дам.
Гулаҳури, бинарша, буағой келмагин.
Қайнатиб, сувиға оёқ сол бир дам.

Бошинг саффо билан овериса йағал.
Кашнич суви ила сурғагин сангал.
Норанж шарбатидан ичмагу, обқат.
Ярна суви, мошу уера ҳар маҳал.

Эи сен, шақуҳадан чеқувчи азоб.
Давонинг юзидан кўтарғил ниҳоб.
Завфарон арёнини елим билан туй.
Гулобдан хамир қил, сурғагин шу моё!

Маълумки, лола баҳорнинг энг гўзал инъоми. Холбуки, биз унинг жисмимизга мадор бўлишидан беҳабармиз. Давоийнинг «Фавойид ал-инсон» («Инсонларга ўғитлар») китобидан келтирилган «Лола» шеърда бу гулнинг бир неча хил касалликка даво эканлигини ҳам англаб етамиз.

Туздор ичра лола моҳир шифокор.
Бу ҳикоят гўздининг эшит, неси бор:
Кўзларга юз берса кўз оариқ, яра
Уни тузатмоқчи доридир сара.
Баган теридари қуруқшаб ағар.
Ёридса ё тушса, фойда келтирар.
Кўзининг қувватига қўшади қувват,
Ҳам нури кўналар, кўрмайди заҳмат.
Улакка гўёки берангидек йон.
Уруви нес дардин қилади пинҳон.

Совуқдан оёқ-қўл қақтлар ёридса,
Тузатар қайнатиб унган юбилас.

Наъматак ҳақида шеър ёзмаган шоир жуда кам. Устоз Ойбекнинг «Наъматак» шеърини ўқимаган, ундан заъқ олмаган киши йўқ, десак хато қилмаган бўламиз.

Наъматакнинг тиббиётдаги вазифасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайд. Энди мавлоно Давоийнинг «Наъматак» шеърига эътибор беринг:

Ёсуманга ўхшар наъматак ши,
Ёауда ҳам шундай бордир ўхшаш.
Тусиқ бўласа танда очади ҳар дам,
Бир ичмаи бўлар уни уч дирам.
Фасот бўлган хилтни қўбади тандан.
Қувиб чиқар қуртми бўласа бадандан.
Яхши даво бўлар овериса томоқ.
Ёсумандан ортмиқ қувват бироқ,
Шанаулдаса қўлоқ ё овериса тиши,
Кучсиз бўласа юрак кетар бу ташвиши.

Райхон шарқ мамлакатларида кент тарқалган ўсимлик ҳисобланади. Аллома Давоий эса мана шу хушбўй ўсимликнинг беқиёс фазилати ҳақида шундай ёзди:

Қуруқ-уссиқ бўлар унинг миқоз.
Юрак учун ўзи дорилар сози.
Давоси дарғиға яхши нафи бор,
Ўссиқ дарғлар учун зараридир ёр.

Бундан ташқари, Давоий шивит, арпа, ялпиз, седана, нилуфар, тоғ сумбули ҳақида ёниқ мисралар битган. Мавлоно Давоий пистанинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканлигини Ибн Сино даражасида айтиб бера олган:

Писта мозалайди йиғар ичини,
Ёнақдан кам деб бил алмо кучини.
Ҳашорат захрини кесади ҳар чоқ,
Мевага учун яхши обқат у бироқ.
Қўллақ оширади ейдса ҳар он.
Обқат егач еса қўсаатар зиён.
Қушишу ич кетиши чанқоқ қолдирар.
Ўвтиб сўнг сувини ичилса ағар

Хуллас, баҳорга ҳамроҳ бўлиб келадиган табиатнинг буюк неъматлари инсон қалбига ёруелик бахш этган бўлса, яна бир томони унинг кўзига нур, юрагига софлик, белгига қувват ҳам бағишлаган.

**Олимжон Файзиев,
Навоий давлат педагогика
институту ўқитувчиси**

ЖАМОЛИМИЗ ТАҚДИР

“Алп Жамол ким, у қандай ёзувчи эди?” деган саволларга жавоб топиш, унинг асарлари намоишини экранда кўриш насиб этмаган бугунги авлодга ёзувчи шахсини ёрқинроқ тасаввур этиш учун куйидаги далилларни эслаш кифоя деб ўйлайман. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган бўлажак адбни 1930-40 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъат қарорига биноан Фозил Йўлдошга котибликка юборишади. У машҳур бахшининг кўплаб асарларини ёзиб олиб, халқимизнинг ўлмас мулкига айланишига катта ҳисса қўшди. Ижодий сафардан бир дунё бойлик — оғиздан қозоғга кўчган дostonлар билан қайтган Жамолдинни Адабиёт институтининг фольклор шўъбасига ишга олиб қолишади. Мумтоз адабиётни, форс тилини жиддий ўрганиши, араб ёзувини яхши билиши ноёб қўлёзмаларни ўқишдек машаққатли ишларда қўл келди. Ўзини буткул адабиётга, илмга бағишлашга, бу йўлда неки машаққат, қийинчиликлар бор — барини енгиб ўтишга аҳд қилган, болагиданоқ адолатсизлик таъмини тотиб улгайган Жамолдинга ҳаётнинг қутилган қутилмаган тўсиқлари бегона эмасди.

1949 йили институтда “Навоийнинг диний қарашлари” мавзусида илмий баҳс бўлиб

ўтади. Ҳукмрон партия таъсири ва таъйиқи остидаги адабиётшунос олимлар Навоийни динсиз, даҳрий шоирга чиқариб, ғазалларидан мисол “топиб”, унинг маънавияти, эътиқодига ўз тамгаларини босишга зўр беришади. Шундай қалтис амал — шоир дунёқарши, ижоди сохталаштирилиб, ёт мафкура мезонига солинганига чидаб туролмаган ёш илмий ходим сўзга чиқади. Ва шоир ғазаллари, тарихчи Хондамирдан асосли далиллар келтириб, Навоийнинг тасаввуф тариқатига ихлоси баландлиги, ўзи мансуб бўлган ислом дини аҳкомларига содиқ, моҳиятини чуқур англагани ва умр бўйи амал қилгани ҳақида жўшиб гапирди. Ёш, журъатли ходимнинг Навоийни бу қадар чуқур англашини бошқаларга ўрнак бўлари даъват, кенг тарғибот маъносиде қабул қилган ва бу баҳсдан кўзланган натижанинг чилпарчин бўлишдан кўрққан ижрочилар шу кунгиче Алп Жамолни ишдан бўшатишади...

Устоз Саид Аҳмад Алп Жамол билан боғлиқ аччиқ ҳақиқатларни эслаб, шундай ҳикоя қилади: “Шўрога ҳақсиз” деган ибора-айбловни бугун ҳамма ҳам билавермаса керак. Йигирманчи йилларнинг бошида Алп Жамолнинг отаси Асомиддин Миразимбой ўғлига шундай айб эълон қилишади. Бу шўро идораларига

сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, дегани эди. Жамолдинни шўрога ҳақсизнинг боласи, деб ўқишдан ҳайдадилар...”

Мактабдан қувилган, тенгдошларидан ажралган боланинг ҳолини тасаввур қилинг. Бу муддат бир кун, икки кун эмас, бойлар ўз замини, Ватанида барча мол-мулки, сўнги имконидан айрилгунча давом этиши шарт эди. Шўро ҳукумати “Ота учун бола жавобгар эмас”, деган қозоғдаги ваъдасига амал қилмади. Жамолдин қайси мактабга бормасин, унга маориф шўъбасининг мактабларга тарқатган ҳақсизлар рўйхатини пеш қилиб, кўкрагидан итардилар. Шунда отаси: “Болам, хафа бўлма, сени ўзим ўқитаман”, — деб юпатди ва ўғлига сабоқ бера бошлади. Ўша кунларни Жамолдин шундай хотирлаган: “Отам қўлимдан етаклаб Эски Жўвадаги “Турон” кутубхонасига туташ саҳҳофлар дўконига олиб борди. Саҳҳоф — йиртилган, муқоваси кўчган эски китобларни таъмирловчи уста дегани. Уларда кўп ноёб китоблар бўлар, машҳур ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар шу саҳҳофлар дўконига тез-тез келишар, улардан тарих, мумтоз адабиётга оид китоблар харид қилишарди. Отам Мискин, Хислат, Таваллолар билан шу ерда танишган эканлар.

Ўша куни отам икковимиз жўгрофия, хандаса, табиёт, риёзиёт, тарих, она тили китобларини харид қилиб, адабиёт, кимё, физика дарслиklarини топиб қўйишни саҳофга қайта-қайта тайинлаб уйга қайтдик. Шу кундан бошлаб отамнинг меҳмонхонаси менинг дарсхонамга айланди. Отам эрталаб нонушадан сўнг то пешин намозигача битта фандал, эртасига яна бошқа бир фандан сабоқ берарди..."

Алп Жамолнинг таржимаи ҳоли билан яқиндан танишган киши унинг бутун умри инсон бардошининг синов майдонига айланганга гувоҳ бўлади. Ёзувчининг ўгли, иқтисодчи олим Абдурахмон Исомиддиновнинг ота-боболари ҳақида ёзган хотираларида ўзбекнинг ўзлиги, феъл-атвори, этиқодини тегишли шундай бир ибратга дуч келдим. "Асомиддин бобомнинг оталари Миразимбой ҳожи Шодмонбой ўгли ҳақида адамлардан эшитганман: Миразимбой 1830 йилнинг бошларида дунёга келган. У балад бўйли, қадди-қомати келишган, савлатли одам бўлган. Гайратли, дину исломга этиқодли Миразимбой иккинчи марта Ҳажга отланганида ўғиллари Асомиддинбой сарф-харажатлар учун уч минг тилло танга беради. Ўғил дуо олиб, ота дуо бериб, бир-бирлари билан хайрлашадилар. Ҳаж амаллари адо этилгач, Миразимбой тошкентлик биродарлари иштирокида қурбонликка қўй сўйдиради. Шўрва тайёр бўлгач, барча иштирокчиларга тарқатилади. Катта бобом Миразимбой шўрвадан бир хўплаб, шу жойда оламдан ўтадилар. У кишининг жасади Макка атрофидаги қабристонларнинг бирига қўйилади. Миразимбой ҳожи вафот этганларида у кишининг хуржунда икки минг тилло танга борлиги биродарларига маълум бўлади. Ҳамроҳ ҳожилар ана шу тангаларни Маккадан Тошкентга келтириб, Асомиддин бобомга топширадилар..."

Назаримда, ибрат бўларли софлик, ҳалоллик каби тушунчалар ҳар кимнинг ўзида, қонида бўлмаса, вужудига яшамаса, кишининг уларга амал қилиши мушкул. Ҳалолдан унган ризқ-рўзнинг нималарга қодирлигини Алп Жамол ҳаётида, юрт озодлиги туйғули унинг қайта қад ростлаган катта хонадони мисолида қўриш, Каъбадан дуо бўлиб, баракага йўғрилиб қайтган ўша икки минг танга этиқод тимсоли, оила рамзига айланиб яшаб келаётгани ибрат эмасми?

1995 йили Алп Жамол номидаги адабий мукофот таъсис этилгани адиб босиб ўтган машаққатли йўл, унинг ижодига эҳтиром, мамлакатимиз ижодкорларига иззат-ҳурмат, ёзувчи фарзандларнинг ташаббуси, отасига бўлган муҳаббати, содиқлиги рамзи эди.

Сўз айтилмаса, ёзув қоғозда акс этмаса, маъномақсад мавҳумлигича қолгани каби, агар ёзувчининг асарлари чоп этилмаса, у ҳақидаги маълумотлар йиғилмаса, ижодкор шахсини, истеъдодини англаш, баҳолаш қийин кечади. Алп Жамолнинг маълум

бўлмаган қатор асарлари китоб ҳолида ўқувчиларга етиб борди. Тўрт томли танланган асарлари "Фан" нашриётида, "Ёзувчи" да эса пьесалари чоп этилди.

Баъзда ярқ этган биргина ҳикоя, қисса, дoston ёки пьеса муаллифнинг ижодий имкониятлари ҳақида тасаввур уйғотди. Алп Жамол китобларини ўқиб-ўрганиш жараёнида ёзувчи ижоди ва ҳаётига оид турли маълумотларга дуч келдим. Ва шунда адабиётдек улкан майдонда ҳар кимнинг ўз ўрни, овози, хизмати борлигини унутмаслик, бу йўлда сарфланган барча саъй-ҳаракатлар, заҳматларни қадрлаш керак деган хулосага келдим. Йиллар қатида кўмилиб, узоқ вақт қоғозларда, муаллиф қалбиде асраб-авайланган асарларнинг номи, рўйхатиёқ Алп Жамол интилишларининг жиддийлигидан дарак беради. Ҳофиз, Бедил, Навоий, Юсуф Сарёмий, Фузулийнинг ўқиб, халқ дostonларини ўрганиб адабиётга қадам босганининг ўзиёқ унинг бу даргоҳга бўлган маънавий ҳуқуқини белгилаб турибди. "Алпомиш" дostonини драмалаштириш, Жалолиддин Мангуберди ҳақида дoston ёзиш... Лекин гап бунда эмас. Мақсуд Шайхзодадек шоир дostonни ўқиб, "Шарқ юлдузи" га тавсия этса-ю, журналнинг "сиёсий хушёр" ходимлари "Паттачи"нинг асарини босолмаймиз", деган баҳона билан муаллифини инкор этса! Алп Жамол ўтмишига назар солсак, унга нисбатан қўлланган ва барча махрумликларга сабаб бўлган чеклашларнинг адоғи йўқ. Мактабда ўқимаган, институт кўрмаган, отаси бой ўтган, ўзи бозорчи бўла туриб, пьесалар ёзади, дипломи йўқ...


1974 йилда Алп Жамол устидан имзосиз хат тушади. Хатда юқоридаги "айб"лар бирма-бир саналиб, унинг бировларга пьесалар ёзиб бериб пул топаётгани қўшимча қилинганди. Бу пайтда у "Телевизион миниатюралар театри"нинг Бош директори эди. "Хатда келтирилган далилларни текшириш учун Марказкомдан комиссия келди, — дея ёслайди адибнинг ўғли Абдурахмон ака. — Далилларнинг баъзилари жонли бўлиб, Алп Жамолни ишдан олишга етарли эди. Комиссия аъзоларидан бири "Бозорда ўн йил ишлаганингиз ростми?", — деб сўраганида, адам: — Ҳа, ишлаганман, лекин мен Америка бозориде эмас, Совет бозориде ишладим. Шуни ҳам айтиб қўяйки, мен жиққа пулнинг ичидан жиққа қоғознинг ичига келиб ўтирибман. Менга раҳмат айтиш ўрнига ишдан бўшатмоқчи бўласизлар. Марҳамат, мени ишдан олишларинг мумкин, лекин қўлимдаги қаламни ҳеч ким тортиб ололмади... — деб жавоб берган эканлар.

Ёзувчининг башорати рост бўлиб чиқди. У қаерда ишламасин, асарларининг нашр этилишини умид билан кутиб, ижод қилишдан тўхтамади. Қоғозу қаламдан кечмади, ҳеч ким Алп Жамолни ёзиш имконидан, этиқодидан махрум етолмади.

Ражаббой РАУПОВ

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР –

ЎЗБЕКИСТОНДА



Анъанавий либослар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас бир қисми сифатида мазкур халқнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи, диди ҳамда миллий хусусиятларини тўлароқ англаб олишда, ўша халқ тарихини чуқур ўрганишда қимматли маълумотлардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, анъанавий кийимлар халқнинг моддий фаровонлигини акс эттирувчи воситалардан бири саналади.

Жанубий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий кийимларида ўзига хос минтақавий ва этник кўринишлар сақлаб қолиган. Бу ўзига хослик анъанавий кийимларнинг бичимида, тикилишида, матоларнинг танланишида ўз аксини топган. Масалан, тадкикотлар жараёнида олинган маълумотларга қараганда, бичиқчилар матоларни қайчи билан кесишмаган, балки қўл билан йиртиб, айрим қийиқ жойларини пичоқ билан кесишган. Кесишлар асосан бўй, енг ва ён қийиқлардан иборат бўлиб, аксарият қўлда тикилган. Бичиқчи ва тикувчилар у ёки бу кийимлик матодан иложи борича қийим чикармасликка ҳаракат қилишган. Чунки қадимги матоларнинг эни шуну тақозо этган.

Кийим-кечаклар қишлоқ ва ёзлик қилиб тикилган. Ёзлик кийимлар, асосан, бир қават, астарсиз ва пахталис, қишлоқ кийимлар эса аксинча, астарли ва пахтали бўлган. Либослар уни киядиган

қишлоқларнинг ёшига, оила ҳамда жамиятда тутган ўрнига қараб тикилган. Шунингдек, кийим учун танланган матонинг ранги ҳам катта аҳамият касб этган. Масалан, сувли қишлоқлар аҳолиси кўпроқ пахтадан, дашт ҳудуди қишлоқлари аҳолиси жундан, шаҳарлар аҳолиси эса шойи ва ипақдан тайёрланган матолардан кийим-бош кийишган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги каби XIX асрнинг охири XX аср бошларида жанубий Сурхон воҳасида ҳам миллий ўзбек кийими деярли шаклланиб бўлган, ҳудуддаги шаҳар ва қишлоқларнинг эркак аҳолиси деярли бир нусхадаги тўн, қўйлак-яктак, иштон, дўппи, салла, телпак, ковуш-махси, этик, чорик ва турли хилдаги ёрдам-

чи кийимлар кийишган. Шунингдек, юқоридагилардан ташқари чорвадор аҳоли кўпроқ чакмон, кебанак, пўстин каби устки кийимлар кийишган.

Ўрганилаётган ҳудуд хотин-қизлари ҳам ўша давр ижтимоий-иқтисодий шароитига мослашган ҳолда кийинганлар. Лекин хотин-қизларнинг кийимлари ҳам ёшларига қараб бичилиши, тикилиши, ранги, мато турига қараб фарқланган. Эркаклар кийимлари кўпроқ бўз, калами, олача, йўл-йўл тик, танка, беқасам каби матолардан тикилса, хотин-қизлар кийимлари кўпроқ шойи, зарбоф, адрас, чит, сатин каби матолардан тайёрланган. Хотин-қизлар кийимларида энг асосийси қўйлак-лозим ҳисобланган. Хотин-қизларнинг қундалик қўйлак ва лозимлари кўпроқ маҳаллий оддий матолардан, тўй-тантаналарда кийиладиганлари эса иложи борича шойи, атлас каби ипақли қимматбаҳо матолардан тикилган.

Ҳудуд хотин-қизлари кийим-кечакларидаги ўзига хослик, айниқса, уларнинг бош кийимларида яққол кўзга ташланган. Бош кийим деганда, энг аввало, дўппи кўзда тутилади, албатта. Аммо хотин-қизларнинг ҳаммаси ҳам дўппи киявермаган. Дўппини, асосан, турмушга чиқмаган ёш қизлар, айрим ҳоллардагина ёш келин ва ёш жувонлар кийишган. Бу ҳудудда айлана, чекка попути тўқ қизил бойсуни,

тўртбурчак ироки дўппилар кийиш удум бўлган. Ўрта ва катта ёшдаги аёллар «култа» деб аталадиган бош кийими кийишган. Култанинг бош қисми айлана, бошга кийиладиган жойи думалоқ, орқасига тушиб турадиган соч қолипи бўлган. Айрим жойларда уни «кийгич» ҳам деб аташган. Кийгични кўпроқ дашт чорвадор қишлоқлар аёллари кийишган бўлса, сувли ўтроқ қишлоқлар аёллари «касава» кийишган, у картон ёки бир неча хил матодан чамбарак шаклида тайёрланган ва ўрта қисми очик қолдирилган.

Худуд хотин-қизларининг ўзига хос бош кийимларидан яна бири «бош» ёки «салла» деб аталган. Бу бош кийимни фарзанд қўнғирот кўнғирот аёллари кўпроқ кийишган. Аёллар бошларига аввал ярим дўппи шаклидаги кийгични кийиб, унинг устидан беш-етти метрлик салла ўрашган. Бу бош кийимнинг худди шу қисми бош деб аталиб, унинг устидан еттиданадан тўққизтагача, тўққизтадан ўн биттагача (гоҳо ўн еттигача) турли рангдаги ва номдаги матолардан тайёрланган уч бурчакли ёки тўрт бурчакли кийиклар ранги аниқ кўринадиган қилиб ўралган. Шунинг учун мазкур бош кийим «салла» деб ҳам юритилган. Бундан ташқари унинг «Чамбаршоҳ» номи ҳам мавжуд. У кўпроқ бой хотинларга мансуб бўлган. Бош ёки салланинг ораси, устки қисми очик қолдирилган, унга нина, ип, калит, пул, рўмолча, гугурт, курут сингари нарсалар солинган. Мазкур бош кийим устидан учбурчак қилиб катта рўмол олинган.

Бош, салла, баъзан «тақия» деб аталган бу бош кийимларнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, улар оиланинг иқтисодий аҳолини ҳам ақс эттирган. Шу боисдан бош кийимлар «бойбош» ва «камбағалбош» деб ажратиб келинган. Бойбошга ниҳоятда катта ва хилма-хил рўмоллар ўралган. Камбағалбошга ўралган рўмоллар эса жуда оддий ва камсонли бўлган.

Бу ҳудудда хотин-қизлар шароитга кўра доимо бошларига бирор нарса — желак, жегда ташлаб юришган. Шуниси қизиқки, бу ҳудудда паранжи ёпинчи таомили учрамайди, лекин кўнғирот қизлари орасида бошга ёпиниб юриладиган тўқ қизил духобадан тикилган паранжинусха ёпинчиқ бўлиб, у курта-кур ва куртақуроқ деб номланган. У қизларга келин бўлганларида ёпинтирилиб, умрининг охиригача сақланган. Узоқ дашт қишлоқларида яшовчи чорвадорларнинг аёллари кўп ҳолларда ёпинчиксиз, юзи очик юрган. Қизлар билан турмушга чиққан ёш келинларнинг соч ўришлари ва турмақларида катта фарқ бўлган. Қизлар сочларини, тўрт, олти, саккиз, ўн икки ва ундан ҳам кўп майда

қилиб ўриб юришган. Келинлар эса сочини иккита қилиб ўриб, фарқини тўғри очиб бош кийим остига яшириб юрган. Хотин-қизлар сочларига турли тақинчоқлар тақишган. Бу тақинчоқлар хотин-қизларнинг ёшига, турмушга чиққан-чиқмаганига, фарзандлари бор-йўқлигига қараб танланган.

Жанубий Сурхондарёда яшаган туркман эрақлари қифтининг устидан ёқаси очик қўйлақ кийишган. Қўйлақ узун бўлиб тиззадан дастга тушиб турган, иштонлар барча ёшдагиларга оқ матодан тикилган. Бош кийимлари «бўрик» деб аталиб, дўппи ўрнида қийилган, лекин дўппидан анча кичик бўлиб, бошнинг учида турган. Оёқ кийими сифатида ҳўкиз терисидан тайёрланган «чорик» кийишган.

Уларнинг хотин-қизлари узун қўйлақ кийишган, қўйлақ қовушининг устига тушиб, оёқни кўрсатмай турган, қўйлақнинг ёқасига узунасига чироз тикилган бўлиб, қўйлақнинг тугмаси бўйингача ўтказилган. Туркман қизлар «туркмани бош», аёлларнинг кўпчилиги бошларига қаснокли (қасоба) бош кийганлар. Ўша давр ҳудуд аҳолисининг тақинчоқ ва безакларида ҳам ўзига хос минтақавий ва маҳаллий белгиларни кўриш мумкин.

Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига буюртма асосида узук, билагузук, сира, балдоқ, латива, кўкракка ва бўйинга тақиладиган маржонлар тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмачиларни кутиб ўтирмасдан, ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини қишлоқма-қишлоқ юриб сотган ёки айирбош қилишган. Шу тарика бу даврга келиб аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб боради, бунга шарқий Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши билан бошқа ҳудудлардан келган заргар қосибларнинг кўпайиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Хулоса қилиб шунга таъкидлаш мумкинки, воҳа аҳолисининг кийимлари қадимий анъаналарга, урф-одатларга мос бўлиб, ўзига хос хусусиятли бош-оёқ кийимлари маҳаллий халқнинг маданияти ривожланганлигидан далолат беради. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг кийим-кечакларидаги ўзгаришлар, асосан, XIX аср охири XX аср бошларида яққол сезилди. Тадқиқотлар жараёнида матолар, уни бичиш, тикиш, фасл кийимлари, аёллар ва эрақлар кийимлари, бош кийимларга қараб, уларнинг урувлар, элатларга хос миллий фарқлари аниқланди.

Сайфулла ТУРСУНОВ,
Нурилла ТУРСУНОВ

ИБРАТЛИ ЯШАШ — САНЪАТ



Академик Матёкуб Қўшжонов, расман, саксон етти йилдан-да мулроқ умр кўрди. Инсоният тарихида юз йилдан кейин ҳам анчагина умр кўрганлар сон мишга. Лекин XX асрда — сиёсий, мафкуравий, илмий-техникавий, экологик инкйлоблар; хар хил қирғинбарот урушлар юз йиллигида узок умр кўриш амри махол эди. Тошховуз яқинидаги Халданг қишлоғидаги имонли-инсофли оилада туғилган Матёкубнинг боши тошдан экан, не-не воқса-ходисаларни бошидан кечирмади?! Шўро ҳукумати даврида Матёкубнинг қарашлари шаклланди, ок-корани таниди, чин зиёли бўлиш йўлидан оғишмай илгариледи. XX асрнинг 30-йилларида «Ворошилоччи мерган» деган фахрли ном бўларди. Ворошилоччи мерганлар сафига ўн олти ёшга тўлган, табиқий, ёйдан, милтиқдан бехато отадиганлар қабул қилинарди. Матёкуб акада овчи бўлиш учун иштиёқ кучли эди. Ўзининг ҳикоя қилишича, у қушга-қўндуз қушлари, хаво очқ маҳалларда юлдузларни бемалол кўрган. Қолаверса, суяги қотар-қотмас милтиқдан отишни машқ қилган. Хуллас, ворошилоччи мерган деган номни олиш учун у ёшнин сал қаттароқ қилиб ёздириб олган...

Иккинчи Жаҳон урушига Матёкуб Қўшжонов ўқитувчилик касбини бошлаган, Чоржўй педтехникумида ўқиган, Тошховуз ва Самарқанд ўқитувчилар институтида таҳсил олган эди. Хуллас, у 30-йиллар ҳаётининг биламд-пастликларини, мураккаблиқларини кўриб улғайди. 1942 йилдан бошлаб у

немис-фашистлари билан бўлган ҳаёт-мамот жанглирида қатнашди.

Уч йил мобайнида у неча бор ўлим билан юзма-юз келмади, дейсиз? Матёкуб снайпер-мерган бўлди. Бошқача айтганда, у пихини ёрган рақиб мерганини ёки муҳим бир зобитни нишонга олиши лозим эди. Мерганлар жанги алоҳида кечади: хар икки мерган бир-бирини енгашга, гоҳ шоҳда, гоҳ баргда юришга интилади. Шундай ҳам бўладика, мерган тўрт-беш кун оқошда мик этмай ўтиришга, ўзини билдириб қўймасликка интилади. Матёкуб ака ҳикоя қилади:


— Қишдами, ёшдами, қордами, қаттик аёздами, оқошда бир неча кун ўтириб қолшга тўғри келади. Шундай пайтларда махусе бир жангчи чоҳ бўйлаб эҳтиёткорлик билан судралиб ўтар: гоҳ у эрга, гоҳ бу эрга буханка нон, «Правда» газетасини улоқтирарди. Бир кун «Правдани» қўздан кечираётиб, ғалати бир эълонга дуч кедим. Фанлар академияси қошдаги Ижтимоий фанлар бўлими аспирантурага қабул эълон қилинги. Ғалати бўлиб кетдим, қаердалигимни, қийналаётганимни унутдим.

— Худо хоҳласа, ўша академия аспирантурасида ўқийман, — деб ният қилдим. Фаришталар омин деган эканми, орадан ўн йил ўтгач, Академиянинг ижтимоий фанлар бўлими аспиранти бўлдим...

Урушдан саломат қайтгач, Матёкуб Қўшжонов 1946 йилда САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факултетига

ўқишга кирди. Куредошлари орасида Бердиали Имомов сингари уч-тўртта собиқ жангчини демаганда, ёш-яланг, қизлар кўп эди. Беш йиллик ўқишни М.Қўшжонов тўрт йилда имтёзсли дилом билан тамомлади. Уни Ўзбекистон компартиеси МКга йўриқчи сифатида ишга олишди. Матёкуб ака факултет, адабиётшунослик билан алоқасини узмади: университетда дарс бериб борди. 1954 йилда М.Қўшжоновнинг ўша, оқошда қилган нияти — Москвадаги Ижтимоий фанлар академияси аспиранти бўлиш орзуси ушалди. Характери шаклланган, иродаси метиндай мустахам Матёкуб ака илм дунёсига, адабиётшунос-ликнинг бой тарихига тамоман берилиб кетди. Унда тажриба, ирода кучли эди, рус тилини она тилдай мукамал биларди. Уч йил ичда у кунни кун, тунни тун демай ўқиди, изланди, адабиётшуносликда ўз йўлини топиб олди. Унинг илк мақола-ларнёқ шиш-пухта, дидли, бетакрор услубга эга адабиётшунос пайдо бўлганидан далолат берарди. Мақолаларини Хибзиддин Мухаммадхонов, Шариф Юсупов сингари донишманд мутахас-сислар ўзбекчага таржима қилиб республика газета-журналларида чоп эттирдилар.

Матёкуб Қўшжонов ниҳоятда зийрак, ақлли, замон зайлини нозик хис этадиган инсон эди. Эллигинчи йилларнинг ўрталари-дан шўро давлатининг ижтимоий сиёсий, маънавий-руҳий ҳаётида жиҳдий ўзгаришлар рўй бераётганини англаб етди. У мана шу пайтда САГУга ишга келди. Бу 1957 йилнинг кузи, пахта йиғим-терим мавсуми эди. Мен, гарчи 4-курс талабаси бўлсам-да, биринчи курс талабаларига етакчи эдим. М.Қўшжонов шу курсга раҳбар бўлиб келди. Домла билан танишганимга бир кам эллик йил бўлибди. Ўша пайтда домла ўрта ёшлардаги, мияти, тус қора сочлари жингалақликка мойил, оқ юзли, бошига ўша пайтларда урф бўлган кепка қийган, эгнидаги фуфайкасимон камзули, ёғидаги этиги ўзига ниҳоятда ярашган одам эди. Хафта ўтар-ўтмас янги домланинг овга қизиқиши, милтиғини хамиша олиб юриши маълум бўлди. М.Қўшжонов шошмасдан, паст овозда тунда-тунда, тошиб-тошиб гапирарди. «А»ни «о» (Абдулла эмас, Обдулла), «и»ни «ў»ниб, юмшоқ айтиши (Лазиниз), «-ку» қўшимчасини «-ку», тарзида ифодалаш (бор-ку) ўзига хўп ярашарди. Матёкуб аканинг характери ажиб табассумида нақд кўринарди. Домла қувонганида ҳам, жажли чикканида ҳам табассумини тарқ этмас эди. Лекин жажли чикканида устознинг лаблари юқканида кетар, ранги билинар-билинамас оқарар, кўзларида истехзо учкунлари пайдо бўларди. Домла университетга ниҳоятда келганида қирк ёшда эди. У ниҳоятда



одамохун, ёшларга меҳрибон экан. Бир-икки йил орасида М.Қўшонов университетдаги мавқени белгилаб олди. Бутун умрга кадрдон, ҳамфикр бўлган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Хوشмов, Шукур Холмирзаев, Норбой Худойбергнатов, Бегали Қосимов, Михли Сафаров, Махмуд Саъдий, Урол Ҳтаевдай шогирдлар орттирди. Ҳа шай пайтларда Фулом Қаримов бошқарадиган биттагина адабиётшунослик кафедраси бўларди. Унда Субутой Долимов, Фани Жаҳонгирова, Зикрий Мирҳожиев, «меҳмонга келадиган Хомил Ёқубов, Натан Маллаев домлалар ишлар эди. Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўшоновнинг кафедрага келиши муҳим ходиса бўлди. Ёш ўқитувчилар янгиликларни талабаларга етказар, эндигина ниш ураётган муаммоларини адабиётшуносликка олиб кираётган эдилар. Мен масалан, Ф. Қаримовни ҳам, Субутой домлани ҳам, Жаҳонгирову Малласвини ҳам нихоятда ҳурмат қилардим. Аммо менинг руҳимга О. Шарафиддинов, Матёқуб Қўшонов, Лазиз Қаюмов яқинроқ эди. Булар талабалар билан очилиб-сочилиб суҳбатлашар, пахта мавсумидаку талабалар билан бир жон, бир тан бўлиб кетардилар. Ярим аср давомида Озод ака, Матёқуб ака, Лазиз ака билан ёним-ёни, устоз-шогирд бўлиб яшадим. Диплом ишимга М.Қўшонов илмий раҳбар, О. Шарафиддинов оппонент бўлди. Номзодлик диссертациясини ёзишда Озод ака раҳбар, Лазиз ака илмий тақризчи бўлди.

2002 йилда докторлик диссертациясини ёклаганимда химёо залига Матёқуб Қўшонов, Лазиз Қаюмов Илмий кенгаш аъзоси сифатида, О.Шарафиддинов ҳолис кузатувчи сифатида кириб келиди. Матёқуб устоз бутун руҳлари, хайрихоликлари билан менга далда бериб турдилар. Озод ака Ҳа шай пайтда анча бегоб эдилар. Химёо кунни, вақти, жойини аниқ билиб олдилар: «Албатта, бораман», — дедилар. Диссертацияни Матёқуб домла, Озод устоз мен билан баб-баравар химёо қилишди, чорим. Қўшонов домла сузла-мадилар, лекин ким нима дейётганини синчиклаб кузатиб бордилар. Шарафиддинов домла гапирдилари лозимлигини англадилар. Қиска, лўнда, илмий, асосли суз айтдилар. Л.Қаюмов сал бетоброк эдилар, гапирмадилар, индамай ўтирдилар, овоз бердилару кетиб қолдилар. Хуллас, устозларим менинг учун синобли кунда ёнимда бўлдилар, керакли йўл-йўриқни кўрсатдилар. Ҳаётинг Ҳузғармас қонунари бору биз уларга ҳамилла ҳам эътибор беравермаймиз. Университетда олдинма-кейин иш бошлаган домлаларим XXI асрнинг тўртинчи, бешинчи йилда,

20 ой давомида ҳаётдан кетдилар. Матёқуб Қўшонов вафотидан эзлик кун ўтгач, Озод Шарафиддинов фоний дунёни тарк этдилар. Домлаларим вафоти қаттиқ таъсир қилди: қанотларим қайрилиб қолгандай бўлди. Матёқуб Қўшонов университетда узок ишламади. Лекин университетда ўтказган йилларини: маърузаларини, адабий тўғарак фаолиятини, шогирдларини умр бўйи эслаб юрди. «Маъруза жараёнида фикр бир нуктага жамланади. Муҳими, онгингизда яшириниб ётган тансиқ фикр лоп этиб юзга чиқади», — дерди М.Қўшонов. Устознинг талабаларга, ўз шогирдларига меҳрибонлиги самарасини шундан ҳам билиш мумкинки, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳтаев, М.Саъдий, Н.Худойбергнатовлар М.Қўшонов ҳақида бадий, илмий асарлар ёздилар.

XX асрнинг 50 йиллари охири, 60-70 йилларидаги талабалар нихоятда фаол, янгича қарашларга ўч, мавжуд адабий-мафқуравий сисёатта ишонсизлик билан қарардилар. Бунинг сабаблари кўп, сертармосқ эди. Илғор фикрли ўқитувчи-профессорлар ҳам талабани мудроқликдан асардилар. Ҳа шай пайтларда жадвалга ёзилган расмий дарслардан ташқари, аудитория ён-веридаги коридор, вестибюл сабоқлари маълум, машҳур эди. Аудитория атрофидаги сабоқлар мавзуси қандай эди? Маълумки, узок давом этган, қонли тарихга бой шахсга сифиниш сисёати фож этилгач, А.Солженицин, Б.Пастернак, А.Рибаклов, А.Блок сингарларнинг асарлари чоп этилди. Ёш авлод бу асарлари ўқиб, мулоҳаза юритиш имконига эга бўлди. Фикрлайдиган ёшлар социалистик реализм методи сароб, фандаги Лисенкочилиқнинг айнан ўзгинаси эканлигини айта бошладилар. Василий Ахёёнов, Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Евгений Евтушенко, Фозил Искандар каби янгилик тарафдори бўлган шоирлар асарлари ёшлар қалбини забт этди.

Аудиториядан ташқаридаги сабоқлар мавзуси, табиийки, қамалган, отилган, асарларини ўқиб маъ қилинган ўзбек ёзувчилари эди. Айвниқса, Чўлпон руҳи ҳамма ёқни чулбаб олганига қарамай, расмий маҳкама қучлари бу руҳни йўқотишга бекорга уринишлари ёшлар ғазабини орттирарди. Инсон табиати қизик: зўр бериб яширинган сирни билишга, ман қилинган неъматни татиб қўришга интилади. Чўлпон шеърлари, асарлари қанчалик яширилмасини, аксарият талабалар бу шоир шеърларини аллақачон ёд билардилар.

60-йилларнинг бошларида Абдулла Қаххор атрофида истеъодли, янгиликка ўч адибу олимлар уюдилар. Ажабки, Абдулла Қаххор гуруҳининг аъзолари

Тошкент Давлат университетининг Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшонов, Умарали Норматовдай ўқитувчилари, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Хوشмовдай талабалари, университетни туттаган П.Қодиров, О.Ёқубов, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов, Н.Худойбергнатовлар эди. Абдулла Қаххорчилар янги ўзбек адабиётига замонавий руҳ, қайфият олиб қирдилар. Бошқача айтганда, ТошДУда аудитория ташқарисидаги сабоқлар бевосита дарсхонага кириб кела бошлади.

Талабаларга янги замон руҳини, бадий маҳорат сирларини сингирдиган устозлардан бири Матёқуб Қўшонов эди. XX асрнинг 60 йилларидаги янгиликни тамойили, қарашлардаги илғорлик, бадий адабиётнинг инсон маънавиятини тарбиялашдаги аҳамиятини теран англаш нафақат талабаларга, балки характери 40-50 йилларда шаклланган домлаларга ҳам таъсир ўтказди. М.Қўшонов устоз миллийлик муаммосига, характер моҳиятини белгиловчи ўзлик, бетакорликка жиддий эътибор бера бошлади. У Абдулла Қодирини, Ойбек, Абдулла Қаххор асарларини қайта-қайта ўқиркан, улардаги янги маъно қатламларини қашф эта борди. Олим XX асрнинг 60 йилларидан то XXI аср бошларигача А.Қодирини, А.Қаххор асарларини қайта-қайта ўқиркан, улардаги янги маъно қатламларини қашф эта борди. Олим XX асрнинг 60 йилларидан то XXI аср бошларигача А.Қодирини, А.Қаххор асарларини қайта-қайта ўқиркан, улардаги янги маъно қатламларини қашф эта борди. М.Қўшонов «Ўзбекнинг ўзлиги»да, «Адашганлар фожеаси» тадқиқотида уч машҳур роман ҳақидаги бош ҳақиқатларни ёритиб бера олди.

Матёқуб Қўшонов танқидчилик соҳасига илмий муаммони олиб қирган олим-ижодкордир. Шу пайтгача, баъзи мақола, тадқиқотларни ҳисобга олмаганда, адабий асар ҳақида умумий гаплар айтилар, мавҳум хулосалар чиқариларди. М.Қўшонов ижодининг илк палласиданок характер муаммосини баянд қутарди. Бу муаммо нафақат образ, образчиликни, ҳаётини ва тўқима қаҳрамонлар масаласини, балки сюжет, композиция, бадий тил сингари жиддий йўналишларни ёритиш имконини берди. Муаммони қўтарган олим ёхуд илмий изланишлар йўлини танлаган мунаққид ўз билиминини, назарий қарашларини узлуқсиз тақомиллаштириб боради. М.Қўшонов ўзбек адабиёти асарларини талқин, таҳлил қилди, рус олимлари, файласуфлари, нафосатшунослари, назарийчилари, мунаққидлари асарларини қунт билан ўқиди, ўрганди. Домла танқидчиликдаги мураккаб, захматталаб йўлни танлади. Айрим мунаққидлар давлат, фирка

сиёсатини ўзлаштиридилар, уни ўз ижодларининг қудрати сифатида маҳкам тутишлар. Тўғри, фикра йўригини қаттиқ ушлаганлар амалдор бўлишлар, юртларини кездишлар, халқро аяқманларда комфирка мафкурасини изчил химоя қилдилар. М.Қўшонов бадий асарларини тинимсиз ўқиди, илмий адабиётларини ўзлаштиришини олимлик тамойилига айлантирди. Теран илмга суянган мунаққид бора-бора назарийча, эстетик категориялар ҳақида ўз карашини билдирадиган тадқиқотчига айланди. Олимнинг «Ижод сабоқлари», «Ижод масъулияти», 2-жилд «Сайланма»-сида «Назарий лавҳалар», «Назарий соҳилларида», «Бадийят қонуниятлари» сипариси бўлишлар борки, мен уларни М.Қўшонов ижодининг мюси, нектари дегим келди.

Илим кишининг яна бир завқи, хузури бор. Изланган, муаммо ичра муаммо яратган олим шундай хулосаларга келадик, ўз меҳнатидан қониқиб, ҳеч қандай бойликка алмаштириб бўлмайдиган таскин топади. Матёқуб Қўшонов ўтган асрнинг 70-йилларида гўлиб-тошиб ижод қилди, тадқиқотлар яратди. Қарангки, XX асрнинг 70-йилларида Гарбий Европа, Англо-Америка адабиётшунослигида респештив эстетика, герменевтика, аксиология, структурализм ҳақида янгидан-янги назариялар пайдо бўлди. М.Қўшонов чет эллардаги энг янги адабиётшунослик ютуқларидан таниш бўлмай туриб мавно ва мезон, қалб ва қиёфа ҳақида шундай қарашларни айтдики, улар структурализм, экзистенциализм сипариси қарашлар билан уйғунлашиб кетади. Олимнинг бундай янгилиги нафақат унинг ўзига, балки у мансуб бўлган адабиёт, адабиётшунослик, тадқиқотчиликка қатъа наф келтиради. Матёқуб Қўшонов ўз кучи, имконини яхши биларди. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йилдаги соҳиларидан бирда босилган «Елкам ер кўрмади» мақоласида илмий изланиш, теранлик ҳаминша йўлдош бўлганини, тилани бурро, қаламини ўткир қилганини ёзди.

Матёқуб Қўшонов услубан таркибшунос мунаққид эди. Ўзининг эътирофича, «матн таҳлили» биринчидан, сўзининг ўрни, вазифаси, мавно юқини аниқлаш имконини беради. Иккинчидан, матн моҳиятини англаш — ёзувчи кечинмаларини қайта ҳис қилиш. Учтинчидан, матндаги сўз, оҳанг, пафосини англаш — асар ютуғи, қамчиликларини аниқ-тиник кўриш. Матёқуб Қўшонов А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор санъатини ёритмоқчи экан, матнга, сўзлар маъносига диққатни қаратади. Мунаққид қайси асарни ёқтириб қолса, уни кечиндошлик нуқтан назаридан баҳолайди. М.Қўшонов «Қутлуг қон», «Синчалак»ни шундай таҳлил қиладики,

китобхонда: «Мунаққид асарни тўлалигича ёлба олган, шекилли», — деган фикр пайдо бўлади. «Қутлуг қон» таҳлилидаги тадқиқотда асардан олинган етмишдан ортиқ, «Синчалак» тадқиқот-тақризида эллик еттига иқтисоси санаб ёқа ушлаганман. Наҳотки, мунаққид шунчалар сиқочов бўлса?! Дарвоқе, айрим туркий тилларда мунаққидни «синчи» деб бекхудага айтмаган эканлар.

«Жаҳон адабиёти» журналининг 2001 йил 1-сонида М.Қўшоновнинг «XX аср менинг тақдиримда» деган ихчамгина мақоласи — анкета сўровномаларига жаобли босилди. Унда устоз Москвада, аспиран-турада ўқиб юрганда қўп ва ҳўб ўқиниша одатланганини ёзди. Чиндан, М.Қўшонов ҳам илмий, ҳам бадий асарларини қуну тун ўқиди. Тинимсиз ўқиб, фикрлаш туғайли у бош оғрини дардага қалинди. Аммо ўқимаслик, тинимсиз илм захирасини бойитмаслик мумкин эмас. У уйда, ишонада, ҳатто маҳалла чойхонасининг бир бурчагига ўтириб олиб ўқиди. Бора-бора кўз ҳам қарчади. Энди устоз китобларни шопирларига ўқитиб, тасмага ёзиб олиб эшитарди. Ҳамон у бош қондасига рию қиларди: асарни теран ўзлаштирмагунча, китобхонга маъқул фикрни толмагунча, қўлига қалам олмас эди. Ана энди ҳам чўт қилиб кўринг: элликча яқин китоб ёмоқ учун домла неча-неча ўз бадий, илмий асарларини мутолаа қилмаган!

Олим ҳаётининг сўнгги ўн тўрт йили Мустақил Ўзбекистонда кечди. Оздодлик халқ орузи, Мустақиллик доимий интилиш эди. Аммо ҳар қандай янгилик одамни шошириб қўяди. Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилиниши арафасида М.Қўшонов Ялтада, ёзувчиларнинг ижод уюлида эди. Тасдиқни қарангки, Ижод уйига олган йўлланма домла йўлланмаси билан бир вақтта тўғри келибди. Мен Матёқуб ака билан мириқиб-мириқиб суҳбатлашдим. Ялтани, денгиз бўйини сайр қилдим. 1991 йилнинг 19 августида рўй берган сиёсий воқеаларни биз Ялтада эшитдик. М.Горбачев «қамалиб» қолган Фарос бизга яқин, кўриниб турарди. Матёқуб Қўшонов қаттиқ ҳаяжонланди. «Кетаман», «Тез жўнашим лозим»га тушиб қолди. У қилдим, бу қилдим, домлага битта чипта топдим, самолётга чиқариб юбордим. Ўзим, оилам, икки набирам билан 1 сентябрда Ташкентга учиб келдим.

Мустақилликдан кейин М.Қўшонов «Ўзбекистон ўзлиги», Президент ҳақидаги «Элим деб, юртим деб...», «Алам», «Армон» биографик асарларини, «А.Қодирий — эрксизлик қурбони» тадқиқотини яратди.

Ёш бир жойга бориб қолгач, имолинисофли одам юмушларини яқунлашга,

босиб ўтган йўлга хулоса ясашга киришди. М.Қўшонов 1997 йилда «Дийдор» китобини чоп эттирди. Асардаги очерк, портретлар адабий жамоатчиликка маъқул бўлди: тақризу мақолалар ёзилди. Энди М.Қўшонов «Дийдор»ни бойитишга, тўлдиришга киришди. Нихоят, 2004 йилда «Шарк» нашриёти салобати «Дийдор» китобини чоп этди. Бу китоб М.Қўшонов домланинг юрагига яқин, узок, мураккаб ҳаёт йўлида ҳамроҳ, ҳамнафас бўлганлар ҳақидаги эссе, портретлардан иборат. Китоб қаҳрамонларининг ҳар бири М.Қўшонов ҳаёти, ижодида из қолдирган. Доғишамд М.Қўшонов «Дийдор» воситасида фалсафий бир фикрни бадий-образли ифодалайди. Одам ҳар қанча серғайрат, уқувли, истеъдодли бўлмасин, битта ўзи ҳеч нарса қила олмайд. Ижодий ютуқ, ҳар бир янгилик кўпнинг қўмағи, рағбати билан амалга оширилади. Бошқача айтганда, М.Қўшонов табиигага ёлғизлик, худбинлик, «ўзинг учун ўл етим»лик ёт эди.

Мен «Дийдор» китобида М.Қўшоновнинг умр йўлдоши, малакали врач, оlima, икки фарзанд, бир неча неваралини оқ ююб, оқ тараган Раҳима опа Раҳмонова ҳақида махсус мақола бўлишини истардим. М.Қўшонов домлани таниган, билган одам борки, файзли, очик қўнғил, тибиб-тинчимайдиган, оқила Раҳима опани ҳурмат билан тилга олади. Опа домлани умр бўйи парварши қилдилар, ижодий шароит яратиб беришлар. Чиндан ҳам, М.Қўшонов умрларининг охиригача отдай юрдилар, шаҳар, дала ҳовлидаги юмушларни бажардилар. Матёқуб домла бойликка ружу қилмадилар. Мустақилликдан кейин ўзини ўққа-чўққа урган олимлар топилди. Домла зинҳор қаноатни унутмадилар. Албатта, бундай йўл тутишларида Раҳима опанинг ҳиссалари борлигига ишонаман.

P.S. М. Қўшонов баракали ижоди, фаолияти билан юрт ҳурматини қозонди: Ўзбекистоннинг улуг нишони билан тақдирланди. Матёқуб Қўшоновнинг иккинчи умри асарларида, қўлаб шогирдлари иланишларида давом эттишига шубҳа йўқ.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари доктори

Одамлар орасидаги умумийлик шундан иборатки, уларнинг барчаси умрларининг учдан бир қисмини уйқуда ўтказадилар ва улар онгининг “қоронғу” қисмида кўплаб очилмаган сирлар мавжуд. Бу сирларни қандай “очиш” мумкин?

Ҳар бир киши ўзи билан ёки билмаган ҳолда уйқусида бир кечада 5-6 та ҳар хил мавзудаги “филм”лар микдориди туш кўрадилар. Фақат кўпчилик кишилар кўрган тушларини унутиб қўядилар.

Уйқу бир-бири билан алмашиниб


неча кун ўтгач тажриба ўтказилаётган кишининг фикрлари бузилиб, гапирришдаги раволик йўқолади. Кейинчалик эса унинг аҳволи янада оғирлашади! Алқисса, биз, албатта, етарли даражада ухлашимиз ва етарли даражада туш кўришимиз лозим.

Агарда сиз бирор кун ухлай олмасдан шундай ҳолатга тушиб турувчи ер юзи аҳолисининг 40 фоизи қаторига қўшилиб қолсангиз, табиийки, ишларингиз ўнгидан келмаётгани ва бирор кишини

орқали сўриб ичганингиз маъқул, чунки ҳарқалай сўриш жараёнининг ўзиёқ чақалоқларда бўлгани каби асабларни тинчлантириш хусусиятига эга.

Бордию ишхонада 12 соат ишлаб ҳам мўлжалдаги юмушни битира олмаган, бунинг устига эртага бўладиган учрашувга қўлингизда етарли маълумотлар йўқлиги сабабли миангиз ҳали ишлаётган ва толиққан бўлса-чи?

Бундай ҳолатларда олимлар томонидан ўйлаб топилган бир



турадиган “тез” ва “секин” даврларга бўлиниб, унинг “тез” даврида киши тушлар оламига тушиб қолади. Бу пайтда кўпинча кўз соққалари худди бир нарсани қидираётгандек, тез ўтиб кетаётган поезд вагонларига қараб улгуришга ҳаракат қилаётгандек тез-тез ҳаракат қила бошлайди.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра биз умримизнинг 30 фоизини уйқуда ўтказамиз. Шундан 25 фоизи эса туш кўриш билан ўтади. Туш кўришга шунча вақт “ажратилган” экан, демак, унинг қадр-қиммати фақатгина кўрилган манзара билан чекланмайди. Бунинг тағига етиш учун олимлар шундай тажриба ўтказишган. Улар ухлаётган кишининг бошига махсус жиҳоз ўрнатиб, уйқунинг туш кўриш — “тез” даври бошланган заҳоти уни уйғотиб олаверилади. Тажриба бошлангандан сўнг бир


“чакиб” олиш ҳоҳиши пайдо бўлганини кўрасиз. Бундай ҳолатларда асабларнинг таранглашиши оқибатида автоҳалокатлар содир этилиши, хафақон, инфаркт, инсулт каби касалликлар келиб чиқиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Уйқусизлиқни нималар келтириб чиқариши мумкин ва унга қарши қандай курашиш лозим?

Агарда сизни ишхонада ярим йиллик ҳисобот кечикаётганлиги, фарзандингизнинг дарсларни яхши ўзлаштира олмаётганлиги ва кватирга ҳақини қандай узиш ҳақидаги муаммолар қийнаётган бўлса “ушбу муаммоларни ечиш муаммоси” ҳақида бош қотиришингиз барибир бефойда. Бунинг ўрнига бошингизга муздек бирор нарса қўйиб компресс қилганингиз, агарда асабларингиз таранг тортилган бўлса, бўлиб ўтган гапларни унутиб, бир стакан сутни найча

қизиқарли усулни қўллашингиз мумкин. Олимлар томонидан тажриба тариқасида одам миёси электроэнцефалограмма қилиниб (мия электр потенциали ёзилиб) у ўрғанилган ва миё фаолиятига мос таъсир кўрсата оладиган мусика яратилган. Ушбу мусикани эшитган одам кўп ўтмай ухлаб қолган. Мутахассислар фикрича, ҳар бир киши ўз миё фаолиятига мос тушадиган мусикани ўзи ёқтирган осуда мусикалар ичидан танлаб олиши мумкин. Шунга кўра, сиз ҳам ўз миангиз учун мусика танлаб олишингиз ва ундан самарали фойдалана билишингиз лозим.

Сиз иш юзасидан ёки тақдир тақозоси билан ҳаётингиздаги қутилмаган бурилиш туфайли қаторасига бир неча бор бошқалар уйқудан турадиган пайтда ётишингизга тўғри келди. Ва ниҳоят, сиз уйқуга тўйиб олиш учун




эртароқ ётдингиз. Бундай пайтларда сизнинг барча ҳаракатларингиз зое кетиб, эрталабгача ухлай олмай чиқишингиз мумкин. Чунки бу вақт ичида асаблар зўриқиши натижасида уйқусизлик эшик қоқиб, салом беришга улгурган бўлади. Бечора вужудингиз эса кун билан туннинг фарқига бора олмай кечаси ҳам асаблар фаоллашувига олиб келувчи гармонларни ишлаб чиқара бошлайди. Бунинг натижасида биологик меъёرنинг бузилиши келиб чиқади. Биологик соатларингизни ўз меъёрига келтиришнинг чораси — бўйин олд қисмидаги, кейин эса бўйиндаги асосий қон томири бўйлаб жойлашган 4 та нуқтани банддан пастга қараб навбатма-навбат босишдир.

Маълумки, кўпчилик хуррак отиб ухлайди. Бундай ҳолат эркаклар орасида ҳар 4 тадан 1 кишида, аёллар орасида ҳар 10 кишидан 1 кишида учрайди. Хуррак отувчилар "ўз миялари фаолияти учун мусиқа ўйлаб топганлик" ёки чарчашдан шикоят қилмайдилар. Шунга қарамасдан баъзи бир мутахассислар уйқуда танглайнинг осилиб туриши фақат хурракни келтириб чиқармасдан, балки нафас йўллارининг маълум муддатга беркилиб қолиши натижасида кислород етишмаслик ҳолати содир бўлади ва ҳатто мия хужайраларидан баъзилари нобуд бўлишга улгуради, деб ҳисоблашади. Бунинг чорасини қилиш учун эса ушбу мутахассислар бир неча маслаҳатлар берадилар: биринчидан, ич кийимингизнинг елка қисмига чўнтак тикиб унга соққа солиб ётишни тавсия этишади. Чунки ухлаганда чалқанча ётмасликнинг бошқа чораси йўқ. Ён томон билан ётганда ҳам хуррак отаверадиганлар учун бурунга найдан ҳаво юбориб турадиган махсус баллонли мосламадан фойдаланишни ёки танглайнинг бир қисмини операция ёрдамида "қисқартиришни" тавсия этишади.

Урмимизнинг маълум қисмини ташкил этадиган уйқунинг ҳам ўз меъёри, қондаси, қолаверса, сирлари ҳам мавжуд. Шундай экан, уйқунинг ҳам тўғри ташкил қилиш самарали ишланга кўмак беради. Айтадилар-ку, «яши дам меҳнатта ҳамдам».

МАНЗУРА тайёрлади



ЯНВАР - Маъбуғ Янус шарафига «janvarius» деб аталган. Римликларнинг эътиқодига, икки юзли Янус ҳар бир нарсанинг боши ва охирининг ҳомийси бўлган эмиш.

ФЕВРАЛ - латинча «februarius» сўзи тозаланиш, покланиш маъносини билдиради.

МАРТ - бу ой дехконлар ва чорвадорлар ҳомийси Марс шарафига аталган «martius» сўзидан олинган.

АПРЕЛ - «Aprile» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўз инъомларини намоён қилувчи, деган маънони билдиради.

МАЙ - Маъбуғда Майя «Mayus» исмидан олинган гўзаллик, шог-хуррамлик оғи ҳисобланади.

ИЮН - Юпитернинг хотини - маъбуғда Юнона шарафига қўйилган. Афсоналарга кўра, Юнона аёллар ҳомийси, эр-хотинлар кўша қариши, ували-жували бўлишининг тарафдори.

ИЮЛ - Рим давлат арбоби ва лашкарбошиси Юлий Сезар шарафига шундай аталган.

АВГУСТ - Рим императори Oktavian Avgust шарафига қўйилган.


СЕНТАБР - Қадимга римликларнинг ўн ойлик таквимига етти ой бўлиб, латинча «september» сўзидан олинган.

ОКТАБР - Қадим римликлар таквимига саккизинчи ой латинча «oktober» деган маънони беради.

НОВАБР - латинча «november» сўзидан олинган, қадимги римликлар таквимига тўққизинчи оини англатган.

ДЕКАБР - латинча «detsember» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўн деган маънони билдиради.

ДИЛШОДБЕК тайёрлади



ЖУННАЛ

Мирмуҳсин ака умидли ёш қаламқашларнинг изланишларига меҳр билан хайрихоҳлик кўрсатиб келган устоз адиб эди. Биргина “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” журналларидаги фаолиятида танилган ёш шoir, ёзувчи, публицистлар истеъдоднинг шаклланиши, асарларининг эл-юрт назарига тушиши редакцияда юзага келирилган ижодий муҳит самараларидир, албатта.

Замонавий воқелик баробарида ҳалқимизнинг олис ўтмишини буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдирини бадиий тадқиқ этиш Мирмуҳсин ака ижодининг ёруғ саҳифаларидан ҳисобланади. “Широқ”, “Авесто” дostonлари, “Меъмор”, “Темур Малик” романлари мוזийин бадиий-эстетик идрок ва ифода этиш маданияти ранвақиға қўшган муносиб улуши эди. Туркий халқлар тарихидан сўз очнагудек бўлса, Мирмуҳсин ака тўлиб-тошиб, тўқиланиб фикрлашға тутинарди. Халқимиз ўтмишидан, ниҳоятда бой маданий меросидан, маънавий-интеллектуал қадриятларидан адоқсиз ғурур туягилган, кўнгил маърифати юксак, бағрикенг шахс эди.

XX асрнинг 60-йиллари ўзбек поэмачилигининг тараққиёт тенденцияларига бағишланган “Лирик поэма” мавзусидаги номзодлик диссертациямни якунлаган, май ойи охирларида ҳимоя

муддати белгиланган кезлар. Илмий тадқиқотлар ҳимояси билан боғлиқ тартиб-қоидаға кўра диссертация автореферати улкан шўролар иттифоқининг юзға яқин етакчи олий ўқув юртлари, илмий масканлари ва кутубхоналарига, атоқли академикларға, профессор олимларға юборилар эди. Реестердаги рўйхатға биноан збекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, академик адиб Комиляшинға ҳам диссертация авторефератини почта орқали жўнатган эдим. Иш шерьий жараёнға дахлдор бўлганлиги боисиданим уюшманин поэзия бўлими раиси Мирмуҳсин акаға таништириш учун беришибди. У киши “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири бўлиши билан баробар Ёзувчилар уюшмаси шерьият бўлимининг раиси ҳам эди.

Мирмуҳсин аканинг солиҳа қизи, адабиётшунос оlima Хулқар Алимova

шерьий мажмуаларини ўқиган эдим.

Айтилган вақтда “Шарқ юлдузи” журнали таҳририятини қириб бордим. Мирмуҳсин ака иссиқ чехра билан ниҳоятда самимий эътибор кўрсатди. Узоқ суҳбатлашдик. Гап мавзуси, асосан, XX аср ўзбек поэмачилиги, туркий улуснинг олис мוזийида кечган ҳаёти, буюк аждодларимиз тақдирини саҳифалари хусусида бўлди.

— Илмий ишингизда замонавий воқеликка бағишланган асарлар билан кифояланиб қолибсиз, — деди Мирмуҳсин ака авторефератини варақлар экан. — Бу етарли эмас. Халқимиз тарихига оид озмунча дostonлар борми? Буларсиз эдик жанр тараққиётини ҳам, бадиий-эстетик тафаккур қамолини ҳам тасаввур қилолмаймиз.

Мирмуҳсин ака шўринда, назаримда, Ҳамид Олимжоннинг “Муҳанина”,

Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими эди. збекистон Республикаси Фанлар Академияси президиуми, Тил ва адабиёт институти, “Фан” нашриёти уша пайтдаги Гогол (ҳозирги академик Яхё Гуломов) кўчасидаги 70-уй биносида жўнлашган эдим. Хулқар Алимova билан бирин-сирин илм кўчасига кириб келайётган кезларимиз. Хулқар болалар адабиёти бўлимида профессор Ҳафиз Абдусаматов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борарди. Болалар адабиёти бўлими атоқли адабиётшунос, профессор Ҳомид Ёкубов етакчилигидаги бизнинг бўлим билан ёнма-ён хонаға жойлашган эди. Тез-тез кўришиб турардик.

Эрталаб ҳамма ходимлар жой-жойинға ўтириб, ўз юмушларига киришган пайт. Хулқар Алимova хонаға кириб келди. Сўрашдик. Кейин: “Адам йўқлаштилар, авторефератингизни ўқиб чиққан эканлар. Сиз билан суҳбатлашмоқчилар”, — деб қолди. Кўнглим даприқиб кетди. Кичик бир изланишим Мирмуҳсин акадек халқимизнинг суюкли адиби эътиборини тортганингда, вақт ажратиб авторефератини ўқиб чиққананидан севинчим ичимға сиймасди.

Мирмуҳсин ака шерьияти билан ошно тутишиб, “Уста Ғиёс”, “Қадролан”, “Қамар”, “Невара”, “Широқ”, “Авесто” поэмаларини, “Қалб ва фалсафа”, “Топти кутлаб” “Танланган асарлар” сингари


Мақсуд Шайхёоданин “Жалолидин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек”, “Тoшкентнома”, Султон Жўраининг “Бруно” асарларини назарда тутган эди.

— Устоз Гафур Гуломнинг “збекнома” қасидасида туркий халқлар тарихига доир саҳифаларини ўқигансиз-а? — деди Мирмуҳсин ака бироз тин олғач. — Миллий ғурур, ифтихор туйғулари билан йўтирган.

Шу лаҳзалар дoston сатрлари ҳаслан кўз ўнгинда жонланди шекили, Мирмуҳсин аканинг кўзлари чарақлаб кетди.

— “Авесто” да ҳам, “Широқ” да ҳам шу таҳаит ғурур туйғуларини ёритишға интиланган эдим. Бу ҳам устоз Гафур Гуломнинг таъсири самаралари. Биладисим, — деди Мирмуҳсин ака ўйға толиб, — тарихий асарлар одамға ўзини ўзи танишиға кўмак беради. Ота-боболарим ким бўлган? Биз улардан қандай хислат-фаизлатларни мерос қилиб олашимиз лозим?

— зимдан кўнглим тўлмайдди, — деди Мирмуҳсин ака поэмачиликдаги тарихий бадиий-эстетик ўзлаштиришға оид изланишларини тўхталар экан. — “Широқ” ҳам, “Авесто” ҳам тўла-тўқис кўнгил ифодаси деб бўлмайди. Аввало, тарихнинг ўзи нима? Англаб, мағзини ўқиб олашимиз лозим. У фанми, тақдирларми, сабоқларми? Нимадир ўзи? Ёлғиз хотиралардан иборат эмас-ку? Халқ



тарихи, миллат тарихи, Ватан тарихи деймиз. Тарих нимага ва кимлар учун яратилади? Миллат тарихи нима мақсадларда ўрганилади? Булар айтишга осон. Аслида эса ҳазилакам иш эмас. Ахир Ватан тарихи, миллат тарихи ҳаққимизнинг бутунига, эртанги кунига ярайдиган ёруғликни бағрида асраб келади. Шу боисдан ҳам ҳамisha ана шу нурга интиламиз, талпиниб яшаймиз. Одам ўзининг кимлигини билмаса, аждодларини танимаса, қандай умргузаронлик қилганликларидан беҳабар бўлса, балчиқча беланиб ётган чувалчангдан фарқи қолмайди.

Мирмуҳсин ака тўлиқиб кетган эди. У жўшиб-тошиб келган фикр-ўйларини, чамаси, ағачдан бери юрагидан тўтиб юрган мушоҳадаларини бўлишгаётгандек ҳис этдим. Назаримда, ушбу муҳокама-ўйлари Мирмуҳсин аканинг эпик жанрда роман ёзиш ниятида кўраётган ҳозирликлари

киتاب ўқиганлиги боис ўтмиш воқелиги хусусида муайян билим таъсирида мулоҳаза юритиши ҳам мумкин. Ва лекин бу нарса миллат тарихига оид малакали мушоҳада-муҳокама юритиш учун асос бўлолмайди. Бу нарса, умри бино бўлиб бир мартагина — яқинба куни Парижда бўлган кишининг бечораҳол ҳолатини эслатади, дейди Волтер.

Дарҳақиқат, француз мутафаккирининг нуқтан-назарига кўра тарих билан шуғуланмоқчи бўлган ёзувчи тарихий тафаккур тажрибасига эга бўлмоғи лозим. Бу — тарихчи бўлиши шарт, дегани. Мазкур омил тарихчи-адиб учун энг муҳим асос ҳисобланади. Бу — бир. Иккинчидан, ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида миллат ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб, мозиждан ҳақиқат изланади. Ижтимоий адолат туйғуси гўзаллик, эъгулик принциплари таянган

ахлоқ, инсонийлик, гўзаллик, эъгулик, адолат туйғулари унинг таркибий қисмларидир. Муҳтасар айтганда, кўнгили маърифати билан тафаккур маданияти маънавий-интеллектуал камолотнинг устувор белгисидир.

Негаки, кўнгили билан онг-шуур ҳамisha бойиб борадиган олам. Зеро, ҳамisha замонларда ҳам моддий-маънавий бойликларни руҳан-фикрнинг қомил шахслар яратди. Бу — юксам ахлоқли шахслар эркининг самарасидир. Қачонки, шахслар эрки топганда жойда ахлоқ бўлмайди. Ахлоқсизлик юзубан кетган, маънавий таназулга юз тутган, инсон шайни билан баробар қадр-қиммати ҳам оёқости бўлган бир шароитда мозиждан мадад олиш, қўмак сўраш кучаяр экан. Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Иззат Султон, Миртемир, Миркарим Осим, Оди



бўлса керак, дея аниқлашди менга.

Мирмуҳсин ака олис мозиёга дахлдор ўй-мушоҳадалари билан илмий тилда айтганда, адабий қарашлари билан бўлишгаётгандек эди.

Узоқ йиллардан бери ҳаққимизнинг тарихий кечмиши билан шуғуланганлигини, тарихий асарларни синчилаб ўқиб-ўрганиб, фикри-закрини чархлаб келаётганидан далолат берарди. Зеро, маънавий-интеллектуал жамғарма иждодкор учун битмас-туганмас хаини. Бузил тарихий асар ёзиш тугул ўтмиш хусусида гапирши, фикрлаш ҳам ноқоиш. Бу тарих туйғусини чархлаш, тарбиялаш ва такомиллаштириш жараёнида ҳосил бўладиган билим-тафаккур маданиятидир. Шу хусусда француз мутафаккири Волтернинг ибратли бир гапини эсладим. Хусусан, тарих ҳам теология (дин илми) ва табиий фанлар сингаги алоҳида фикрлаш малакасини, тафаккур маданиятини тақозо қилади, дейди у. Яъни мозиёга дахлдор асар ёзмоқчи бўлган иждодкор тарихчи бўлмасе ҳам, тарихий тафаккур тажрибасини ўз шахсида шакллантирмоғи лозим. Мазкур хусусиятсиз ёзувчи қўша-қўша кўзойнак тақса ҳам, мозиё масаласида буридан нарини кўромайди. Тўғри, зиёли одам борки, тарих тўғрисида бир қадар тасаввурга эга бўлади. Камида беш-ўнта

башарий қадриятлардан янгича маъно излашга ва топишга асос беради. Бу, ёзувчи одамдан тарихчиликдан ташқари яна файласуфлик ҳам тақозо этади, демокдир. Хусусан, адибнинг мозиё воқелиги ва аждодлар тақдирига доир мушоҳадалари тарих туйғуси билан йўғримоғи шарт. Яъни шахсий тажриба билан тарихий тафаккур маданияти яхлит бирликда туташмоғи лозим. Шундагина гўзал ва бетакдор тарихий асар вужудга келадики, унинг ёғдуси асрлар оша кўнгиллари маърифат шуъласи билан чарогон эттүсидир.

— Ҳаққимизнинг ўтмиши, буюк фарзандларининг ҳаёти ва тақдирини нима учун бизда адоқсиз гурур туйғуларини уйғотади? — Мирмуҳсин ака саволмуза қаради. — Тарихга бағишланган дostonларимда ана шу туйғунинг табиатини кўрсатишга ҳаракат қилганман. Бизда ҳар томонлама гармоник ривожланган киши камолоти ҳақида кўп гапирилади. Аслида эса, бу кеча ёки бутун пайдо бўлган масала эмас. Шахс туйғу-тафаккур маданиятининг нечоғи юксамлиги маънавий-интеллектуал камолотининг бош белгиси ҳисобланади. Шу маънода, маънавий камолот ҳам башарий қадриятдир. Адабиётнинг минг-минг йиллик такомил тарихида шахс камолоти масаласи ўзақ гоя бўлиб келаётир. Билим, маданият,

Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ёвдат Илёсов ва бошқа адибларимиз мозиёдан юксам ахлоқ, эътиқод, эрк гояларини излашди; аждодларимизнинг бадиий тимсолларини гавдалантиришди. Тарихнинг ҳаммаси ҳаққимиз учун катта маънавий озуқа. Уни илмий жиҳатдан ўрганиш, назарий умумлаштириш олимлар олдидаги катта бурч, вазифа. Сиз ҳам ёшсиз. Эндигина илм остонасига қадам кўяпсиз. Ёшлардан умидимиз катта, — деди Мирмуҳсин ака сўхбатимизга яқун ясагандек. — Ота-боболаримиз руҳи кўлласин. Чўғланган кўнгили кўзаларини кул босмасин, кўз темгасин.

Кейин Мирмуҳсин ака стол тортмасидан китобини олиб, дастхат ёза бошлади. Бу уч жыллик тилланган асарларининг 1971 йили чоп этилган дostonлардан таркиб тошган иккинчи томи эди.

Кўз — кўнгили кўзгуси, деб бежи айтишмаган. Фикр ҳам шунақа салоҳиятга эга. Тафаккур маданияти, фикрнинг маъно салмоғи ва қудрати кўнгили маърифатининг бош белгиси экан. Мирмуҳсин аканинг олис мозиёга бағишланган поэмалари билан романлари миллатсевар адиб кўнгили кўзининг ёғдуларидир.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
профессор

ҮНДАА ТАЪТИРААНГАН БЕКАТ

Уста Мирсобит ўзига бир хил ўламда иигирма турт тахмачани таъёрлашни буюрди. Таъёрлаб бўлгач, кўлига пул туттиб, бозорга жўнатди.

— Энг сифатли яшил рангли буюк ва бекат устига ёпиш учун шу рангли материалдан топиб кел.

Ўзи бозордан кечқурун қайтди. Ҳаммаси тахт бўлганини қуриб, атанинг кўнгли жойига тушди. Бироздан сўнг телефонда юк машинасига буюртма бериб, ўзига:

— Бироз дамнинг ол, иш қийинларингни таъёрлаб ёт. Кечаси ўйотаман. Ердამга ўқангни ҳам олиб кетамиз. Кечаси билан ишлаймиз...

Уста ёнбошлаб олиб бу ишларга унганган маъруза ҳақида ўйлаб кетди. Нега бу ишларни аввалроқ бошлаганига пушаймон ҳам бўлиб қуяди.

Ушанда ҳаёлот ўл билан топилган мол-мулк, хайр-эхсон ҳақидаги маърузани тинглар экан, ўзининг қилган ишларидан арзиғулик саховат излаб тополмади. (Аслида-ку, устанинг савобли ишларининг бош-охир йўқлигини ҳалқ яхши билади. Мирсобит ака ўнг кўли билан қилган савобни чап кўлига сөздирамасликка ҳаракат қилади).

Устанинг кўз олдида ишхонаси ёнидаги “Лолазор” бекати келди. Бу жойдаги ўтириқлар кўчиб кетган, бекат даярли бўклийдиган одамлар иссиқда ҳам, совуқда ҳам тик туриб автобус кўтишади. Уста:

“Шу бекатни таъмирлаб қўясак”, — деб кўп бор кўнлидан ўтказган. Кўндалик ташвишлар бос, бу иш орқага сурлайётганди.

Мана, бузун уста мавриги келганини ҳис этди. Тун бўйи ишлаб, тонгда маҳалладошларига ажоиб тўхфа таъёрлаб қўйишни ўлаб, хотиржам уқуза кетди. Ҳўнганнида соат тўнғи иккени кўрсатиб турарди. Шоша-пиша ўзлини ўйотди. Бу пайт буюртма берилаган юк машинаси ҳам келганди. Тахта, буюк, асбоб-ўскуналарни машинага ортишиб “Лолазор”га етиб келишди. Не кўз билан кўришсинки, бекат таъмирланган. Иккинчи бекатга йўл олишди. Бу бекат ҳам ян-янгил! Учинчи, тўртинчи бекатлар ҳам таъмирланган. Сўнғи, маҳалладан чиқишдаги бекат эски ҳолича турган экан, Уста ва ўқилари шошилиб иш бошлашди. Ниҳоят, бекат чиродли бўлиб қолди. Шундан сўнғига уста эркин нафас олди.

Уста Мирсобит ёшлагидан кичик бир чарх билан тирикчилик қилиб юрарди. Хўнарликларга кенг йўл очилганидан бери тажрибали тадбиркорга айланган. Энди унинг замонавий дастгоҳлар билан таъминланган устaxonаси, бир неча шогирдлари бор. Ховлисигаги “Нексия” ҳам хўнарчинг ортидан келган даромад. Маҳалладаги тўя-маъракаларга устани хўрмат билан таклиф қилишади. Мирсобит устанинг яна олти биродари бор. Бозордаги қатор жойлашган дуқонлардан етти уста масжидга бирга катнашади. Олдинги олти бекат айнан шу биродарларинг иши эканини уста тушунди, дили ёришди.

Бу пайт олислардан бамдод намозида чорловчи озон овози эшитиларди...

Рауф РАҲИМ



Кўнғироқ қиламан қайта ва қайта,
Юрагим энтиқиб қўймайди.
Бир жонон рашқимни келтириб айтар:
«Рақамга боғланиб бўлмайди».

Гўё жон узилар танамдан,
Гўё тўхтаб қолар соатлар.
Боғланиб бўлмайдими рақамга,
Тугайди сабрлар, тоқатлар.

Наҳотки бир овиз хайрга,
Етмаса қимматли вақтингиз.
Сизни чорламайман сайрга,
Эгасиз қолмагай тахтингиз.

Чунки мен ҳар қандай баҳона,
Ҳар қандай сабабдан уланман.
Рақамингиз қолсин ордона,
Мен сизга боғланиб бўлганман.

Кўнғироқ қиламан минг марта,
Юрагим энтиқиб қўймайди,
Биз сизга боғланиб бўлсак-да,
Рақамга боғланиб бўлмайди.

Менсиз тонг отмасин дунёларингда,
Сенсиз кундузими соғинчлар ютсин.
Оқмасан ишқ бўлиб дарёларингдан,
Уволим тутсин-ай, уволинг тутсин.

Менсиз боғларингга келмасин баҳор,
Сенсиз боғларимда елмасин баҳор,
Тангридан тиладим ҳар кеч, ҳар наҳор,
Тангридан тилагин ҳар кеч, ҳар наҳор,
Уволим тутсин-ай, уволим тутсин.

Вафо санамлари шарҳ этсин мани,
Қоши қаламларинг тарқ этсин сани,
Худо ғам-ғуссага фарқ этсин мани,
Худо ғам-ғуссага фарқ этсин сани,
Уволим тутсин-ай, уволинг тутсин.

Кимсасиз омадга қўмилиб яша,
Афсус, надоматга қўмилиб яшай,
Гуноҳинг обида қўмилиб яша,
Гуноҳим обида қўмилиб яшай,
Уволинг тутсин-ай, уволим тутсин.
Менсиз тонг отмасин дунёларингда...

...Тарих саҳифаларидан бўлмиш аён,
Боболар ўтмиши равшандур баён.
Қиличлар қинлардан суғурилган бироқ –
Битилмиш тошларга мангулик армон!..

тўлқинлар қирғоқларга зарб билан уриларди. Ҳар бир урилганда сачраган сувлардан ҳамма ёққа бадбўй ҳид тараларди. Орол денгизига қуйилаётган сув эмас, балки Сирдарё, Амударёдан оқиб келаётган қон эди.

Абдулла Соътов

ШИРОҚ АҲСОНАСИ

Тарихий
афсона

Милоддан аввалги 336-йиллар. Ёз фаслининг бошлари. Кечалари Ҳиндиқуш тоғ тизмалари атрофидан ғарбий-шимолга қараб эсган совуқ оқим Ўрта Осиёнинг поёнсиз заминидаги барча набототларга таҳди соларди. Аммо кундузлари бунинг акси эди. Қорақум саҳроларидан тез-тез кўтарилиб турган шамол поёнсиз Турон текисликларига қараб ҳарорат уфураб, кун қайнаганидан қайнар, адирликлар оша олис сарҳадларгача чидаб бўлмас гармсел пайдо қиларди. Осмон билан бўйлашган юксак тоғ чўққиларидаги қор-музлар эриб, жилгалар бўйлаб шарқираб оқишда давом этар, олисларга ястанган тоғ этакларида бир-бирларига қўшилиб оққан зилол сувлар Сирдарё, Амударёда шиддатли тошқинлар ҳосил қиларди. Яшилликка бурканган экинзорлар, кун нурида товланган жимжима ёлқинларда ҳали чечак чиқармаган ўт-ўланларни еб семираётган чорвалар она табиатнинг саховатпешалигини, ҳаётнинг нақадар гўзаллигини намоён этарди.

Шундай тинч, осойишта ўтаётган кунларнинг бирида, Ҳазар денгизининг ғарбий-жанубий тарафидан тўсатдан даҳшатли довул кўтарилди-да, оч бўридек увилаб, тўнғиздек чиқириб Турон томонга қараб сурилишга бошлади. Довул янада қутуриб, ҳаш-паш дегунча Турон заминининг катта бир қисмини ямламай ютиб кетди. Боғлар, ўрмонлар, адоғсиз экинзорлар довулнинг шафқатсиз зарбаси — зўравонларнинг ифлос қадамлари, жанговор отларнинг темир тақали туёқлари остида бутунлай вайрон қилинди. Ҳамма ер чорвачилар, зироатчи деҳқонлар, савдогарлар, гўдак болаларнинг чириган, сасиган жасадлари билан тўлганди. Бу ачинарли қисматларга шоҳид туронзамин ҳисобсиз қарға-қузғунлар ва бошқа кўплаб ўлаксахўр ҳайвонларни уюм-уюм жасадлар зиёфатига чорларди. Орол денгизи ўз тарихида даҳшатли қирғиндан бир неча бор қайнаб-тошган, ҳозир ҳам шундай қирғин ичида эди. Ана шу тошқин туйфайли ваҳимали айқирган

Яраланган, қочиб қутулиб, сарсон-саргардонликда юрган, асирга тушиб, тутқун қилинган туронлик-ларнинг оҳ-зорлари, дод-фарёдлари фалакка ўрламоқда эди...

Бу қирғинлар Каёнийлар сулоласидан бўлмиш босқинчи Доро I томонидан содир этилган эди. Олдинда саф тортган туғдор лашкарлар, ундан кейин ҳарбий юриш тартиби бўйича ҳужумкор қўшни, тахт билан ўрда боргоҳ чодирини кўтарган қонхўр лашкарлар келарди. Лашкарларнинг марказий қисмида олтин жабдуқлар билан безатилган шоҳона аргумоқда мағрур ўтирган шоҳ Доро I, энг охирида от, туя, филларга қурол-яроғ, озиқ-овқат заҳиралари ва бошқа нарсалар ортилиб гўё чумолилардек саф тортган таъминот қўшини келарди. Уларнинг қадами етган жойларда қонли излар қолиб борарди. Доро I лашкарлари барча қаршиликларни раҳм-шафқатсиз бостириб, шиддатли сурьатда илгариларди. Шоҳнинг кўзлаган манзили Турон дёбининг сувлари сероб чексиз яйловлар, ҳосилдор тупроқли экинзорлар, боғ-бўстонли қишлоқлар, янгидан гуллаётган шаҳарлардан иборат эди. Шоҳ Доро I бунга ҳам қаноат қилмасди. У бу ерларни қўлга киритиб олгандан кейин ҳам ҳарбий юришни давом эттириши керак, яна узоқ, шиддатли ҳарбий юришларда ҳориган отларини Торим дарёси ва Лобнор кўлида суғориб, Қайқубоддан то ўзигача мерос қолган қонли туғни Онмочин тоғлари билан Сариқ тепаликка қадашни мақсад қиларди...

* * *

Турон жасадга тўлмиш!
Орол денгизига қон!
Доро келмоқда кўлида арқон!
Ёғийлар, ёғийлар келмиш!

Бу шумхабар Ҳиндиқуш, Муз тоғ, Хонтангри, Тангритоғ оралиғидаги чўлу биёбонлар, боғу бўстонлардан ошиб ўтди. Буёдо чўққиси наъра

тортиб, Қурбон Тангғут ҷўли билан Турфон пасттекислигини ларзага солди. Кирилун шаҳридан чиққан фидоийлар Доро олиб келаётган бало-ю офат тўғрисидаги шумхабарни барча ўлкаларга етказди. Барча қабилалар ноҳуш хабардан саросимага тушдилар. Ҳамма душманни қандай қилиб енгиш ҳақида бош қотирарди. Оқсоқоллар кенгаши чақирилиб, чора-тадбирлар кўрилди.

Уруш тайёргарлиги бошланди. Ўн дарё ва тўққиз дарё водийларидаги ички-ташқи ўғизларнинг қўлида қурол кўтаришга қодир бўлган барча эркаклари лашкарликка олиниб, қуроллантирилдилар. Ўғизларнинг бир тармоғи Помир этаклариде яшайдиган қабила — шақлар ҳаммадан олдин кенгаш ўтказдилар. Шақлар тушкун кайфият, қовоқлари солинган ҳолда боргоҳнинг атрофига тўпландилар. Улар йигирма беш-ўттиз чоғли кишилар эди. Кўп мунозаралар бўлди, аммо масала ўз ечимини топмай турарди. Шунда ўнг тарафдагиларнинг ўртасидан оппоқ соқоли, нуруний бир қария ўрнидан туриб, жиддий қиёфа ва оҳангда деди:

— Ҳой, қариндошлар! Юртимиз осмонига қора будул чанг солиб келаётган бир вақтда тезда чоралар кўрмоқ ўрнига ҳадеб ноқерак гаплар билан бош қотирмоқлик ақлдан эмас. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб бирлашмоғимиз ва қуролланмоғимиз керак. Зудлик билан амалий ишга киришмоқ лозим. Йўқса, биз ўзимизга ўзимиз душманлик қилган бўламиз. Ёғийнинг келишини кутиб ўтирмай, уларга қарши отланиб чиқмоғимиз керак! Шундай қилсак, ишончим қомилки, ғалаба кўктангрининг мадади ила ўз юзин биз томонга ўтиргай!

Бу гаплар кейин боргоҳ ичини оғир хўрсиниш, тин олишлар қоплади, кекса шакнинг алангали сўзи боргоҳдагиларга ўз таъсирини кўрсатганди.

— Маъқул, — деди соқол-мўйлари қоп-қора, кўзлари ёниб турадиган бир шак ўнг қўлини асабий тарзда бир ёнга силтаб. — Энди ортиқча кутиш ўлим билан баробар! Ёғийнинг йўлини тўсмоқ керак! Олинаётган хабарларга қараганда, Селенга дарёси, Хингай ва Боёнқора тоғларигача бўлган бепоён замин эли қўзғалган. Улар Дунхуонгга тўпланиб, Туримдан ўтиб биз томонга келмоқдалар. Биз олдинги сафдамиз, шу боис дарҳол қуролланиб, отланишимиз керак.

— У ҳолда ҳаммамиз ўз қабилаларимиздан лашкар тўплашга киришгаймиз.

— Жуда тўғри! Қўрқоқлик қилиб авлодларнинг лаънатларига қолгандан кўра она-Ватан ҳимоёсига отланиб, жанг майдонида мардларча ўлим топган минг қарра афзал!

Шундай фикрлар бўлаётган қизғин бир паллада тўсатдан боргоҳ сиртида икки эр кишининг гап талашаётган овози эшитилди. Посбон кириб келди ва оқсоқолларга ҳурмат-эҳтиром билан таъзим қилгандан кейин:

— Бир нотаниш подачи оқсоқолларда зарур юмушим бор, деб қаттиқ қисталанг қилаётир, — деди.

Бу гапни эшитган кенгаш қатнашчилари посбонга тезда бирор гап айтилмадилар. Чунки анъанавий одат бўйича кенгаш бўлаётган пайтда оқсоқоллардан бошқа ҳар қандай кишининг боргоҳга кириши қатъийан маън этиларди.

— У одам, эҳтимол, бирор муҳим хабар олиб келгандир, майли, кирсин, — деди кекса бир шак.

Боргоҳ посбони бир кишини бошлаб кирди. Нотаниш киши оқсоқолларга таъзим бажо келтирди, посбон чиқиб кетди. Озгиндан келган, паст бўйли бу нотаниш подачи титилиб кетган пўстин кийиб олган эди.

— Аввал ўзингни таништир! Кимсан, қаердансан, не юмушлар билан шуғулланасан? — деб кетма-кет савол ёғдирди кекса шак оқсоқолларидан бири.

— Мен Широқ подачиман. Юртим Муз тоғининг шарқий яйловларида.

Широқнинг бирин шугулланасан, аниқ ва дадил жавоб қилиши оқсоқолларни ҳайрон қолдирди. Унинг гап-сўзлари, овози очик, жарангли бўлибгина қолмасдан, ўзини ваъзин, эркин ҳамда тетик тутиши, қарашларидаги бир хил қатъийлик ва тўлиб-тошган ишонч ифодаси ҳаммани лол қолдирганди.

— Қани, гапир, нима муддао билан келдинг?!

Широқ янада журъатланиб, балинд овозда муддаосини баён қилди:

— Барчамизга маълумки, қаттол ёғийлар остонамизга келай деб қолган, борлиқ ўғизлар ва шақларимиз урушга тайёрланмоқдалар. Мабодо уруш бошланиб қолса, биз ёғийни, ёв бизни қирғусидир. Ёв қирилса, айни муддао, лекин элимиз қирилса-чи?!

Широқ бироз сукутдан сўнг сўзини дона-дона этиб давом эттирди:

— Айтмоқчиманки, мен шақлар ичидаги энг камбағалиман, оч-яланғоч ҳаёт кечираётган аёлим, бола-чақаларим бор. Агар сизлар оиламининг иқтисодий томонлари, уй-рўзғор, кийим-кечақларидан давомли хабар олиб туришга ваъда берсангизлар, мен ўз ҳаётим эвазига Доро лашкарларини батамом гулдон қиламан. Барча қабиладошларимизни, муқаддас, улуғ заминимизни муқаррар бало-қазодан халос этаман!

Широқнинг чин қалбдан айтган бу мардона сўзларини эшитган оқсоқоллар гурр этиб ўринларидан туриб, уни ўртага олишди. Мазах қилиш, ишонмаслик ифодаланган совуқ қарашлар Широқнинг жўшқин қалбини ларзага келтирса-да, ўзини ваъзин тутди. Унинг кўзларида яқинда юз беражак улуғ воқеага қатъий ишонч порлаб турарди. Оқсоқоллар унга дедилар:

— Доро лашкарини қандай йўқотмоқчисан?

— Сен бир, ёв туман, буни биласанми?

— Ё сеҳргармисан?

— Йўқ, бу тентак бўлса керак.

Бу саволлар олдида Широқ қилча ҳам тебранмади. Унинг ўйлаган режаси бор эди. Лекин айтгиси келмади, вазиятга қараб иш кўрмоқчи эди. Бу ишда ножўя босилган биргина қадам фалокат келтириши ҳеч гап эмас, ишнинг ўртасида ҳам ишқал чиқмайди, деб бўлмасди. Ҳатто ишнинг охирида ҳам ҳамма нарса барбод бўлиши мумкин. Шунинг учун у оқсоқоллар олдида аниқ бир режани ўртага ташламади. Унинг қалбидаги эл-юртга бўлган қайноқ муҳаббат, ёвдан қасос олиш истаги шунчалар дадил, ўйлаган ниятидан қайтмайдиган ҳолга келтирганди. Ҳозир у кўнглига туғиб қўйган режаларини ўйлайди, таваккал қилиб кўради. Широқнинг қалбида ноумидликдан кўра, умид устунроқ, шубҳадан қатъийлик кучлироқ эди. Мағлубият — у ўйлаётган натижа эмас, ғолиб келиш — бирдан бир мақсади эди.

Широқ оқсоқолларнинг ўзига шубҳа-гумон билан қараб ишонмай турганлигини сезиб, яна сўзида давом этди:

— Менинг ёлғизлигим, ёвнинг кўпчилиги қил сиғмайдиган ҳақиқат. Лекин мен ёв билан олишман, қандай олишишим кераклигини ҳозир сизларга айтиб беролмайман. Бироқ, муҳорабага тайёрланган барча шаклар, қариндош қабилалар ўз ишларини хотиржам давом эттираверсинлар! Ёвни бу ёқларга келтирмайман. Аммо сизлар мен айтган талабни бажаришингиз лозим бўлади.

Оқсоқоллар бир-бирларига қарашди, ҳамманинг кўзида Широқнинг қайсарона ҳаракатига ва букилмас иродасига бўлган ризолик ҳисси жилваланди.

— Хотин-болаларингдан хавотир олма! Уларни оч-яланғоч қолдирмагаймиз! — дейишди оқсоқоллар бир овоздан.

Широқ боргоҳни ўраб турган шаклар тўпини ёриб ўтиб, нарироқдаги ўтлоқда икки ўғлини бағрига босиб ўтирган озгин, сўлгин, ёш жувонни олдига илдамлади. Булар Широқнинг йўқлиги ҳаётидаги узок йиллик вафодор ҳамроҳи ва ёқимтой фарзандлари эди. Хотинига хайирлашув сўзларини айтди ва сафар тайёргарлигига киришди. Бу орада оқсоқоллар шаклар тўпига Широқнинг бир ўзи ёв устига боришини, қолганларнинг ҳозирча саф тортмай туришларини кенгагининг қарори сифатида эълон қилдилар. Широқ қатъий қадам билан юриб, оқсоқоллар билан шаклар тўпининг ўртасидаги майдонга кириб келганда, уни қутлаш учун шаклар тўпи ўзларини унга отишди, улар Широқни бошларига кўтармоқчи, олқишламоқчи бўлдилар. Аммо Широқ ҳеч кимни ўзига яқин йўлатмади. У сувни кўрмай этик ечадиган ишни ҳаргиз хушламасди.

Широқ устидаги эскириб кетиб жуддури чиққан ва ҳануз устидан тушмай келаётган тери чопонини ечиб ташлади. Тери дўпписини ҳам шаклар тўпи устидан ирғитиб ташлади.

— Чориғингни менга ташлаб кет! — деди Широқ ёнидаги ёш шакка қараб илтимос оҳангида. — Эвазига сенга осойишта, тинч кун, бахтли турмуш ҳада этишим мумкин.

Ёш шак биров иккиланиб турди-да, сўнг оёғидаги яп-янги чориқни ечиб берди. Широқ чориқни кийиб, уни ингичка пайин билан маҳкам тортиб боғлаб, ўрнидан турди. Бир шак оқсоқол унинг олдига келиб, қўйининг ошланган юпқа, силлиқ терисига битилган васиқа хатини топшириб:

— Ўша Таскайдаги катта яйлов ва унинг қўтанларидаги йилқи, моллар, қўй-қўзилари билан сенинг болаларингга мансуб қилинди. Яна кам-кўстлари бўлса, хотиржам бўл, — деди.

Широқ бу гапларни эшитаркан, қавмдошларига миннатдор ва мағрур боқди:

— Раҳмат, муҳтарам оқсоқоллар! Қариндошлар! — Широқнинг мўйлари билинар-билинмас титраб кетди, лаблари чўччайди, яна нималарнидир демоқчи эди-ю, аммо айта олмади. Боргоҳ қўриқчиларидан икки посбон Широқнинг хотини, икки фарзандини соябонли сариқ нортуюга ўтқизиб тўп орасидан ўтди. Широқ кўлидаги терига битилган васиқа ўрамни хотинига берди, эр-хотин бир-бирига гап-сўзсиз қарашди. Хотинининг кўзларидан ёшлар думалар, умр йўлдошидан нигоҳини узоқмасди. Посбонлар туяни етаклаб кекса шак оқсоқоли кўрсатган яйловга қараб йўл олишди. Широқнинг хотини ортда қолиб кетаётган меҳрибон умр йўлдошидан ҳамон нигоҳини узмас, юзларини ювиб тушаётган кўз ёшларини рўмолининг четига дам-бадам артарди. Унинг норасида икки фарзанди ҳам оталарини сўнгги бор кўраётганини сезгандай:

— Ота, отажон, бизни ташлаб кетманг, — деб бўзлашарди. Улар олислаб кетдилар...

— Хайр, қариндошларим! Алвидо, она замин!!!

Бу дардли, мунгли овоз бутун шакларнинг юрагини титратиб юборди. Широқ буғу шохидан дасталанган ўткир ханжарини олди-да, барчанинг кўз ўнгига бурнини, икки қулоғини шартта кесиб ташлади. Шаклар бу ҳаракатдан чўчиб, бақириб юборишди, ачини нола-у зор қилишди. Широқ гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ханжарини яна гилофига солди. Широқнинг юзи, бутун уст-боши қонга бўялди. Унинг биринчи марта киндик қони шу заминга тўкилган бўлса, бугун у шу заминга ўз қўли билан ўз қонини тўкишига тўғри келган эди.

Унинг хотин-болалари бу ердан анча узоқлашган эди. У озик-овқатлар солинган халтани таёқнинг учига осиб, елқасига ташлаганча, шаклар тўпини ҳайрон қолдириб, йўлга равона бўлди...

Давоми кейинги сонда

Ҳабидулла ЗАЙНИДДИН таржамаси

Бугун ўзбек нимани орзу қилади? Сиёсатшунос Фарход Ҳамроевнинг "Тафаккур" журналида бошлаб берган аjoyиб наввиси мени ҳам мушоҳадага чоғлади. Юрак-юракдан намодир дегим келди. Айниқса, «Дарё оқишдан тўхтаса, ҳалок бўлади. Инсон орзудан маҳрум бўлса, инсонлигини йўқотади. Ҳар бир дарёнинг ўз манбаси, оқим йўналиши ва етажак манзили бўлгани сингари, ҳар бир миллатнинг ҳам тарихи, тақдир ва орзуси мавжуд.


Балки дарёнинг айрим томчилари йўлдан адашар, айрим зарралари соҳилга сарчаб чиқиб кетар. Лекин бу билан у

Кейинги даврларда биз ота-оналар болаларимизга эртак ва ривоятлар айтиб бермай қўйдик. Бир ривоятни биламан. Ундан ибрат олишга ҳаракат қиламан. Қадимда бир подшоҳнинг сарой донишманди бўлиб, у доимо: «Тан сихатлигу хотиржамлик берсин», — деб дуо қилар экан. Кунлардан бир кун подшоҳ ўзга бир мамлакатга қўшин тортадиган бўлиб, донишмандга:

— Қани, бир дуо қилинг! — дебди.

Донишманд ҳар гапгиде дуо қилибди. Бундан ғазабланган шоҳ:

НАЖОТ БИРЛАШҚА



дарёлигини йўқотмайди, оқишдан тўхтаб қолмайди. Ер юзасидега инсталган халқнинг ўтмиши билан қиёслаганда муносиб тарихга эга бўлган халқимиз ўз орзуси томон интилиб яшамокда» сингари мулоҳазалари мени кўп ўйлантирди.

Келинг, бир мушоҳада қилиб кўрайлик, ҳаммамиз ҳам ана шу буюк орзуларга чин дилдан интилиб ашяағимизми? Мана, мустақиллигимизга ҳан 15 йил тўлиш арафасида. Ана шу айтилган орзулар бирин-кетин, навбатма-навбат амалга ошиб бормокда. Ҳазрат Навоийда шундай байт бор:

*Мен хирез ҳавас давлатни барбод қилмас,
Эл шод қилмас, лалмакай овод қилмас.*

Ҳа, биз ўз манфаатимиздан халқ, давлат манфаатини юзори қўймас эканмиз, орзуларимиз амалга ошмоғи қийинлашади, холос.

Орзу — ҳаёлатнинг меваси. Ушбу мевадан баҳраманд бўлиш учун бугуннинг хаёли билан ялдамаслик керак, менимча. Биз барчамиз ўзимиз учун ҳам, келажақ авлод учун ҳам келажаги буюк давлат барпо бўлишига ҳисса қўйишга бурчлигимиз.

Ҳозир кўпчилик орасида ёшлар китоб ўқимай қўйди, замонавий технологияларга ёпишиб олди, деган нолишлар кўпайиб кетди. Бунинг олдини олиш учун оила, ота-она масъул эмасми? Халқимизда «Кўш уюсида кўрганини қилади», деган мақол бор. Демак, фарзандларимизга эртарақ ўқиш-ўрганиш, илм олиш, илм орқали билимли бўлиш, одоб-ахлоқ, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳалол ва ҳаром, поклик, маданиятли ва маънавиятли бўлмоқчи, қадим удум-қадриятларимизни сингдириб бориш лозим.

Иқтисодий таъминлаш ҳам мевёр талаб қилади. Фарзандларимизга қимматбаҳо қийимлар, қўл телефони, машина олиб берганимиз билан улар келажаги буюк давлатимизга етук кадр бўлиб етиша олишига ким кафолат беради?!

Фарзанд ҳам ниҳол масоли. Ниҳолнинг ўсиб улғайиши, келажақда мева бериб, элга нафи тегиши сиз билан бизнинг ана шу эртарақ бошланган таълим-тарбиямизга боғлиқ. Яна, бизда ҳам аяши, ҳам ёмон одат борки, болаларимизни катталар сўхбатига яқинлаштирмаймиз. Кўпни кўрган, кексаларнинг сўхбати жон озиғи, табиий тарбия воситаси экани эсимиздан чиқади. Буюкларнинг болалик хотираларида асосан оилавий мажлислардан баҳраманд бўлиб, вояга етгани тилга олинди. Демак, етук шахснинг шаклланишида муҳитнинг ҳам ўрни беқиёс экан.

— Қандай эси паст одамсан? Менга зафар, ғалаба тилаш ўрнига доимий дуони қайтарасан! — дебди.

Шунда донишманд:

— Шоҳим! Бир қошиқ қонимдан ўтинг! Агар юришни бир кунга кечиктирсангиз мен сизга нега бундай деганимнинг сабабини айтман, — дебди. Шоҳ рози бўлибди. Эртасига донишманд шоҳга рўбарў бўлиб:

— Шоҳим, жавобни сарой ховлисига чиқсангиз кўрасиз, — дебди.

Ховлига чиқишса, бир қўрада бўри ва қўй. Қўйнинг охурида ҳар хил ўт-ўлан, ем, лекин қўй ем-хашакка, бўри қўйга қарамас эмиш. Буни кўрган шоҳ ҳайрон бўлибди. Донишманд:

— Эй шоҳим, бўрининг оёғини атайлаб синдирганман, унинг тани сихат эмас, қўй бўри билан тургани учун, хотиржам эмас, — деб жавоб берган экан.

Киссадан ҳисса шуки, биз фарзандларимизга миллий гурур ва ватанпарварликни сингдиришда, ана шундай, оқилона фикр юритишга ундайдиган халқимизнинг бой мероси, йўл-йўриқлари ва аъналаридан унумли фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун, аввало, ота-она, маҳалла, ўқув даргоҳлари ва барчамиз ўрناк кўрсатмоғимиз, айтган гапимизга қилаётган ишимиз тўғри келмоғи шарт!

Гёте немис халқининг ҳар томонлама ривожланишига уларан ҳисса қўшди. Лекин немис халқи биргина одамга қараб турмади. Ўзига хос ҳисоб-китоби билан ҳаракат қилди ва ривожланган мамлакатлар каторидан муносиб ўрин олди.

Биз ҳам Юртбошимиз дастуриламаллари атрофида бирлашсак, давлатимизнинг буюк келажаги учун ҳисса қўшсак. Қурилаётган осмон/пар иншоотлар, темир йўллар, коллежлар ва лицейлар, янгиланаётган мактаблар қурилишини, режасини ортиғи билан бажараётган фермерлар ишларини нега қувонч билан қарши олмаймиз?! Бу ютуклар аслида барчамизники эмасми? Ватанимнинг ютуғи — менинг ютуғим, Ўзбекистонимнинг гуллаб яшашни менинг келажигим, болаларимнинг бахти, деб ифтихор этсак. Зеро, тинчлик ва хотиржамликда яшаётганимизнинг ўзи бир неъмат.

Ўринбой НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Археологик қазилмалар чоғида юртимиз худудидан топилган сопол парчалари, иморат пештоқларида тасвирланган чизмаларда учрайдиган мусика асбобларининг суратлари орасида уд алоҳида эътиборни тортадиган асбоб саналади.

Манбаларда таъкидланишича, уд чолғуси IX-X асрларда мукамаллик касб эта бошлаган. Олимлар удни ўз тадқиқотлариға асос қилиб олишгани бежиз эмас. Негак, мусика санъати илми тадқиқи учун куйни нуқсонсиз тараннум этувчи чолғу жоиз эди. Мусикашуносларнинг айнан шу асбобни таълагани товушлар софлигини аниқлашда қўл келганини тахмин қилмоқ мумкин.

Шарқнинг машхур мусикашунос олими Сафиуддин Урмавий “Рисолатул аш-шарафия” дауд чолғуси ҳақида ёзиб: “Билгинки, чолғуларнинг энг машхури ва мукаммали уддир. Унинг бешта тори бор. Энг пастки тори бам, кейингиси маслас, ундан сўнг масна, юкоригилари эса зир ва хаддир”, — дейди.

Манбаларда уд чолғуси Шарқ ва



чолғусини фан сифатида ўқитиш қўлга қўйилди ва мутахассис ўқитувчи сифатида Мурат-Бели Артур Ақопович ишға тақлиф қилинди.

Шундан сўнг консерваторияда уд чолғусини қайта тиклаш ва удчилар ансамблини тузиш ишлари амалға оширилди. Ўқув лабораториясида 12 та уд ясалади ва консерваториянинг халқ чолғулари факултети талабаларидан удчилар ансамбли тузилди. Ансамблга С.Тахалов раҳбар этиб тайинланди.

Халқимизға бу чолғунини қайта тақдим қилиш учун саъй-ҳаракатлар бошланган даврларда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Рифатилла Қосимов томонидан бу чолғу янгитдан ўрганилиб, тарғиб этила бошланди.

Хозирда уд чолғусини муносиб тарғибот қилиш, узлуксиз таълим тизими асосида уд чолғу ижрочилиги сабоғини йўлга қўйиш, ҳар бир тизимға хос дастурлар тайёрлаш, ўқув қўлланмалар яратиш, дарсликлар тузиб тақдим қилиш борасида кўзға

Ушнинг иккинчи уюри

Ғарба бирдек машхур бўлганлиги, унинг таъсирида бир қатор халқларнинг миллий чолғулари бунёдға келганлиги тўғрисида қимматли фикр-мулоҳазалар зикр этилган. Чунончи, Оврупода машхур “Лютня”, Хитой миллий чолғуси “Пиша”, японларнинг “Бива”ларини бунга мисол қилиш мумкин. Булар ўша халқларнинг энг илғор чолғулари сифатида ҳозир ҳам ўз макеини сақлаб қолган.

Уд чолғуси коса, даста, бош қисмидан ташкил топган. Косаси бир-бириға ёпиштирилган бир неча ковоғрасимон тахтачалардан иборат. Устиға ёроқдан тайёрланган қопқоқ зич қилиб бириктирилади. Қопқоқда учта резонатор — овоз тебратиб чиқадиган тешик бўлиб, устиға торлар таянадиган ҳаррак зич қилиб туташтирилади. Даста косаға маҳкам бириктирилиб, парда боғланмайди. У вижжак дастасиға ўхшаб соф, текис бўлади.

Уд ҳақида гап борганда, бу чолғунинг мохир ижрочиси Мурат-Бели Артур Ақопович ҳақида эслаш жоиз. Асли Туркиянинг Ангор вилоятида туғилган Артур Ақопович 1939 йилда Тошкент шахриға кўчиб келиб, Тамирахоним билан биргаликда, кейинчалик эса Т.Жалилов бошчилик қилган ансамблда, Ҳамза театрида иш фаолиятини олиб боради. Замондошларининг хотирлашича, Умар Хайём, Алишер Навоий яшаган даврлардан бери саклиб қелаётган мусикаларни удда маҳорат билан ижро этган.

1968 йилдан Тошкент Давлат консерваториясида уд

қўринарли ишлар амалға оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваторияси “Аъяновий ижрочилик кафедраси” мудири, профессор Рифатилла Қосимовнинг бу соҳада амалға оширган ва хозирда давом эттираётган ишларини алоҳида аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Рифатилла Қосимов “Уд дарслиги” рисоласининг муаллифи ҳамдир.

Уд чолғусини академик лицей, коллежлар ва олий ўқув юртлири тизимида ўргатиш йўлга қўйилган. Айни пайтда ўзбек бастакорлари уд чолғусиға мўлжалланган бир қатор асарлар яратишға муваффақ бўлдилар. Хусусан, таникли бастакор Мустафо Бафоев “Бухорча мавриги”, “Поэма” номли асарларида уд чолғусининг ижро имкониятларидан унумли фойдаланган.

Уд чолғуси ижрочилиги соҳасида етук ижрочилар қаторида Рустам Каримов, Одил Ориев, Умарали Бултуров, Суръат Жўраев, Фатхилла Шоюнусов, Хусниддин Атоев синғари бир қатор ёш иктидорли созандалар эл назарига тушиб келмоқдалар. Улар мумтоз, академик ижро услубида ўзига хос тақлинг эришган ва бир қатор асарларни тингловчиларға тақдим этишға муваффақ бўлган созандалардир. Устоз созандаларнинг удға мослаштирган бир қатор куйлари Ўзбекистон телерадиокомпанияси олтин фондидан жой олган.

Зулхорбек ТУРОПОВ



УШК (САҚ)



Аввал бошда у бир уламонинг ўғли бўлиб, отасининг қулоққа қичқиртириб қўйган исми Сақ экан. Унинг онаси жуда эрта вафот этган бўлиб, отаси дуохонликни касб қилиб олган ёш аёлга уйланади. Ўғай она Сақни ўтира ёшқ, турса сўпоқ деб, сира ёқтирмамас экан. Иложи борича болани уйга киритмай, унга оғир-оғир ишларни буюриб, эл-юрт қўзига ёмон кўрсатишга уринар экан. Ўғай онаси буюрган ишлар ҳар қанча қийин бўлса ҳам, Сақ бечора дардини ичига ютиб, ишни бажаришга уйнаб кетаверар экан.

Ўғай она эса Саққа энди туни билан қўтонни қоронғулаб чиқисини буюриб, уни ухлатмай азоб бериш йўлини ўйлаб топибди. Қўзилатиш даврида энасинан энди ажралган қўзиларни қўриқлаш учун ҳам Сақни пойлоқчи қилиб қўйибди. Кундуз кулгудан, тунда уйқудан қолиб чарчаган Сақ гоҳи пайтлари ухлаб қолиб, бир-икки қўзини йўқотиб ҳам қўйибди. Шу сабабдан Сақ бечора чексиз азоб-уқубатда қолибди. Хотинининг гапига кириб, отаси ўзига қирқ қамчи уришини буюрибди. У ўғлини шу тариқа жазолаб, қолганини хотинига ҳавола қилибди. Бола бечоранинг шунча жафо чекганидан қаноатланмаган ўғай она Сақнинг юзига уч марта кул сочиб, унинг номалъум бир маҳдудқа айлиниб қолишини тилаб, сеҳрлаб ташлабди. Ўғлининг энди қайта одам қиёфасига кира олмаслигини тушуниб қолган ота ўйламай қилинган бу машғум гатодан ўқиниб, “ҳай-ҳай, ҳий-йт” лаганича қолаверибди. Отанинг хатосини ошпитан одамлар яни пайдо бўлган жониворни «ИТ» деб номлаган эмиш. Юз-қўздан захар томчилаб турган ўғай она эса итга бор озорини кўрсатибди. «Итдай азобланди», «Ит азобини берди» каби иборатлар ҳам ўша пайтда яралган эмиш. Уша замон одамларнинг қўйдан бошқа ёввойи ҳайвонларни энди-энди қўлга ўргатиб, тўрт турлик молга эгаллик қила бошлаган даври экан.

Хотини эрига, бар яни маҳдудни тўқайорининг нақ ўртасига олиб бориб ташлашини буюрибди. «Ит — вафо, хотин — жафо», деган сўз ўша пайтдан бошлаб айтилади, дейишди машойнахлар.

Ит ўзи ағнаб-қувиаб ўсган қадрдон овулидан овлоққа чиқиб кетгач, овулдаги мол-ҳолга тез-тез ўғри оралайдиган, йиртқич ҳайвонлар келиб элининг тинчини оладиган бўлиб қолибди. Ит эса ўрмондаги бошқа ҳайвонлар билан дўстлашибди. Қушларнинг бирида ўрмондаги бор-йўқ ҳайвонлар тўпланишиб, ўзаро кенгаш ўтказадиган бўлибди. Мақсадлари — ҳайвонлар ичда энг қучли, энг ақли, энг ҳар бир ишнинг қўзини билладиган ҳайвонни аниқлаш экан. Йиғилишда ҳайвонлар султони Арслоннинг маслахатдўйи Барс шундай дебди:

— Қани, ўзларинг бирма-бир сўзга чиқиб айтинлар-чи,

бу дунёда энг ақли, одил ҳамда энг эгчил, деб қайси ҳайвонни тан оловсанлар?

Шунда хушомадқўй, лаганбардор ҳайвонлар Арслонга яхши кўриниш учун қулай пайт келганини билиб, бирин-кетин сўзга чиқиб, уни мақтай бошлабдилар. Ўрмон-тўғай ичда, ҳайвонлар орасида айёрлиги, лаганбардорлиги билан ном чиқарган Тулки думини ўйнатаиб, шундай дебди:

— О, оламанохумини бўлмиш Арслон! Сиз барчамизнинг ҳукмдоримизсиз, улғумизсиз! Бу олама сиздай дово, етук, донишманд, қучли ҳайвон, меҳрибон мураббий ва мустаҳкам тахт эгаси бўлган эмас. Сизни аввалданок ҳайвонлар ҳукмдорлигига муносиб кўриб, сайлаганмиз. Сиз ҳаминша одиллигингиз, довраклингиз билан ўрناк бўлиб, бизга паноҳ бўлиб келгансиз, шундай бўлиб қоласиз!

Тулкининг тўлиб-тошиб гапирган сўзларини эшитган бошқа ҳайвонлар ҳам бири олиб-бири қўйиб Арслонни мақташга тушибди. Фақат Итгина бир чексада бошини елкаси ичига олиб, қунишиб, унсиз тураверибди. Унинг жим турганидан ачгини келган Арслон:

— Ҳой, сен нега гапирмайсан, ёки буларнинг фикрига қўшилмайсанми? — деб ҳайқирибди.

— Ҳа, мен бу ҳайвонларнинг айтганига асло қўшилмайман! Сабаби, дунёдаги барча яралмишлар орасида энг ақли, энг қучли, ҳамма нарсани ақл-фаросат ила бошқара оладиган жонзот, деб одам боласинигина тан оламан! — дебди Ит.

Итнинг бу сўзлари ҳайвонлар султонига ёқмабди у яни ўрмондан ҳайдаб юборишини буюрибди. Ҳайвонлар орасига сиғиша олмаган Ит яна овулга қайтиб келибди ва инсон боласига бағир босиб, улар билан яшаб қолибди. Даврлар ўтиши билан, Яратганининг ҳукмига қўра, ит билан Қумайқушга никоҳ тушади. Ер юзидан турли хил ИТ аотлар, елдан уқур, туйғундан илгир, асл насл бўлган Қумай тозилар ҳам ителги, италгази каби қушлар ҳам шу икковидан тарқалган эмиш. Итнинг тугилиб ўсган жойидаги қавмларни Итэли, ҳалқини эса Сақлар юрти дейишаркан.

Итэли қавмининг ҳукмдори бир кунги ўз ўлкасидagi елкаси ер исаламан етти нафар полвоини айбдор деб топиб, зулм кўрсатади ва уларни ватандаридан қувиб юборди. Бир-биридан боғир, мерган бўлган бу азаматларга йўл бўйи бир қўйчивонинг ити ҳам қўнилиб, қувғиндилар бир тоққа бориб, ўша ёқлардаги унгурулардан бошпана топадилар. Уларга ҳамроҳ бўлган ит уч юз йиллар мобайнида етти наҳлавонга қуён ушлаб, қуш тугиб бериб юради. Бу боғирлар ҳам итнинг содиқлигини, вафодорлигини, ақли ва ғамхўрлигини мангу ёйда сақлаш учун ўзларининг авлодларига, фарзандларига «Ит — инсоннинг дўсти», деган эгу ҳикмати насият қилиб қоддирган, дейишади. Итнинг мучал саноидаги ҳайвонлар қаторига киритилиши ҳам юқоридagi хислатлари туфайли, деб айтиншга боболар. Ит жуда сезгир, хид билгич жонивор бўлганлиги боис ҳам, чўпонлар уни қадрлаб, ўзларининг идишидан суч ичвар эмиш. Итнинг улишини, нола чекишини хавф-хатар, фалокатнинг олдидан берилган хабар, деб талқин қилувчлар ҳам бор. Агарда ит кимни қониб оlesa, ўша одам қўнгилсиз ҳодисага учрайди, деб ирим қилади баъзилар.

Хуллас, ит барча ҳайвонлар ичда одамга энг яқин, энг содиқларидан ҳисобланади. Шу хил хислатларга эга бўлгани учун ҳам итга охираг кунда инсон териси ҳайвонларни у қайтдан одамга айланар эмиш. Қўнғича қўйчивонларнинг ити ўлганда, уни кафанлаб қўмишларининг сабаби ҳам шу эмиш.

**Айтувчи — Навоий вилояти Томди тумани
Ўтамурод қишлоғида яшовчи Серикбой Қалибек
ўғли.**

ТОШБАКА



Қадим-қадим замонда жуда зиқна, ичи тор сир сартак (савдогар, судхўр) бўлган экан. У жуда бадавлат бўлишига қарамай, дунё устига дунё йиғиш, бойлик тўлашини севаркан. У ўагалар ҳақидан ҳам кўркмас экан. Одамлар сартакнинг қўли эгрлигини, ҳатто тарози тошини ҳам енгиллатиб фойда кўришини биларканлар. Харидорлар унинг жазосини бериш учун бир кунни қозига арз қилибдилар. Қози ўз кўзи билан кўриб, шонх ҳосил қилиш мақсадида бечораҳол кийиниб, сартакнинг ёнига келибди-да у-бу нарсаларни савдолашибди. Қози зеҳи солса, савдогар тошларни алмаштириб, харидор ҳақидан уриш пайида эмиш. Буни кўрган қози ғазабланиб:

— Ҳей, бақабош! Мижжа қоқмай харидимни хато ҳисобладиң. Киши кўзига бақрайғунча, олдиндаги тошини тўғриламайсанми? Эду юртининг насибасини қирққунча, бақадай вақилдаб, мана шу икки тошнинг орасида қолганин ахши! — деб қарабди.

Кутилмаганда, кўпчиликнинг кўзи олдиди ҳайратланарли воқеа рўй берибди — савдогар осмонга учди, ерга кирди, йўқ бўлиб қолибди-да, ўрнида тарвақайлаган тошбақа пайдо бўлибди! Бозорга келган харидорлар эса ана шу гаройиб воқеадан ҳайратланганча тарқалишибди. Шундан бери боғи зиқна савдогар тошбақа шаклига эниб, мангуликка маҳдудқа айлиниб қолган экан. Айтишларича, шундай тошбақа зиқналигини ташламай, одамзотнинг униб-ўстанини кўролмай, бетобларнинг дардига даво бўдучи, меҳриғиё чўшини тилининг тағдиди сақларминш.

Одамлар меҳриғиёни тошбақа оғзидан олишининг осон йўлини топишибди: тошбақанинг ини оғзига саксовулни қалаштириб тахлаш керак, токи тошбақа тахланган шох-шаббардан ошиб ўтолмасин. Тошбақа ундан ошиб ўтишга зўр берганида томоғига куч тушиб, тилини чиқаради ва тили остидagi меҳриғиё саксовул бутуқларига иланиб қолади. Шунинг учун ҳам одамлар саксовулни тошбақа инига гов қилиб қўядилар. Шундай қилиб одамлар тошбақадан ҳақини олар эмиш.

Айтувчи — Навоий вилояти Томди элати Оққовоқ овулида яшовчи Йўғилик Алибек ўғли.

БУЛБУЛ

(Сандувоч)

Бундан сон минг йиллар бурун Булдуруқ қасоб элида икки эгизак яшаган экан. Улардан бирининг исми Мулла Қалпоқ Тўрғай бўлиб, у диндор киши экан. Иккинчиси — ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, эркатой ва чиройли йиғит бўлиб, одамлар уни Сандувоч дейишаркан. Мулла Қалпоқ Тўрғай кўп китоб ўқиганлигидан ошириб гапирадиган, кўфрлик қиладиган одат чиқарибди. Унинг эгизи Сандувоч эса «энг чиройли одам Ҳамман», деб, ҳеч кимни назар-нисанд қилмайдиган бўлибди.

Иккала эгизнинг бу хил осийлик қилишлари Яратганга ёқмабди. Оға-инилар ҳатто бир-бирини ҳам менсимасликларини кўрган Тангри уларни қушга айлантириб қўйибди.

Шундай қилиб, эгизлар қушга айланибди. Аммо улар қушга айланганларидан кейин ҳам ақли кирмай, бир-бири билан ўрин талашиб, жанжаллашаверишдилар. Шундан кейин Тангри уларга шундай шарт қўйибди:

— Иккалангиз кимўзарга сайрайсиз! Қайси бирингиз узоқ вақт, чиройли сайрасангиз, ўша қуш шу маконда — одамлар орасида яшаб қолади.

Аввал Мулла Тўрғай (халқ орасида уни пошшатўрғай, қалпоқтўрғай, бўзтўрғай деб ҳам аташади) сайрайдиган бўлибди. У баланд бир шохга чиқиб олиб, билган мақомига йўрғалаб, турли-турли созларга тушиб, бўзлаб-бўзлаб сайрай бошлабди.

Навбат Сандувочга келибди. У ҳам бир дарахт шохига чиқиб олиб, япроқлар орасида яшириниб, гулларга қараб-қараб, чунон сайрабдики, унинг ёқимли, маст қилувчи хуш овозини эшитган одамлар нақ ҳўшдан кетиб қолай дебдилар.

Мусобақа шу тахлитда давом этиб, бири қўйганда, бири авжита чиқиб сайрайверишибди. Мулла Тўрғай минг нағма сайрабди, Сандувоч эса минг битта нағма сайраб, ўткир нафас билан ҳаммани ҳайратда қолдирибди. Ажойиб мусобақанинг гувоҳи бўлган барча тирик жонивор, ҳайвоноту башариёт йиғилиб:

— Бул минг бир нағмани билди! Бул билди! — дейишиб, Сандувочни сарой ва боғларда қолдиришни Тангридан сўрашибди. Кўпчиликнинг «Бул билди! Бул билди!», деб чугурлаган овози ҳамма томонга таралиб, бора-бора «булбул»га айланиб кетибди.

Шу-шу бўлибди-ю, булбул одамларга яқинлашиб, соя-салзин боғларда сайр этиб, ишқ-муҳаббат нағмаларини, ҳижрон куйларини янграгиб сайраб, ошқлар дил изҳорини ифода қилса, ичи ҳасадга тўлиб, ишиқ кетган мулла-тўрғай эса чўл-бийбонга, чексиз дала-қирларга чиқиб кетиб, залқисиз чириллаб, саҳролар қўйнидан макон тутадиган бўлибди. Булбул аталган Сандувоч турфа хил нағмалар ичиди фақат одам боласи чалдиган мусиқа исбоблари янграгандагина, куйларга тан бериб, бош эгиб, тор, гижжак, рубоб, най ёки дуторнинг қулোগа бориб кўнар эмиш. Халқ тилидаги «дуторнинг қулোগа булбул келиб кўнган соғанда», деган ибора шунга ишора, деб айтишади.

Бўзтўрғай эса «Менинг нисбам Қалпоқ Тўрғай, менга теккан ҳароб бўлғай», деб сандирокларини одат қилган, дейишади. Бу икки эгиз қўшнинг қисматидан хабардор бўлган бахши-жировлар бундай қўшиқ айтган эканлар:

Булбул — қўшнинг боласи,
Бийикда бўлар уяси.
Бийикни тошин сув олса,
Бемаза бўлар онаси.
Бўзтўрғайнинг боласи,
Бўз ерда бўлар уяси.
Бўз ерни бўйлаб сув олса,
Бўзлайди экан онаси...



Айтувчи — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги Қулқудуқ овулидан Ойтўти Башар қизи.

Ҳазиб олувчи — Табиқсан Қанаатов.
Қорақалпоқчадан Музаффар Аҳмад таржисмаси

Севарабону (Сунали КУМАР) 1983 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида туғилди. Унинг отаси Кумар соҳиб ҳинд, онаси Муяссар эса тожик эдилар. Ота-онаси Тошкентда бирга таҳсил олишган. Иккаласи севишиб, турмуш қуришган.

Институтни тугатгач, ҳамма талабалар йўлланма бўйича ўз юртларига юборилган. Шу орада Муяссар Қашқадарёга кетади. Кумар соҳиб Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлади. Ой-кунлар ўтиб



филмида “Котиба” ролини, “Лампочка”, “Солифон” хангомаларида «врач ёрдамчиси», «хамшира» ролларини ва телеминиатюраларда кичик-кичик ролларни ижро этиб келмоқда. Устози Шерқўзи Ғозиев билан бир неча бор ҳинд қўшиқларини ижро этиб, муҳлислар қалбидан жой олди. “Шерхон” студияси яқинда Ҳиндистон кино ижодкорлари билан тасвирга туширган “Шерхон тракторчи” кинокомедиясида режиссёр ассистенти вазифасини бажарди

ИЖРОИ ҲАММОН

Муяссар кизлик бўлади ва исмини Севарабону деб қўяди. Бундан Кумар соҳибнинг хабари бўлмаган. “Агар қизим борлигини билганимда, албатта етиб келар эдим”, — дейди у. Муяссар қизини чақалоқлар уйига топшириб юборади. Улғайгач эса, меҳрибонлик уйига ўтказилади. Шундай қилиб, Севарабону меҳрибонлик уйида ўсиб, улғаяди.

Эсини танигач, Тошкентга келади ва Маданият коллежига ҳужжат топширади. Коллежда ўқиб юрган чоғларида онасини излаб топади. Кейинроқ, онасидан эшитганлари бўйича ҳомийлар ёрдамида Ҳиндистонга боради ва у ердан отаси Кумар соҳибни топади.

Кумар соҳиб бир ҳайратланиб, бир ажабланиб кизига қарайди. Хуллас, уни кучоқ очиб қутиб олади. Унинг исмини Сенварабону эмас, “Сунали Кумар” деб ўзгартиради. Шундай қилиб, Сунали отасининг уйида бир неча кун меҳмон бўлади ва Ҳиндистондаги синглиси Рупали ва унинг онаси билан дўстлашиб, Тошкентга қайади.

Ҳозирги кунда у “Шерхон” студиясида ижод қилмоқда. Яқинда “Сангам” гуруҳини ташкил этиб, устозлари Шерқўзи Ғозиев, Комил Улуғ, Бахтиёр Исматуллаев ва Жаббарали Жўраевлар кўмагида бошқариб келмоқда.

Телеэкран орқали намоиш этилган “Ўч” видео-

ҳамда хонанда Севарабону образини яратди. Шу билан бир қаторда Сону Шарма ижросидаги ҳинд қўшиқларини ҳам Сунали ижро этди.

Севарабону шу кунларда янги қўшиқлар устида иш олиб бормоқда. Яқин кунларда аудио, видеокасета ва диск албомларини муҳлисларига ҳавола этмоқчи.

Албомлардан ўзбек, ҳинд, тожик ва Индонезия қўшиқлари жой олади.

Биз икки юрт қизи Сунали (Севарабону)га ижод йўлида омадлар тилаймиз ва келажакда порлоқ юлдузлар қаторидан жой олишига ишонамиз.

Қамолддин АЗИМ ўғли



✓ Бир киши итини сотаяпти. Харидор сўради:

- Итингиз соғломми?
- Соғлом.
- Ақллими?
- Ақлли.
- Садоқатлими?
- Садоқатли. Мен шу билан уни бешинчи марта сотаяпман.



- Болагинам, ўзимнинг куёнчам, уйғона қол!
- Йўқ, мен бугун балиқман. Оёқларим йўқ, шунинг учун боғчага бора олмайман.



- Мен туғишни истайман, аммо эрим истамаяпти. Нима қилай?
- Туғаверинг, эрингиз туғмаса-туғмас!



- Болаларингиз борми?
- Ҳа, ўнта.
- Уларни бир-биридан қандай ажратиб оласиз?
- Отасининг исмидан ажратаман.



- ✓ Ойи, катта бўлсам, мен ҳам турмушга чиқаманми?
- Ҳа, яхши қиз бўлиб юрсанг, албатта, турмушга чиқасан.
- Яхши қиз бўлмасам-чи?
- Унда жудаям кўп турмушга чиқасан.



- Тиш дўхтири мижознинг тишини суғура олмагач, деди:
- Боринг, паровоз суғурсин тишингизни!.. Мижоз икки кундан сўнг яна келди.
- Хўш, нима бўлди?
- Учта вагон релсдан чиқиб кетди.
- Тишингиз-чи, тишингиз?
- Станция бошлиғи уриб синдирди.



- ↓ Қушлар дўконига харидор кириб деди:
- Менга 524 та суварак, 18 та сичқон ва 5 та каламуш беринг!
- Уларни нима қиласиз?
- Мени ижара уйдан ҳайдаб чиқаришяпти. Айтишдики, мен уйни илгари қандай бўлса, шундайлигича қолдирарканман.



- ↓ Ўрмонда ҳайвонлар оч қолишгач, тулки уларга таклиф киритди:
- Келинглр, кимнинг оғзи кичик бўлса, ўшани еб қўямиз, тўғрими, типратикан?!
- Ҳа-а-а-а-а!



- Ойи, манави маймунни сотиб олайлик!
- Ие, биз уни нима билан боқамиз?
- Мана, ёзиб қўйишибди: “Ҳайвонларга овқат бериш қатъиян тақиқланади!”



- Ўртоқ милиционер, биз киллерни қўлга туширдик!
- Бу ёққа олиб келинг!
- Иложи йўқ, у бизни маҳкам ушлаб турибди.



- Оғайни, анчадан бери кўринмай қўйдинг, қаерда эдинг?
- Қасалхонада эдим. Асабларимни даволадим.
- Нимани даволадинг?
- АСАБЛАРИМНИ ДАВОЛАДИ-И-ИМ!



- Парапсихология нима?
- Психолог хонасига кирсанг-у, у ерда икки нафар психолог ўтирган бўлса, бу парапсихология деб аталади.



4605 10/1 60

မြန်မာနိုင်ငံ သစ်တောရေးရာဌာန - 820
ရန်ကင်းမြို့နယ် - 806

ပိတ်ဆို့ထားသော သစ်တောရေးရာဌာန

